ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАР
ОЛАМИ

# Донолар суҳбати

*Иккинчи нашри*

ТОШКЕНТ – «O‘ZBEKISTON» – 2018

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)
Ф-79

Тўпловчи:

*Эргаш ОЧИЛОВ,*
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-01-900-3

© Е. Очилов, 2013, 2018
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2013, 2018

## ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ҲИКМАТИ

Луқмон – Довуд алайҳиссалом даврида яшаган қора танли бир қул эди. Ривоят қилишларича, у 1500 йил умр кўрган.

Бир куни хожаси Луқмонга буғдой экишни буюради. У эса арпа экди.

– Нега буғдой эк десам, арпа экдинг? – деб хожаси унга зуғум қилди.

– Нима, арпа экса, буғдой унмайдими? – ўзини гўлликка солди Луқмон.

– Эсинг жойидами? – уриша кетди хожаси. – Ким арпа экиб, буғдой олибди?

– Бўлмаса сен ҳам ёмонлик қилиб, яхшилик умид қилма! – деди Луқмон.

## ҲАР КИМГА НИЯТИГА ЯРАША

Луқмони ҳакимнинг қўли очиқлиги, сўраганга қарз бериб, ёзиб қўймаслигини билган бир киши еб кетиш нияти билан ундан минг танга олтин олди. Йўлда дам олгани ўтириб, пулни қизил рангли бир матога ўраб қўйди. Бир қуш уни гўшт хаёл қилиб олиб қочди ва Луқмоннинг уйи устидан учиб ўтаётганида тумшуғидан тушириб юборди. Луқмон ўзи берган олтин-

ларни таниб, олиб қўйди. Ҳалиги одам келиб, яна шу ният билан минг танга олтин олди. Лекин анҳордан кечиб ўтаётганида уни сув олиб кетди. Анҳор Луқмоннинг уйи ёнидан ўтар эди. Луқмон олтинни таниб, яна олиб қўйди. Ўша одам учинчи марта ҳам қайтармаслик ниятида минг олтин олиб, уни ҳам бир сабаб билан йўқотди. Тўртинчи марта ниҳоят, савдосотиқ билан шуғулланиш ва фойда кўрса, Луқмонга тўрт минг қилиб қайтариш нияти билан минг олтин сўради. Бу гал фойда кўрди ва Луқмонга тўрт минг олтин олиб келди, лекин Луқмон минг олтинни олиб, қолганини қайтариб берди.

## УЧ ВАСИЯТ

Луқмони ҳаким ўлимидан олдин ўғлига уч васият қилди: биринчиси – зинҳор хотинингга сирингни айтма, иккинчиси – бойликка янги етишган нокасдан қарз олма, учинчиси – миршаб билан дўст тутинма.

Отаси вафот этгач, ўғил бу уч васиятни синаб кўрмоқчи бўлди. Бозордан бир қўй олди-да, сўйиб қопга солди. Оғзини маҳкам боғлаб, уйга келтирди. Хотини сўради:

– Бу қопда нима бор?

– Бировни бехос ўлдириб қўйдим. Изни йўқотиш учун уни қопга солиб олиб келдим. Эрингдан айрилиб қолишни истамасанг, зинҳор битта-яримтага гуллаб қўйма, – деди.

Кейин янги бойиган кишидан қарз олди.

Миршаб билан дўст тутинди.

Бир куни хотини билан гапи қочиб, уни тутиб урган эди, етти маҳаллани бошига кўтарди:

– Войдод, мусулмонлар! Эрим одам ўлдириб ўрганган, энди мени ҳам ўлдирмоқчи!

Бу гапни дарҳол ҳокимга етказдилар.

– Қочиб қолмасидан уни қўлга олинглар, – деб буюрди ҳоким.

Уни ким тутиб келади? – дейишганида миршаб:

– Мен унинг уйини биламан, – деди. – Ўзим тутиб келаман.

– Эй дўстим, мени қўйиб юбор – қочиб кетай, – деб илтимос қилди у. Лекин миршаб кўнмади.

Воқеадан хабар топган янги бой ўпкасини қўлтиқлаб келди:

– Қарзингни тўлаб қўй, ўлиб кетсанг, мен пулимга куйиб қоламан.

Бировдан олиб, унинг пулини тўлади.

Миршаб уни ҳоким ҳузурига олиб борди. Ҳоким уни таниб:

– Луқмондай одамнинг ўғлига шу иш муносибми? – деди.

– Рухсат бер, ўша қопни олиб келишсин, – илтимос қилди у.

Қопни олиб келиб, ҳокимнинг қошида очдилар – сўйилган қўй чиқди.

– Нима гап ўзи? – деди ҳоким. – Тушунтириб берсанг-чи?

У бўлиб ўтган барча воқеаларни ҳикоя қилиб берди:

– Отам менга уч васият қилган эди. Синаб кўрай деб шу ишларни қилдим. Отамнинг ҳамма гаплари рост чиқди.

## ДЎСТЛАРДАН АЗИЗ ДУШМАН

Луқмони ҳакимдан:

– Барча дўстлардан ҳам азиз душман қайси? – деб сўраганларида, у:

– Нафс, – деб жавоб берган экан.

## ОДОБНИ ОДОБСИЗДАН ЎРГАНДИМ

Луқмони ҳакимдан сўрадилар:

– Одобни кимдан ўргандинг?

– Одобсиздан, – жавоб қилди у.

Ие, қанақасига? – ҳайрон бўлишди.

– Одобсизнинг қайси иши кўзимга ёмон кўринди, улардан ўзимни сақладим.

## ТИЛ ВА ЮРАК

Луқмони ҳакимни бир киши сотиб олиб, даргоҳида хизмат қилдирарди ва ундаги илми ҳикматни гоҳи-гоҳида синаб кўрарди. Бир куни имтиҳон тарзида буюрди:

– Эй Луқмон, менга бир қўйни сўйиб, энг яхши аъзосини олиб келгин.

– Бош устига, – деди Луқмон ва қўйни сўйиб, тили билан юрагини хожасига элтди.

Анча муддат ўтгандан кейин хожа уни яна чақириб, деди:

– Эй Луқмон, бир қўйни сўйгинда, менга унинг энг ёмон аъзосини олиб келгин.

Луқмон қўйни сўйиб, яна тили билан юрагини кўтариб келди.

Хожа деди:

– Нега қўйнинг энг яхши аъзосини сўрасам ҳам, энг ёмонини сўрасам ҳам тил ва юракни кўтариб келдинг?

Луқмон деди:

– Эй хожа, агар пок бўлса, ҳеч нарса тил ва юракдан яхши эмас. Агар нопок бўлса, ҳеч нарса улардан ёмонроқ эмас.

## ДОНОЛИК ЙЎЛИ

Луқмони ҳакимнинг олдига бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишади. Ундан ҳикматга оид нарса-

лардан сўрашди. Шунда келганлардан бири:

– Эй ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан? – деб сўраб қолди.

– Ҳа ўша чўпонман, – деб жавоб берди Луқмон, – ҳозир кўриб турибсанки, ҳакимман.

– Бу даражага қандай эришдинг? – деб сўради у.

Луқмони ҳаким унга:

– Тўғри сўзлашдан, одамларга яхшилик қилишдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, ёлғон сўзламасликдан, беҳуда гапирмасликдан, мусибат ва қийинчиликларга мардона чидашдан, ўзини барчадан кам олишдан! – деб жавоб берди.

## САБОҚ

Луқмони ҳакимни бир киши ўзининг қочиб кетган қули гумон қилиб, тутиб олибди ва иморат қурдириш учун лойга солибди. Иморат битганда қочоқ қул топилиб, ҳақиқат аён бўлибди. Шунда у киши Луқмондан кечирим сўраган экан, Луқмон унга:

– Авваламбор, мен кечирдим деганим билан бир йиллик эзилганимни ҳеч қачон эсдан чиқара олмайман. Иккинчидан, бу бир йил мен учун бекор кетгани йўқ, менинг ҳам қулим бор эди, унга энг оғир ишларни буюрар эдим. Энди ундай қилмайман, – деган экан.

## БОЙ ВА ДОНИШМАНД

Суқрот бир бой билан йўлга чиққан экан. Шу ўртада қароқчилар изғиб юрибди, деган хабарни эшитиб қолишибди.

Бой:

– Оббо, Худо урди! Улар мени таниб қолса, нима бўлади? – деса,

Суқрот:

– Мени танимай қолса, нима қиламан? – дебди.

## НОҲАҚ ҲУКМГА ҲАҚ ЖАВОБ

Суқротнинг ўлимга ҳукм этилганини эшитган хотини:

– Сени ноҳақ ўлдиришяпти, – деб йиғлай бошлабди.

– Ўчир, – дебди Суқрот. – Ҳали мени ҳақ бўла туриб ўлдиришларини истабмидинг?!

## МАҲРУМИЯТ ВА МУЯССАРИЯТ

Бир киши Суқротга:

– Сен ўзингни дунё неъматларидан маҳрум қилгансан! – деб қолди. Суқрот ундан:

– Неъмат нима? – деб сўради.

У киши:

– Семиз барра гўшти ейиш, шароб ичиш, чиройли кийиниш, гўзаллар билан ишрат қилиш, – деб жавоб берди.

Суқрот унга шундай деди:

– Бу нарсаларнинг ҳаммасини тўнғиз, маймун ва дарранда ҳайвонларга ўхшашни хоҳлайдиган ки-

шиларга ҳавола қилдим. Бу тоифа одамлар ўз қоринларини ҳайвонлар қорни каби шиширадилар, руҳ иморати ўрнига, бадан иморатини тиклайдилар.

## СУҚРОТНИНГ ЖАВОБИ

Бадавлат кишилардан бири бечоралик билан кун ўтказувчи Суқротни айблади. Суқрот унга:

– Агар мен хоҳласам, сен каби яшашим мумкин, аммо сен ҳеч қачон мен каби кун кечиролмайсан! – деди.

## ФАҚИРЛИК ЛАЗЗАТИ

Бойлардан яна бири Суқротга:

– Сен жуда камбағал ва қуруқ қўлсан, – деди.

Суқрот эса унга:

– Агар сен фақирлик лаззатини билсанг эди, менга ачиниш ўрнига, ўзингга ачинар эдинг! – деб жавоб берди.

## ДУНЁ ХАФА БЎЛИШГА АРЗИМАЙДИ

Шогирдлари Суқротдан сўрашибди:

– Нега чеҳрангизда ҳеч қачон маҳзунлик аломатини кўрмаймиз? Ҳамиша димоғингиз чоғ?

– Чунки менинг йўқотганимда хафа бўладиган нарсам йўқ, – деб жавоб берибди буюк донишманд.

## ЛУҚМОННИНГ ҲАЁТГА ҚАЙТИШИ

Луқмони ҳакимдан хафа бўлган подшоҳ уни ўғли билан бирга тириклай бир чуқурга кўмиб, устидан экин эктирди. Луқмон чуқурга ўзи билан қирқ ботмон[1] майиз олиб кирган эди. Узоқ йиллар ер остида ўша билан жон сақлади. Тахтга янги подшоҳ чиққанда бир донишманд уни бундан хабардор қилиб:

– Шундай ҳаким бир чуқурда хор бўлиб ётса увол, – дейди.

У тенгсиз ҳаким эди, – деди подшоҳ, – шояд бир чорасини қилиб, тирик қолган бўлса.

---

[1] *Ботмон* – турли даврларда ва турли мамлакатларда турлича (20 кг дан то 172 кг гача) қўлланиб келинган оғирлик ўлчови.

Ўша чуқурни қазиб, Луқмонни топдилар. Лекин унинг эти ва териси шунчалик юпқа тортиб қолган эдики, қўл тегса, сочилиб кетгудай. Ташқарига олиб чиқсак, ўлиб қолмасин деб, чуқур ичида олиб ўтирдилар. Уч кун деганда юраги урди, яна уч кундан сўнг нафас ола бошлади. Уч кун давомида ҳар куни уч марта оғзига бир думалоқдан сариёғ солиб турдилар. Натижада териси жон олиб, кўзини очди. Шундан кейин саройга олиб келдилар. Уч кунда тилга кириб:

– Иккита бокира қиз топиб келинглар – икки томонимдан қучиб ётсин, – деди.

Шундай қилган эдилар, бир ойда оёққа турди.

Подшо сўради:

– Сенинг тирилишингга қизларнинг қучиб ётишидан нима фойда бўлиши мумкин?

– Бунинг сабабини батафсил тушунтиришга ҳали қувватим йўқ, – деди Луқмон. – Агар жуда билгинг келса, ёш қизга уйланган бир чол билан кампирга уйланган бир йигитни топиб келтир. Уларни ўлдириб, суякларини синдир-да, иликларини кўр.

Шундай қилдилар. Кампирга уйланган йигитнинг илиги сувдай суюқ бўлса, ёш қизга уйланган чолнинг илиги тўла ёғ эди. Кампир билан қизнинг фарқини шундан билдилар.

## МАРҲУМЛАРНИ ЁД ЭТИНГ

Сукротни[1] қатл этиш учун олиб бораётганларида шогирдлари йиғлаб сўрашди:

– Устоз, васиятингизни айтинг, қаерга дафн этайлик?

Сукрот табассум қилиб деди:

– Қаерга дафн этишларингизнинг фарқи йўқ, фақат мени ёд этиб турсаларингиз бас.

## ЎЗЛИГИНГНИ ТАНИ

Сукрот йўлдошлари билан саёҳат қилиб юриб, умумюнон диний маркази ҳисобланмиш Дельфа шаҳрига

[1] *Сукрот* – қадимги юнонистонлик машҳур ҳаким ва файласуф Сократ (милоддан аввалги 469–399).

боради ва у ердаги машҳур Дельфа ибодатхонасини зиёрат қилади. Ибодатхонанинг пештоқига "Ўзлигингни тани", деб ёзиб қўйилган экан. Бу ҳикмат Суқротга жуда қаттиқ таъсир қилади – у кўпдан бери излаётган нарсасини топгандай, кўп жумбоқларни ечишга ёрдам берадиган калитни қўлга киритгандай хурсанд бўлади. Шундан кейин бу ҳикматга қаттиқ амал қилиб, ўзидаги фазилатлар ва нуқсонларни ўзидан излаб яшай бошлади. Шу аснода Суқрот жуда катта аҳамиятга эга бўлган улуғ кашфиётлар қилади.

## БИЛМАСЛИК УЯТ

Арасту[1] ниҳоятда қариб ва букчайиб қолганда, ҳаётининг гулзорида хазон мавсуми бошланганда ва ўлим элчиси хавфу хатар солиб турганда мусиқа илмини ўрганишга киришди. Дўстларидан бири унга:

– Гўру кафан ҳақида ўйлаш лозим бўлган бир пайтда, танбур чертишдан уялмайсанми? – деди.

Ҳаким унга:

– Билмаслик оғир айбдир, ана шундан уялиш керак, – деди.

[1] *Арасту* – буюк юнон файласуфи Аристотель (милоддан аввалги 384–322).

## ДОНО ВА НОДОН

Жолинус[1] ҳаким бир кимса донишманд бир зотнинг ёқасидан тутиб, уни ҳақорат қилаётганини кўриб, шундай деди:

– Агар бу одам чиндан ҳам доно бўлганида унинг бир нодон билан иши шу даражага бормас эди.

## ШЕЪР – ГЎЗАЛ “ЁЛҒОН”

Анушервони одил[2] шоирларни ҳузурига чақириб айтибди:

– Бу не бетавфиқликки, сиз шоирлар мендек одил шоҳ давро-

[1] *Жолинус* – қадимги Рим ҳакими ва табиатшуноси Гален (тахминан 129–201).

[2] *Анушервон* (*Нўширавон*) – одиллиги билан ном чиқарган сосонийлар сулоласидан бўлган Эрон шоҳи. Шарқ халқлари орасида адолат тимсоли ҳисобланган.

нида ёлғон шеърлар ёзасизлар? Ҳеч замонда ошиқнинг оҳу фиғони саҳрога ўт қўядими? Қиз боланинг киприги ўқ бўлиб, ошиқ йигитнинг кўкрагига санчилармиш. Бу гапга ким ишонади? Хуллас, шу бугундан бошлаб ким ёлғон шеър ёзса, боши дорда, мулки талонда.

Шу фармондан кейин узоқ вакт ҳеч ким шеър ёзмай қўйибди. Ниҳоят, бир шоир шеър ёзди:

*Тонг отса, юлдузлар сўнар осмонда,*
*Хўрозлар қичқирар Мозандаронда.*
*Ҳалабда кечқурун қуёш ботади,*
*Кечаси одамлар ухлаб ётади.*

Анушервони одил ҳеч бир ёлғони йўқ, бошидан-охиригача ҳақиқат бўлган ушбу шеърни ўқиб, елкаси-

ни қисди, бошини қашлади ва яна фармон берди:

– Шоирлар ўша ўзининг ёлғонини ёзаверсин!

## ТАКРОРДА ГАП КЎП

Айтишларига қараганда, Аристотелнинг "Жон ҳақида" асарининг Абу Наср Форобий мутолаа қилган нусхаси топилган. Ана шу китобда Форобий ўз қўли билан "Мен шу китобни юз марта ўқидим" деб ёзиб қўйган экан. Бу олим тўғрисида нақл қилганларнинг гапига қараганда, Абу Наср Арастунинг "Физика" асарини қирқ марта ўқидим-у лекин уни қайта ўқишим керак дер экан.

## АРАСТУНИНГ ЭНГ КАТТА ШОГИРДИ

Бир гал Форобийдан:

– Фалсафа соҳасида ким ўткир – Сизми ё Арастуми? – деб сўрашибди.

Шунда Абу Наср савол берганга жавобан:

– Агар мен у кишининг қўлида таълим олишга муяссар бўлганимда, унинг энг катта шогирдларидан бири бўлган бўлар эдим, – дебди.

## ҲАР СОҲАДА БЕНАЗИР

Амир Сайфуддавла ибн Ҳамдон[1] Абу Наср билан яхши муносабатда бўлган экан.

---

[1] *Амир Сайфуддавла* – Ҳалаб амири (916–964).

Абу Наср Дамашққа келгач, Сайфуддавланинг ҳузурига киради. Амир, одатига кўра, теварагига олиму фозилларни тўплаб, суҳбатлашиб ўтирган экан. Абу Наср амир даргоҳига кириб келганида у ўзининг туркона кийимида бўлади, одати бўйича у доим шу кийимда юрар эди. У аста ичкарига кириб келади-да, амирга юзланиб типпа-тик туриб қолади. Шунда амир унга қараб:

– Ўтир! – дейди.

Абу Наср:

– Қайси жойга – ўз даражамга қарабми ё сен айтган жойгами? – дейди.

– Ўз даражангга қараб ўтир, – дейди Сайфуддавла.

У дадил юриб, тўрга равона бўлади – тўғри Сайфуддавла ўтирган курси олдига келиб тўхтайди. Ҳатто амирни ўтирган жойидан сал нарига суриб ҳам юборади

Одатда, Сайфуддавланинг ҳузурида мамлуклар – хизматкорлари ҳозиру нозир бўлгувчи эди. Амир бўлса, кўпчилик одамлар олдида гапириб бўлмайдиган бекитиқча гапларини ўзи ва ўша хизматкорлари биладиган махсус тилда гаплашарди. Бу тилни улардан бошқа ҳеч ким билмас эди. Шунда амир ўша тилда ўз одамларига қараб:

– Қандай беодоб чол экан! Ҳай, майли, мен ундан баъзи нарсаларни сўрайман, агар тўғри жавоб

беролмаса, боплаб адабини бериб қўясизлар, – дейди.

Амир шундай дейиши билан Абу Наср ўша тилда унга қараб:

– Эй амир, бир оз сабр қил, чунки ҳар бир ишнинг оқибатига қараб ҳукм чиқарилади, – дейди.

Абу Насрнинг бу гапидан Сайфуддавла даҳшатга тушади. Кейин унга:

– Бу тилни биласанми? – дейди.

Абу Наср унга жавобан:

– Ҳа, – дейди, – мен етмишдан ортиқ тилни биламан.

Абу Наср шу гапни айтиши билан амир унга бошқача қарай бошлади ва ҳозир бўлган олимлар билан ҳар хил фанлардан гаплашиб кетди. Шунда Абу Насрнинг ҳар

жиҳатдан устунлиги аён бўлди, бора-бора йиғилганларнинг кўпчилиги суҳбатни тўхтатиб, жим қоладилар, фақат Абу Насргина суҳбатни давом эттирар эди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир гапни мажлис аҳли ёзиб олар эдилар. Охири Сайфуддавла олимларни жўнатиб юбориб, Абу Наср билан ёлғиз қолади. Амир ўз суҳбатдошига қараб:

– Бирор нарса ейишга қалайсан? – дейди.

Абу Наср унга:

– Ҳеч нарса емайман, – дейди.

– Бирор нарса ичишга-чи? – дейди амир.

– Йўқ, – дейди Абу Наср.

– Бўлмаса, бирор куй эшитишга рағбатинг борми? – дейди амир.

– Ҳа, бор, – дейди Абу Наср.

Сайфуддавла машшоқларни чақиртиради.

Машшоқлар қайси куйни чалса, Абу Наср сен фалон жойда фалон хатога йўл қўйдинг, деб унинг камчилигини кўрсатиб турарди. Буни кўриб, Сайфуддавла Абу Насрдан:

– Бу санъатдан ҳам хабаринг борми, дейман, – деб сўрайди.

– Ҳа, – дейди Абу Наср. У шундай деди-ю, белидаги тўрвасини очиб, ундан бир неча чўпни олиб, уларни бир-бирига улади, сўнг чалиб машқ қила бошлаган эди, даврада ўтирганлар ўзларини тутолмай кула бошлашди. Кейин олим ўша чўпларни бошқача қилиб бириктириб чалган эди, йиғилганлар

пиқ-пиқ йиғлашга тушишди. Олим чўпларни бошқача тартибга солиб чалган эди, амирдан тортиб дарвозабонгача ҳамма донг қотиб ухлаб қолди.

## САБАБ

Абу Насрнинг ҳикмат фалсафасини ўқишига бир киши сабаб бўлган экан. Ўша киши унга Арастунинг бир неча китобини “Шу ерда тура турсин, кейин олиб кетаман”, деб қўйиб кетгани сабаб бўлган, дейишади. Иттифоқо, китобларга кўзи тушиб, улар Абу Насрнинг кўнглига маъқул бўлиб қолади ва ўқишга киришади, натижада етук файласуфга айланади.

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Форобий жуда камбағал бўлиб, қоғоз сотиб олишга ҳам баъзан имконияти бўлмас экан. Ўрмонга чиққан кезларида хаёлига келган нарсаларни дарахт япроғига ёзиб қўяр, қоғоз топганида кўчириб олар экан.

## ИМКОНИЯТ ВА МЕЪЁР

Носир Хисрав[1] "Сафарнома" асарида ёзади:

Тош девор билан ўраб олинган Муарритуннуъмон деган шаҳарда

[1] *Носир Хисрав* – машҳур форс-тожик шоири ва мутафаккири (1004–1088).

Абул Аъло Маарий[1] исмли кўр одам бўлиб, у шаҳар ҳокими эди. У беҳисоб бойлик соҳиби бўлиб, жуда кўп қул ва хизматкорлари бор эмиш. Аммо ўзи зоҳидона[2] ҳаёт кечирар, оддий ва арзон либослар кийиб, уйидан чиқмай хонанишинлик қилар экан. Тирикчилик учун ҳар куни ўзига ярим ман[3] арпа нон беришларини тайинлаган ва шундан бошқа нарса емас экан.

Бир киши ундан сўрабди:

– Худойи таборак ва таоло ҳисобсиз олий неъматларни сенга

---

[1] *Абул Аъло Маарий* – машҳур араб шоири ва мутафаккири.

[2] *Зоҳидона* – дарвешона, тақводорларча.

[3] *Ман* – 898,56 граммга тенг оғирлик ўлчови. Жойига қараб турли қийматда бўлган.

ато этмиш. Нега ундан бошқаларга бергансан-у, ўзинг фойдаланмайсан?

– Истеъмол қила олганим қадар неъматларгина меникидир, – деб жавоб берибди у.

## СЎНГГИ ТИЛАК

Абу Бакр ал-Хоразмий[1] ўлим тўшагида эди. Ундан:

– Кўнглинг нимани хоҳлайди, иштаҳанг нимани тусамоқда? – деб сўрадилар.

– Китоб юзига бир қарасам, – деди у.

---

[1] *Абу Бакр ал-Хоразмий* – хоразмлик машҳур шоир ва олим. Унинг илмий-адабий фикрларини ўз ичига олган “Рисолалар” асари машҳур.

## ЮРТ СОҒИНЧИ

Хуросон сафарида Бухоро амири Наср ибн Аҳмадга Марв об-ҳавоси ниҳоятда хуш келиб, шу ерда узоқ қолиб кетади. Вазиру аъёнлар юртни соғиниб, бетоқат бўла бошлайдилар. Лекин ҳеч ким юрак ютиб, бу ҳақда ҳукмдорга оғиз оча олмайди. Рудакийни совға-салом билан сийлаб, Амирни Бухорога қайтишга кўндиришни сўрайдилар. Шунда шоир Наср ибн Аҳмад ҳузурига кириб, мана бу ғазални куйга солиб куйлайди:

*Бўи жўи Мўлиён ояд ҳаме,*
*Ёди ёри меҳрубон ояд ҳаме.*
*Реги Омўю дуруштиҳои ў,*
*Зери поям парниён ояд ҳаме.*

*Оби Жайҳун аз нишоти рўи дўст*
*Хинги моро то миён ояд ҳаме.*
*Эй Бухоро, шод бошу дер зи,*
*Мир зи ту шодмон ояд ҳаме.*
*Мир моҳ асту Бухоро осмон,*
*Моҳ сўи осмон ояд ҳаме.*
*Мир сарв асту Бухоро бўстон,*
*Сарв сўи бўстон ояд ҳаме*[1].

Мазмуни: “Мўлиён ариғи сувининг бўйи келмоқда, унга қўшилиб меҳрибон ёр ёди келмоқда. Аму қуми ўзининг барча дағалликларига қарамай, оёғимга худди ипакдай майин ёқиб тушмоқда. Жайҳун суви (ҳар қанча қайнаб-тошмасин), дўст ёди хурсандлиги туфайли отимнинг белидан келмоқда. Эй Бухоро, шод

[1] *Шоирони аҳди сомониён*. Душанбе, 1999, С.19.

бўл-у, таъзимга чиқ, Амир сен томонга шодмон келмоқда. Бухоро осмон бўлса, Амир ундаги ой – ой ўз осмонига келмоқда. Бухоро бўстон бўлса, Амир бир сарв – сарв бўстон сари келмоқда".

Бухоро соғинчи, ватан туйғуси, интизорлик кечинмалари чуқур ифодаланган бу қўшиқни эшитган Амирнинг қалбида юрт соғинчи шунчалик кўпириб-тошганки, ҳатто кийинишни ҳам унутиб, чодирдан югуриб чиқиб, отга минганча "Қайдасан, Бухоро?" деб йўлга тушган экан. Аъёну надимлари ярим йўлда зўрға унга етиб, кийимларини кийдиришган.

## СУЛТОН МАҲМУД ВА БЕРУНИЙ

Бир куни Султон Маҳмуд[1] Ғазнада – Мингчинор боғидаги қасрнинг болохонасида вазирлар, олимлар, шоирлар билан ўтириб, бирдан Абу Райҳон Берунийга назари тушибди ва уни имтиҳон қилмоқчи бўлибди.

– Қани, айт-чи, мунажжим, – дебди у Абу Райҳонга мурожаат қилиб, – мен шу болохона тўрт эшигининг қайси бири орқали ташқарига чиқишим мумкин? Фикрингни қоғозга ёз ва шу ердагилардан бирontасига, ҳатто ўзимга ҳам кўрсатмай, мен ўлтирган кўрпачанинг қатига қистириб қўй!

---

[1] *Султон Маҳмуд* – ғазнавийлар давлати ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий (967–1030).

Абу Райҳон устурлобни қўлига олди, бўр ва тахтача келтиришларини буюрди. Сўнг офтобнинг баландлигини ўлчади, жадвал тузди, бир оз ўйланиб туриб бир парча қоғозга алланималарни ёзди ва уни тўрт буклаб султон айтган жойга яширди.

– Топдингми? – деб сўради Султон.

– Топдим, – деди Абу Райҳон Беруний қўл қовуштириб.

Султон қоғозга тегмади, усталарни чақиртириб, болохонанинг кунчиқар тарафидаги девордан эшик очишларини буюрди. Сўнг ўша эшикдан ташқарига чиқди, ҳаял ўтмай қайтиб кирди ва ўрнига ўтирганидан кейин кўрпача қатидаги қоғозни олиб ўқиди.

Унда “Тўрт эшикнинг биронтасидан ҳам ташқарига чиқмайдилар, балки кунчиқар тарафдаги девордан янги эшик очтириб, ўшандан чиқадилар”, деган сўзлар ёзилган экан. Султон жиғибийрон бўлиб, мулозимини чақиртирди-да:

– Абу Райҳонни қаср томига олиб чиқиб, ерга улоқтиринглар! – деб амр қилди.

Буйруқ бажо этилди, лекин Беруний шу воқеадан сал илгари султоннинг кўрсатмаси билан тортиб қўйилган соябон устига тушди. Шунинг учун ҳам бирон ери лат емади. Султоннинг амри билан уни яна болохонага олиб чиқдилар.

Султон унга муғамбирона боқиб деди:

– Эй Абу Райҳон! Буни ҳам олдиндан билганмидинг?

– Ҳа, билган эдим, султоним, – деб жавоб қилди Абу Райҳон.

– Буни нима билан исботлайсан? – Султон унга ўқдай тикилди.

Абу Райҳон хизматкорини чақиртирди. У хожасининг дафтарини келтириб берди. Олим унинг орасидан бир варақни йиртиб олиб, Султонга тутди. Султон қоғозни ўқиб кўриб ҳайрон бўлди, бошини қуйи солиб, сукутга кетди. Ўша варақда: "Мени фалон куни, фалон жойда баландликдан ерга улоқтириб юборадилар, лекин бирон ерим лат емай, соғу саломат қоламан", деган гаплар ёзилган экан.

## АЛ-КИНДИЙ ВА ШАЙХУЛИСЛОМ

Бир куни халифа Маъмун вазирлар, надимлар, шайхлар, олимлар ва шоирларни ҳузурига чақиртирди. Шунда мунажжим Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий шайхулисломдан юқорироққа чиқиб ўлтирди. Бунга шайхулисломнинг ғаши келди ва унга қараб:

– Аслинг ғайридин бўла туриб, нега мусулмонлар имоми бўлган мендек зотдан юқорига ўлтиришга жазм қилдинг? – деди.

Ал-Киндий жавоб қилди:

– Мен-ку, сен билган нарсаларнинг барчасини биламан, сен эса мен билган нарсалардан кўпини билмайсан.

Ҳақиқатан ҳам, шайхулислом уни фақат бир мунажжим сифатида биларди, холос. Ал-Киндийнинг кўп илмларини билишидан хабарсиз эди. Шайхулислом олимни шу ернинг ўзида ер билан баробар қилиб ташламоқчи бўлди ва у билан шарт боғлади.

– Ҳозир мен бир парча қоғозга бирон нарса ёзаман, топсанг сени тан оламан, – деди у олимга.

Шартга кўра, агар ал-Киндий унинг қоғозга нима ёзганини топгудай бўлса, унда шайхулислом зар чопонини ва салласини унга ечиб берадиган бўлди, тополмаса шайхулисломга бир минг динор турадиган от сотиб олиб берадиган бўлди. Шайхулисломга қоғоз ва қалам келтирдилар ва у қоғозга

бир нималарни ёзди-да, икки буклаб, халифа ўлтирган кўрпачанинг қатига қистириб қўйди. Ал-Киндий бўлса, ўз навбатида, устурлобни[1] қўлига олди. Қуёшнинг баландлигини ўлчади, юлдузларнинг ҳолатини аниқлади, уларнинг ўн икки буржи билан кесишган ерини белгилади, жадвал тузди. Бир оз фикр-мулоҳаза қилиб, сўнг халифага мурожаат қилди:

– Эй мусулмонлар амири! Шайхулислом жаноблари битган қоғозга “Аввалда ниҳол бўлиб, оқибати ҳайвонга айланади”, деган гапга ўхшаган бир нарса ёзилган, – деди.

Халифа тўшакча қатидаги қоғозни олиб ўқиди. Унда “Мусонинг

---

[1] *Устурлоб* – юлдузлар ҳаракатини кузатадиган асбоб, телескоп.

асоси" деган иккита сўз ёзилган экан.

Халифа ҳам, шайхулислом ҳам ал-Киндийнинг ақлу заковатига қойил қолишди. Шайхулислом шу ернинг ўзида ал-Киндийга зар чопони билан салласини ечиб берди.

## КЎРНАМАК

Замоннинг машҳур қонуншуносларидан бири Умар Хайёмдан илм ўрганишига қарамай, одамлар орасида уни ёмонлаб юрар экан. Хайём риёкор фақиҳнинг[1] адабини бериб қўйишга қарор қилибди. Кунларнинг бирида унинг келар вақтини

[1] *Фақиҳ* – шариат ҳукмларини мукаммал билган, фиқҳ – мусулмон ҳуқуқи билан шуғулланувчи киши.

мўлжаллаб, ноғорачи ва карнайчиларни йиғиб, томга чиқариб қўйибди. Фақиҳ кириб келиши билан ноғорачи, карнайчилар оламни бошга кўтариб ноғора қоқиб, карнай чала бошлабдилар. Буни эшитиб, халқ тўпланибди. Шунда Хайём тўпланганларга қараб:

– Эй Нишопур халқи! Мана бу киши сизнинг олимингиз! У ҳар ҳафта шу пайтда келиб, мендан сабоқ олади. Аммо сизларнинг ораларингизда менинг тўғримда нималар деб юришини ўзингиз яхши биласиз. Агар мен, ҳақиқатан ҳам, бу айтгандек бўлсам, нега мендан сабоқ олади, бўлмаса нега ўз устодини ҳақорат қилади?!

Шундай қилиб, фақиҳ халқ олдида шармандаю шармисор бўлибди.

# УМАР ХАЙЁМ БАШОРАТИ

Низомий Арузий Самарқандий[1] қуйидагича ҳикоя қилади:

Балх шаҳридаги бир зиёфатда ҳужжат ул-ҳақ Умар Хайёмнинг шундай деганини эшитдим:

– Менинг қабрим шамол ҳар баҳорда устимга гуллар сочиб турадиган жойда бўлади!

Ўшанда менга унинг сўзлари бир оз ғалати туюлган эди, аммо шундай улуғ одам беҳуда гапирмаслигини ҳам билардим.

1135 йили йўлим Нишопурга тушганида Хайёмнинг менда устодлик ҳақи борлиги учун бир жума куни Ҳийра қабристонига – унинг зиёратига бордим. Қабристонни

[1] *Низомий Арузий Самарқандий* – машҳур форс-тожик шоири ва адиби (XII аср).

ўраб турган боғ деворидан нок ва ўрик дарахтлари бош чиқариб, қабр устини гулга кўмган эди. Шунда Балх шаҳрида ундан эшитган сўзларим ёдга тушиб, йиғлаб юбордим. Ҳақиқатан ҳам, дунёнинг бирор ерида унинг учун бундан муносиброқ жой топилмас эди.

## ЖОЙИНГНИ БИЛИБ ЎТИР

Хоразмшоҳ Отсиз даврида яшаган зукко ва доно шоир Рашидиддин Ватвот[1] ҳар доим йиғин, базм-

---

[1] *Ватвот* – машҳур шоир ва адабиётшунос (1087–1177). "Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ аш-шеър" ("Шеърий нозикликлардан сеҳр боғлари") номли адабиётшуносликка оид асари машҳур. Ватвот – кўршапалак, учар сичқон деган маънони билдиради. Бу адибнинг жуссаси кичиклигига ишора.

ларда шоҳ ёнида ўлтирар эди. Бир куни у кечроқ келиб қолибди. Ҳеч ким юқоридан ўз жойини бермабди. У қуйирокда ўлтириб қолибди. Бу ҳол унга қаттиқ таъсир этиб, бадиҳа шеър айтибди. Шеърининг мазмуни шундай экан:

– Эй подшо, мен сенинг базм-мажлисингнинг нималигини энди тушундим: у бир денгиз, денгизда эса дуру жавоҳир қуйида, хас-хашак юқорида бўлади.

Мажлиси денгизга ташбеҳ этилганидан аввалига қувонган шоҳ сўз оқибатини ўйлаб қараса, ўзи ҳам юқорида қалқиб юрган хас-хашакка қўшилиб қолибди.

Жаҳл билан шоир Ватвотни саройдан қувиб юборибди. Қувғинда юрган Ватвотга дўстларидан бири:

– Юқорини талашмоққа ҳожат йўқ эди-ку, – дебди.

– Мен ўзимнинг эмас, истеъдодимнинг хўрлангани учун чидай олмадим, – деб жавоб берибди Ватвот.

– Сенинг истеъдодинг шуъласи пастдан янада ёрқинроқ барқ уриб турган эди. Шам ҳам қоронғи тунда равшанроқ кўринади-ку.

– Мен шам бўлишни эмас, кеча-кундуз порлоқ қуёш бўлишни истайман, – дебди Ватвот унга.

## БЎЙИ КАЛТАЮ ТИЛИ УЗУН

Рашидиддин Ватвот хоксор, кичик жуссалик, ҳозиржавоб одам эди. Ватвот деб аталишига сабаб шу исмли мўъжаз бир қушга ўхшатилишидир.

Кунлардан бир куни хоразмлик олимлар хоразмшоҳ Отсизнинг мажлисларидан бирида мунозара ва баҳс қилар эдилар. Рашидиддин Ватвот ҳам ўша мажлисда ҳозир бўлиб, мунозара, баҳс ва ҳозиржавоблик намуналарини кўрсатарди. Хоразмшоҳ кўрдики, шу қадар кичик жуссали бир одам беҳад ва беандоза баҳс юритаётибди. Рашидиддин Ватвот олдидаги хонтахта устига бир давот қўйилган эди. Хоразмшоҳ зарофат юзасидан деди:

– Давотни олиб қўйинглар-чи, қани кўрайлик: унинг орқасида туриб гапираётган ким экан ўзи?

Рашидиддин Ватвот писандани англаб, давотни олиб қўйди, сўнг ўрнидан туриб жавоб қилди:

– Инсон жуссаси билан эмас, балки дили ҳамда тили билан инсондир…

## ВАТВОТ ВА СОБИР

Рашидиддин Ватвот билан Адиб Собир Термизий жуда қалин дўст бўлган ва ораларида кўп ҳазил-мутойибалар бўлиб турган.

Адиб Собир Султон Санжар[1] замонида кенг шуҳрат таратган забардаст шоир, катта олим ва фозил кишидир. Адиб Собирни машҳур шоир Авҳадиддин Анварий шеъриятда тан олган бўлса, Амир Хоқоний Ширвоний унга катта ихлос билан

[1] *Султон Санжар* – 1118–1157 йилларда ҳукмронлик қилган салжуқийлар сулоласига мансуб ҳукмдор.

қараб, Рашидиддин Ватвотни адиб сифатида писанд қилмасди.

Бир куни қалин қор ёғиб, изғирин бўлиб турган пайтда, Рашидиддин Ватвот уйида ўтириб зерикади-да, улфати Адиб Собирникига томон йўл олади. Бориб эшикни қоқса, бир канизак чиқиб, хожам уйда йўқлар, дейди. Шунда Рашидиддин бадиҳа тарзида дейди:

*Он кас, ки бурун равад дар ин рўз*
*Ғарзантар аз ў каси дигар нест.*

Яъни:

*Шундай кунда ҳам ким уйда турмаса,*
*Рости, ўтакетган занғар кишидир.*

Буни адиб эшитиб қолади-ю, болохона дарчасидан бошини чиқариб, дейди:

*Ман худ ба ҳамсаройи хешам,*
*Пайдост, ки дар буруни дар кист?*

Яъни:

*Мен-ку, мана, ўз уйимдаман,*
*Аммо ташқарида турган ким ўзи?*

## ИЛОҲИЙ МАРҲАМАТ

Мўътабар зотлардан бирининг тушига Муҳаммад алайҳиссалом кириб, Саъдий[1] билан баҳслашгани учун унга танбеҳ берган. Уни тан олмайдиган бир улуғ киши кечаси туш кўрса, осмон эшиклари очилиб, қўлида нур табақлари билан фаришталар чиқиб келишади. Унинг: “Бу не нурдир?” – деган сўроғига:

[1] *Саъдий* – машҳур форс-тожик шоири Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1203–1292).

“Бир байти Оллоҳ таолога қабул тушган Шайх Саъдий учундир!” – деб жавоб беришади. Мана, ўша байт:

*Барги дарахтони сабз дар*
*назари ҳушьёр,*
*Ҳар варақи дафтарест*
*маърифати Кирдигор.*

Мазмуни: “Ҳушёр киши наздида яшил дарахтларнинг ҳар бир япроғи Яратувчи маърифати дафтарининг бир варағидир”.

## ОЛТИНГА ТЕНГ БАЙТ

Саъдий Шерозий Сурияда яшаган чоғида мамлакат подшоҳининг одил ва доно, иши сермаъно, ҳар бир сўзи бурро вазири бор экан. Вазир анча ёшга кириб кексайиб

қолибди, давлат ишларидан ҳам жуда толибди ва ўзи тарбиялаб етиштирган шогирдларидан бирини ўз ўрнига қўйибди. Ўзи эса гўшанишинликни ихтиёр этибди. Аммо унинг ўрнига бўлган вазирнинг, ақли сағир, фаросати яғир чиқибди. Ишларида хом-хаталалик содир бўла бошлабди, атрофидаги одил ва оқил кишилар кўзини ёшлабди. Ўзбилармонлик билан ҳеч кимга қулоқ солмас, ҳеч кимсани, ҳатто ўз устозини ҳам назарписанд қилмас, баъзан эса унга сўз наштарини санчишдан тоймас экан.

Собиқ вазир “фалак ўйини”нинг биринчи зарбасигаёқ дош беролмай оҳ чекиб ўтирганида Саъдий унинг ҳузурига кириб қолибди, воқеадан хабар топиб, шундай дебди:

*Арзон тош синдирса зар*
*косани гар,*
*Тош нархи ошмайди,*
*пастга тушмас зар.*

Собиқ вазир гап тагига етиб, чуқур хўрсинибди.

## УСТОЗ ОТАДЕК УЛУҒ

Саъдий замонида бир бойвачча мантиқ илмидан сабоқ олиш учун бир олимга шогирд тушибди. Бир неча йил ўқиш-ўрганишдан сўнг мустақил иш юритиш учун фотиҳа олиш ниятида дастурхон тузаб, устози билан бир неча кишини чорлабди. Меҳмонлар орасида Шайх Саъдий ҳам ҳозир экан. Бойвачча ҳеч кимга сўз бермай ўз отаси ва устозини бир мавқега қўйиб:

– Менинг икки отам бор, мана шу икки отам мени шу даражага етказишди, бири туққан отам, иккинчиси устозим фалончи, – деб маҳмадоналик қилаверган экан, Шайх Саъдий ўзига хос ҳазилкашлик билан дебди:

– Устозни “отам, отам” деган билан иш битмайди – бу гўё онангни устозга бениқоҳ бергандек бўлади. Аслида, устозим отамдек улуғ, деб айтгин. Зеро, отанг сени осмондан ерга олиб тушган бўлса, устоз сени қаро тупроқдан осмон авжига кўтаради.

## УЗОҚ ҲАЁТ СИРИ

Шайх Саъдий юз йилдан ортиқ умр кўрган.

Бунинг сирини сўраганларида у:

– Мен қўлимдан келганича нодонлар суҳбатидан қочишга, жоҳиллардан узоқлашиш йўлини очишга интилдим, – деган экан.

## ЯХШИЛИКНИНГ ЁМОНЛИГИ

Саъдий Шерозий "Гулистон" китобида ҳикоя қилади:

– Дамашқдаги дўстларимнинг суҳбати жонимга тегиб, шаҳардан бош олиб, Қуддуси шариф биёбонига жўнадим-да, ҳайвонлар билан улфатлашиб, то фаранглар[1] қўлига асир тушгунимча ўша ерда яшадим. Мени яҳудийлар билан

[1] *Фаранг* – бу ерда: европалик; умуман, ғайридин маъносида.

бирга қўшиб, Тароблис хандақини қазишга олиб бориб ишлатдилар. Ҳалаблик сардорлардан бири мен билан ошна эди, ёнимиздан ўта туриб, мени таниб қолди-да, хитоб қилди:

– Ие, бу қандай ҳол?

Мен унга:

– Кўриб турибсан-ку? – дедим.

Аҳволимга ачиниб, ўн динор[1] тўлаб, асирликдан халос этди ва ўзи билан Ҳалабга олиб кетди. У ерда юз динорлик қалин пули билан қизини менга никоҳлаб берди. Орадан сал вақт ўтгач билсам, қизи бадфеъл, шаллақи ва ўжар экан, тилини заҳар қилиб, жонимдан безор эта бошлади.

---

[1] *Динор* – олтин танга.

Охири бир кун юзимга тик боқиб, таъна-маломатлар билан деди:

– Сен отам ўн динор баробарига фаранглардан халос этган одам эмасмисан?

Мен жавоб бердим:

– Ҳа, отанг ўн динор баробарига фаранглардан озод этиб, юз динор эвазига сенинг чангалингга топширган одам мен бўламан!

## ХИЗР НАЗАР ҚИЛГАН ШОИР

Саъдий Шерозийга Хизр назар қилган, дейишади. Машҳур тариқат пири Низомиддин Авлиёга қўл бериб, унинг раҳбарлигида риёзат босқичларини босиб ўтаётган Амир

Хусрав Деҳлавий бир кеча тушида Хизр алайҳиссаломни кўриб, ундан ўз оғзига муборак тупугини солиб қўйиишини ўтинади. Лекин Хизр айтадики: "Бу давлат сендан аввал Саъдийга муяссар бўлди!".

## САБИЛ ҚОЛГАН ҲИКМАТ

Шоир Саълабий[1] халифа Мансур пойтахтининг шоирларидан экан. Унинг ҳақида шундоқ бир воқеани нақл қилишади:

Бир куни шоир Саълабий катта инъом умидида бир қасида ёзиб, халифа ҳузурига олиб боради ва унга ўқиб беради. Қасида халифага жуда маъқул тушади ва шоирдан:

---

[1] *Саълабий* – машҳур араб шоири ва олими (875–976).

– Қани, айт-чи, бу қасиданг учун сенга уч юз динор олтин берайми ё ҳар бири юз динор олтинга арзийдиган учта ҳикматли сўз ўргатайми? – деб сўрайди. Шоир хушомадгўйлик қилиш ниятида халифага:

– Сарф бўлиб кетадиган неъматдан кўра боқий қоладиган ҳикматли сўз афзалроқ, – дейди.

– Биринчи ҳикматли сўзим шуки, – дейди халифа, – тўнинг эскирса, янги этик кийма, кўзга хунук кўринади.

– Оҳ, эсиз юз динор, – дейди шоир.

Халифа мийиғида кулиб:

– Иккинчи ҳикматли сўзим шуки, соқолингга мой сурганинг-

да эҳтиёт бўл, иягингга тегмасин, бўлмаса ёқанг кир бўлади.

– Ҳай аттанг, икки юз динор қўлдан кетди, – дейди шоир.

Халифа жилмайиб:

– Учинчи ҳикматли сўзим шуки... – деганида шоир бор товуши билан фарёд чекади:

– Худо ҳаққи, учинчи ҳикматли сўзни сақлаб қўйиб, қолган юз динорни менга бера қолинг, бу ҳикматли сўздан кўра ўша менга кўпроқ зарур.

## ОНА ДУОСИ

Хўжа Ҳофизнинг[1] отаси ёш ўлиб, оила танг аҳволга тушиб

[1] *Хўжа Ҳофиз* – машҳур форс-тожик шоири Ҳофиз Шерозий (1326–1389).

қолади. Улар оилада уч ўғил бўлиб, икки акаси кун кўриш учун бошқа шаҳарга иш қидириб кетадилар. Онаси билан қолган кичкинтой Муҳаммад бир новвойга шогирд тушиб, ярим тундан то тонгга қадар нон учун хамиртуруш тайёрлар, минг машаққат билан топган пулини учга тақсимлаб, бир қисмини онаси билан ўзининг тирикчилигига ишлатар, иккинчи қисмини таҳсил олишга сарфлар, учинчи қисмини бева-бечораларга хайру эҳсон қилар эди.

Оналарини ташлаб кетган акаларининг номи тарихдан ўчиб кетди, Муҳаммад эса улуғ шоир бўлиб етишиб, оламни забт этди.

## АВЛИЁ МАДАДИ

Ҳофиз яшаган даврда Шероз Эроннинг илмий-маданий марказларидан бири эди. Саройдаги расмий-адабий муҳитдан ташқари, шаҳар ҳунармандларининг қиссахонлик ва шеърхонлик давралари ҳам машҳур эди – Ҳофизни тарбиялаган ва элга танитган ана шу давралар бўлди. Бўлажак шоир бу давраларда иштирок этар ва баъзан ўз ижодидан намуналар ўқир эди. Лекин унинг шеърий машқлари ҳали хомлиги ва қиёмига етмаганлигидан кўпинча танқидга учрар, шинавандаларнинг ҳазил-мазахларига сабаб бўлар эди. Уни баъзан эрмак қилиш учун бундай давраларга атай чақирганлар. Бу таҳқирлардан безган Муҳаммад

бир куни машҳур шайх ва шоир Бобо Кўҳий қабрини зиёрат қилиб, ўзининг шўр бахтидан ўксиб-ўксиб йиғлаганича мозор бошида ухлаб қолади. Тушига бир нуроний зот кириб:

– Йўлга туш, сенга илм эшиги очилди, – дейди.

Ҳофиз кўзини очар экан, тилида қуйидаги матлали ғазал айланади:

*Дўш вақти саҳар аз ғусса*
*нажотам доданд,*
*В-андар он зулмати шаб*
*оби ҳаётам доданд.*

Мазмуни: “Кеча саҳар палласида мени қайғудан халос айладилар ва у зулмат тунида менга оби ҳаёт тутқаздилар”.

Авлиё зиёратидан қайтар экан, йўлда яна шинавандалар йўлиқадилар ва бирор-бир янги шеър ўқиб беришини сўрайдилар. Шоир ушбу ғазалини ўқир экан, ҳамма ҳайратдан ёқа ушлайди. Унга ишонмай, имтиҳон қилиб кўрадилар. Лекин энди у барча синовлардан муваффақиятли ўтади. Шу-шу Хўжа Ҳофиз номи билан машҳур бўлади.

## ҲОФИЗ ФОЛИ

Ҳофиз вафот этганида руҳонийлар унинг жасадини мусулмонлар қабристонига кўмишга қўймайдилар. Шунда шоир девонини олиб, фол очганларида айни вазиятга мос келадиган қуйидаги байт чиққан:

*Қадам дареғ мадор аз*
*жанозаи Ҳофиз,*
*Ки гарчи ғарқи гуноҳ аст,*
*меравад ба биҳишт.*

Мазмуни: “Ҳофизнинг жанозасидан оёқ тортма, чунки у ҳарчанд гуноҳга ботган бўлмасин, жаннатга тушади”.

Ҳофиз ўзи севган Мусалло боғига дафн этилган ва унинг шарофати билан кейинчалик бу боғ Ҳофизия номини олиб, жаҳон илму адаб аҳлининг зиёратгоҳига айланган. Ҳозирги кунда бу ерда кеча-кундуз шоир мухлисларининг оқими тинмайди.

## ҚУРЪОН ДАВЛАТИ

Ҳофиз ижоди Қуръони карим ва Ҳадиси шариф отлиғ икки буюк чашмадан сув ичади. Тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси Қосим Анвор Қуръони карим оятлари маъноларига лиммолимлиги ва унинг чуқур мазмунли илоҳий сирларини ўзида акс эттирганлиги жиҳатидан машҳурлиги туфайли Ҳофиз девонини "форсий Қуръон" деб лутф этган.

Шоирнинг ўзи шундай ёзади:

*Субҳ хезиву саломат талаби,*
*чун Ҳофиз,*
*Ҳар чи кардам, ҳама аз*
*давлати Қуръон кардам.*

Мазмуни: "Мен Ҳофиз нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасини эрта

тонгда туриш, сиҳат-саломатликка интилиш ва Қуръон давлатидан топдим”.

## ҲАСАДГЎЙНИНГ МОТ БЎЛИШИ

Шероз шоҳи Шужоънинг Ҳофизни ёмон кўриб қолишига икки нарсани сабаб қилиб кўрсатадилар: биринчиси – унинг пири муршиди Имоди Фақиҳнинг Ҳофиз томонидан таҳқирланиши, иккинчиси – ўзи шеър ёзиб, шуҳрат қозонолмаган шоҳнинг рашку ҳасади. Шоҳ Шужоъ бир куни Ҳофизга ташланиб қолади:

– Сизнинг бирор-бир ғазалингиз мустаҳкам асосга эга эмас: ишқдан сўз очиб, дарҳол висолга ўтасиз,

кейин фироқдан фикр юритасиз; бир вақтнинг ўзида тасаввуфга мурожаат этиб, май хусусида шеър айтиб, сўнг бирдан зоҳидларга ҳужум қилиб қоласиз, охирида дунёнинг бевафолиги хусусида хулоса чиқарасиз. Бундай ранг-баранглик шоирликда мақбул эмас ва фасоҳат қоидаларидан узоқдир. Бошдан-охир бир мавзуда бўлиб, бадиий сайқал берилган ғазал табъга мувофиқ саналади.

– Начора, – дейди унга жавобан шоир, – шунча камчиликларига қарамай, менинг шеърларим тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчиб, тўрт тарафга тарқалди, ҳатто мамлакатма-мамлакат сайр этиб юрибди. Ҳолбуки, бошқаларнинг шеърлари ҳар қанча бадиий санъатга

бой, фасоҳат ва балоғатда тенгсиз бўлса-да, шаҳар дарвозасидан ташқарига чиқмаяпти.

## ИСТЕЪДОД – ИЛОҲИЙ НЕЪМАТ

Ўзининг илоҳий истеъдод соҳиби эканлиги-ю, шеърларининг мақоми юксаклигини яхши билган Ҳофиз рақибларининг рашку ҳасадларига жавобан шундай ёзган эди:

*Ҳасад чи мебари, эй сустназм,*
*бар Ҳофиз,*
*Қабули хотиру лутфи сухан*
*худодод аст.*

Мазмуни: “Эй саёз шеърлар ёзувчи шоир, нега Ҳофизга ҳасад қиласан? Билмайсанмики, оҳорли ва теран фикрлару сўз назокати ва

балоғати Оллоҳ томонидан бериладиган илоҳий неъматдир".

## ЗУККО БОЛА

Ривоят қилишларича, бир мискарнинг хотини қазо қилади. У болаларини ўгай она қўлига топширишни истамай, уларни ўзи боқишни маъқул кўрибди. Лекин ҳам устачилик қилиб пул топиш, ҳам уч фарзандини ювиб-тараш уни чарчатиб қўйиб, Шайх Саййид Алоуддиннинг олдига маслаҳатга борибди:

– Бирор бевага уйланайми, қиз олайми ёки эридан ажрашган хотин маъқулми? – деб сўрабди.

– Кўча бошида турсангиз, сизнинг бу саволингизга жавоб бера-

диган киши келади, – дейди унга жавобан пир.

Мискар кўчада анча кутиб ўтиради, лекин ҳеч ким ўтмайди. Фақат шу атрофда ўйнаб юрган тўққиз-ўн ёшлар чамасидаги бир бола келиб:

– Не юмушингиз бор эди – анчадан буён турибсиз? – деб сўрайди.

Шунда мискар: "Шу болани алдаб, виждонимга қарши иш қилмай", – деб ўйлаб тўғрисини айтиб қўя қолибди.

– Бирор бевага уйланайми? – деганида, бола:

– Ўзим биламан, – дебди.

– Ёш қизга уйланайми? – деганида:

– Ўзингиз биласиз, – дебди.

– Ёки эридан ажралган хотин маъқулми? – деганида бола хивич отига “чув” деб кетиб қолибди.

Мискар кечгача кутибди. Бошқа ҳеч ким келмаганидан сўнг пирнинг олдига қайтиб, ҳеч ким ундан ҳол-аҳвол сўрамаганини айтибди. Пир:

– Наҳотки, ҳеч ким ўтмаган бўлса? – деб сўраганида, ўйнаб юрган ёш бола билан бўлган суҳбатини айтиб берибди. Шунда пир кулиб:

– Барча саволингизга жавоб олибсиз-ку, – дебди.

– Қанақасига? – ҳайрон бўлибди мискар.

– Биринчи саволингизга “ўзим биламан” деб жавоб берганининг маъноси шуки, бева аёл ҳамма ишда “ўзим биламан” деб манманлик қилади.

Иккинчи саволингизга “ўзингиз билдасиз” деганинининг сири – ёш қиз эрини ҳурмат қилиб, нима деса, “ўзингиз биласиз” деб туради.

Учинчи саволингизга жавоб бермай, “от”ини “чув” деб кетганлигининг сабаби эридан ажралган аёл оилада сал жанжал чиқса ёки қийинчилик сезилса, “сен бўлмасанг, бошқаси” деб кетиб қолиши мумкин.

Бу зукко боланинг исми Паҳлавон Маҳмуддир.

## МАРДЛИК НАМУНАСИ

Ҳиндистонда ҳинд паҳлавони билан кураш тушишдан аввал Паҳлавон Маҳмуд одатига кўра улуғлар мозорини зиёрат қилиш

учун қабристонга боради ва у ерда азиз-авлиёлар қабрига сиғиниб, бўлажак курашда ўғлига омад тилаб турган рақибининг онасига дуч келади. Шунда кампир зор-зор йиғлаб, Ҳинд шоҳи Рай Ропой Чўнанинг паҳлавони бўлмиш ёлғиз ўғлининг кураш тушиб топган маблағи эвазига она-бола тирикчилик қилишларини айтади:

– Эшитдимки, Хивадан бир забардаст паҳлавон келибди, ҳам ўзи авлиё экан. Эртага у ўғлим билан кураш тушади. Ўзи авлиё бўлса, ўғлимга омон бермас!

Буни эшитган Маҳмуд: “Паҳлавон деб одамлар ундан манфаат кўрган кишига айтилади. Бировга зарар етказиб, уни касбу маош-

дан айирган киши паҳлавон эмасдир", – дейди ва қуйидаги рубоийни ўқиб, онаизорни юпатади:

*Ўз нафсига ким бўлса амир,*
*улдир – мард,*
*Ҳеч кимсага бўлмаса асир,*
*улдир – мард.*
*Ўтмак сира мағлубни тепиб*
*мардлик эмас,*
*Тутса қўлидан забунни эр,*
*улдир – мард.*

Эртаси куни бўлган курашда у навқирон ҳинд полвонига атай йиқилиб беради.

Курашнинг эртаси куни Чўна аркони давлати билан овга чиқади ва ҳурматли меҳмон сифатида Паҳлавон Маҳмудни ҳам ўзи билан олиб кетади. Ов маҳалида бир

оҳунинг ортидан тушган шоҳ отини учириб борар экан, жарга қулашига бир баҳя қолади – уни изма-из таъқиб қилиб бораётган Паҳлавон Маҳмуд жар ёқасида шоҳни оти билан бирга даст кўтариб, муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолади. Шунда шоҳ ҳайратланиб сўз қотади:

– Сен бандасининг қўлидан келмайдиган ишни қилдинг. Шунча кучу қудратинг билан саройнинг ёш полвонидан енгилишингнинг сабаби нимада?

Паҳлавон Маҳмуд ўз мағлубиятининг сабабини айтиб бергач, шоҳнинг унга меҳри ошиб:

– Тила тилагингни! – дейди.

Паҳлавон Маҳмуд фурсатдан фойдаланиб, ҳинд элида яшаётган хоразмлик мусофирларни озод

қилишни сўрайди. Шоҳ унинг илтимосини қондириб, уларнинг йўл яроғини ҳам ҳозирлаб беради.

## ТАНТИ ПАҲЛАВОН

Эрон шоҳи курашга жуда қизиқар, у қурдирган кураш майдонида учта супа бўлиб, биринчи супа ўз вазни билан тенг полвонга, иккинчи супа ўз вазнидан оғир бўлганлар билан курашадиганларга, учинчи супа барча вазндагилар билан курашадиганларга мўлжалланган экан. Паҳлавон Маҳмуд учинчи супага келиб ўтирибди.

– Бу қанақа супа эканлигини биласанми? – деб сўрабди Эрон шоҳи.

– Устасига фарқи йўқ, – жавоб берибди Паҳлавон Маҳмуд. – Мен

хоҳлаган полвонингиз билан курашга тушавераман.

Мусобақа давомида саккизта номдор полвоннинг елкасини ерга тегизибди. Шундан сўнг Эрон шоҳи минг олтин тангага сотиб олган қора танли полвонини майдонга чиқариб:

– Агар хоразмлик паҳлавонни енгсанг, минг танга олтин, яна озодлик бераман! – деб эълон қилибди.

Буни эшитган Паҳлавон Маҳмуд номига кураш тушган бўлиб, атай йиқилиб берибди.

Эрон шоҳи ниҳоятда хурсанд бўлиб, полвонини озод қилибди ва минг олтин танга ҳам инъом қилибди. Паҳлавон Маҳмуднинг тантилик қилганини билган қора танли полвон олтин тангаларни унинг ол-

дига келтириб қўйибди. Паҳлавон Маҳмуд эса уларни олмабди:

– Сен қул эдинг, энди озод бўлдинг. Бу пулларни олгин-да, юртингга кетгин, – дебди.

## НОДОН СУҲБАТИДАН ЗИНДОН ЯХШИ

Самарқанд амири бемаъни шеърлар ёзиб, шоирларга кўрсатар, унинг зулмидан қўрққан қалам аҳли ўз ҳукмдорларини ёлғондакам мақташар экан. Полвонликдагина эмас, шоирликда ҳам машҳур Паҳлавон Маҳмуд Самарқандда бўлганида Амир унга шеърларини ўқиб, баҳо беришини сўрабди. Тўғри сўз ва жасур Паҳлавон Маҳмуд:

– Шеърларингизда маза-матра йўқ, – деб гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолибди.

Бу гапдан Амир ғазабга миниб, уни зиндонга ташлашларини буюрибди.

Эртаси куни яна бир рубоий ёзиб, зора шуниси маъқул келса деб, Паҳлавон Маҳмудни зиндондан чиқартириб, ўқиб берибди. Паҳлавон Маҳмуд уни эшитгач, индамай зиндонга йўл олибди ва бадиҳа тарзида ушбу рубоийни ўқибди:

*Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,*
*Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,*
*Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ*
*Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.*

## ЮЗИНЧИ МАЪНО

Ўтмишда ҳофизхонлик, навоийхонлик, фузулийхонлик каби бедилхонлик кечалари ҳам машҳур бўлган. Бу давраларда Абулмаоний – Маънолар отаси Мирзо Абулқодир Бедил асарлари ўқилиб, уларнинг мағзи чақилган, янгидан-янги маъно қирралари топилган, мазмун-моҳияти шарҳланган. Ана шундай бедилхонликлардан бирида билимдон ва зукко бир шеършунос улуғ шоир қаламига мансуб бир мисранинг 99 та маъносини кашф этиб, ҳаммани қойил қолдирибди. Лекин кечаси унинг тушига Бедил кириб, илми ва зеҳнига таҳсин ўқиганча, ўша мисранинг юзинчи маъносини айтиб беради. Бун-

дан келиб чиқадиган хулоса шуки, қилни қирқ ёрадиган олимларимиз кўпинча у ёки бу асарнинг тўқсон тўққизталаб маъносини кашф этадилар-у, муаллиф кўзда тутган асл маъно – юзинчи маънони тополмайдилар.

## АЛИ ҚУШЧИНИНГ ТАЪБИРИ

Бир куни Мавлоно Али Қушчи Абдуллатиф мирзонинг толеи хусусида фол очса, ундан исёнкорлик ва ҳокимият талашиш аломатлари намоён бўлди.

Кейинча ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Султон Шоҳрух вафот этгандан кейин бир куни Улуғбек мирзо Машҳадда маърака ўтказди. Ўша йиғинда Абдуллатиф:

– Ота-боболар мулки менинг қўлимга ўтажак, – деди ва: “Бунга сиз нима дейсиз?”, деган маънода Али Қушчига назар ташлаган эди, у ҳам ҳеч аямасдан:

– Мирзо Абдуллатиф бунга нариги дунёда эришажак, – деб жавоб қилди.

## МУНОФИҚ РУҲОНИЙ

Насимийнинг[1] ўлими билан боғлиқ ривоятлардан бирида айтилишича, шоирнинг қатлига фатво берган руҳоний:

– Бу шунчалик малъундирки, унинг қонидан қаерга сачраса, шу ерни кесиб ташлаш керак! – дейди.

[1] *Насимий* – машҳур озарбайжон шоири ва мутафаккири Имодиддин Насимий (1370–1417).

Тасодифан шоирнинг қонидан бир томчиси ўша руҳонийнинг бармоғига сачрайди. Жамоат ундан бармоғини кесиб ташлашни талаб қилади. У эса:

– Мен бу сўзни шунчаки бир мисол тарзида айтган эдим, – деб шоша-пиша бармоғини яширади. Шу пайт қонга беланган шоир:

*Зоҳидинг[1] бир бармоғин кессанг,*
*тониб Ҳақдин қочар,*
*Кўр бу мискин ошиқи сарпо*
*сўярлар йиғламас, –*

дея ўзининг исёнкор овозини баланд кўтаради ва ўз душманлари устидан маънавий ғалаба қозонган ҳолда ҳаётдан кўз юмади.

---

[1] *Зоҳид* – узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатларидан юз ўгирган киши.

## БИР ОҒИЗ СЎЗ

Бир донишманд бировнинг катта тошни даст кўтарганини кўриб сўради:

– Буни нима қилмоқчисан?

– Мени хафа қилган одамнинг бошини янчиб ташламоқчиман.

– Шундай оғир тошни кўтарган одам бир оғиз сўзни кўтаролмайдими?

## ОДАМЛАРДАН ҚУТУЛИШ ЧОРАСИ

Бир мурид пирига шикоят қилди:

– Одамлар тинимсиз йўқлаб келиб, қимматли вақтимни ўғирлаяптилар. Уларнинг вақт-бевақт ташрифларидан қутулишнинг бирор чораси борми?

Пир жавоб қилди:

– Келувчилар қашшоқ бўлса, бирор нима қарз бер, бой бўлса, бирор нима сўра. Қарабсанки, қайтиб бирортаси остонангни ҳатламайди.

## ЧАЛА БЎШАТИЛГАН ИЧАК

Бир киши Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийни[1] уйига олиб бориб, олдига ҳасип қўйибди:

– Бу ҳасипни жуда ҳафсала билан ўзим тайёрладим, марҳамат қилиб енг.

Мавлононинг димоғига сассиқ ҳид уриб, қўлини овқатдан тортади.

– Ҳа, тақсир, нега емаяпсиз, ёмон тўлдирибманми? – деса, у:

[1] *Ҳусайн Воиз Кошифий* – машҳур воиз ва олим (1442–1505)

– Йўқ, – дейди, – тўлдиришга дуруст тўлдирибсан-у, лекин бўшатишга келганда ёмон бўшатибсан.

## ИККИ ОЛИМ

Қадим замонда фарангистонлик икки олим Ҳиндистонга келишган экан. Уларни Бомбей рожаси қабул қиладиган бўлибди. Олимлар сарой дарвозасидан киришлари билан икки томонда саф тортган мулозимлари улар бўйнига гулчамбар илаверибди.

Меҳмонлардан бири беибо, шуҳратпараст экан. У бир-икки қадам олдинда шошиб бориб, икки томонга ҳам бўйнини чўзиб, гулчамбарларни илиб олаверибди. Иккинчиси эса хокисор ва тортинчоқ бўлгани

туфайли гарданида биргина гулчамбар билан унинг кетидан кетаверибди.

Улар шу зайлда Рожага яқинлашибдилар. Рожа қараса, ҳамма гулчамбар бир олимнинг бўйнига илинаётибди.

– Бу нимаси, анави меҳмонга қаранглар, – деб ўшқирибди у мулозимларга.

Шунда барча мулозимлар камтарин олим томон югурибди. Охирги икки гулчамбар шахсан рожанинг ўзидан бўлиб, уларга бир шодадан марварид ҳам қўшилган экан. Шошиб қолган мулозимлар билимдонликда шеригидан ўтса-да, ўзи камтарин ва хокисор олим бўйнига уларни илишибди.

## ҚОМУСИЙ АЛЛОМА

Улуғбек мадрасасини қураётганларида Мавлоно Хавофий[1] унинг тезроқ қуриб битказилишига кўмаклашган. У ҳар куни келиб уста қўлига ғишт узатиб турган. Бир куни Мавлоно Хавофий пўстинини тескари кийиб олиб, ғишт тўдалари орасида ўтирганди. Бир киши Мирзо Улуғбекдан сўради:

– Шоҳим, бу улкан мадраса тугай деб қолди. Унга кимни мударрис этиб тайинламоқчисиз?

Мирзо жавоб берди:

– Бу мадраса мударриси жамики илмларда моҳир ва барча фанлар-

[1] *Хавофий* – машҳур аллома Фасиҳ Хавофий (1375–1442).

дан баҳраманд комил киши бўлиши керак.

Мавлоно Хавофий жойидан туриб, шундай деди:

– Бу мансабга мен тайин этилурман.

Мирзо унинг кимлиги, қаерлик эканлиги ва номини сўради. У кишига шундай жавоб беришди:

– Уни Мавлоно Муҳаммад дейишади. Хавоф вилоятидан. Анча муддатдан бери бу шаҳарга келиб, жидду жаҳд билан таҳсил кўрди.

Мирзо уни ёнига чақириб, ҳар илмдан баъзи нарсаларни сўради. Нимани сўрамасин, маъқул ва мақбул жавоб олди. Кейин уни ҳаммомга олиб бориб ювинтиришни буюриб, қимматбаҳо тўнлар кийдирди ва азиз тутди; уни Қозизода

Румий ҳузурига бошлаб бориб, кўп таъриф-тавсиф қилди ва ўзига ҳамсабоқ қилди.

Мадраса очилганда йиғилишиб, мунозара ўтказишган кун Мавлоно Хавофий Мажастий ҳақида дарс ўқиган. Ўша йиғилишда тўқсон донишманд ҳозир экан. Унинг сўзларини Мирзо ва Қозизода Румийдан бўлак ҳеч ким тушунмаган.

Мирзо дебдиларки, Мавлоно Хавофий жами илмлар ва фанлар соҳасида шундай миқёсга эгаки, агар барча китоб ва рисолаларни дарёга ташласалар ва оламда бирор илмдан асар қолмаса, у барча илмларни ҳаётга қайтара олишга қодирдир.

## УЛУҒБЕКНИНГ ТАДБИРКОРЛИГИ

Кунлардан бир куни нотаниш бир одам Мирзо Улуғбекнинг ҳузурига келиб арз қилди:

– Шоҳим! Шу кунларда бошимга оғир савдо тушди. Уни ҳал қилишга менинг ақлим уёқда турсин, балки дунёдаги барча доноларнинг ҳам ақли етмаса керак. Шу сабабдан сенинг олдингга нажот истаб келдим.

Мирзо Улуғбек унинг бошига қандай савдо тушганини суриштирди.

Нотаниш одам бундай деди:

– Ироқдан келаётган эдим. Хуросонда Самарқандга бораётган карвонга қўшилдим. Жайҳун

бўйига келиб тушдик. Ҳамёнимда бир бўлак қимматбаҳо лаъл бор эди. Сувга тушиш олдидан карвон аҳлидан ҳадиксираб, четроққа чиқдим, бутазор ичига кириб ечиндим. Лаълни халтага солиб, маҳкам қилиб, яктагимнинг пешига тугиб олдим. Сувдан меш миниб ўтдик. Яна карвон аҳлидан пинҳона четроққа чиқиб, кийинмоқчи бўлиб кийимларимни тугиб олган белбоғимни ечдим. Аввал яктагимни олдим, лекин бахтга қарши тугун ечилиб кетибди, лаъл солинган халта бўлса, гум бўлибди. Ечинганимни ҳам, кийинганимни ҳам шерикларимдан пинҳон тутганим сабабли буни бирор кимсадан кўрмадим. Бошимга тушган савдо мана шу, шоҳим.

– Бирон йил сабр қилиб тур. Шу вақт ичида ўша лаъл топилса, нур устига аъло нур, топилмаса қийматини мендан оларсан, – деди Улуғбек бир оз сукутдан сўнг.

Арз-дод билан келган одам Улуғбекккка икки букилиб таъзим қилди ва унинг ҳузуридан чиқди.

Улуғбек шу пайтнинг ўзидаёқ девонбегини чақиртириб, ўша йили мамлакат бўйича хирож тўлаши лозим бўлган одамларнинг умумий рўйхатини олиб келишни буюрди. Дафтар олиб келингач, подшо уни диққат билан қараб чиқди, сўнг бир четга олиб қўйди. Янги йил кириши билан девонбегидан ўтган йили солиқ тўлаганларнинг умумий рўйхатини талаб қилиб олди. Сўнг ҳар иккала дафтарни синчик-

лаб солиштириб кўриб, қизиқ бир аҳволни аниқлади – ўтган йили қоракўллик бир киши хирож учун эллик танга ўрнига беш юз танга тўлабди.

Мирзо Улуғбек ўша хирожни ўн марта кўп тўлаб юборган одамни тезлик билан Самарқандга олдиртириб келди, хилват бир хонага олиб кириб, нима сабабдан эллик ўрнига беш юз танга хирож тўлаганини хўб тафтиш қилиб, пировардида деди:

– Сен мўмай бойлик топиб олдингми ё бўлмаса бирон кимсанинг уйини урдингми? Отангдан улгуржи мерос қолибдими ёки сен суйган бирор-бир бадавлат одам орқасидан бой бўлиб олдингми?

– Шоҳим! – деди қоракўллик икки қўлини кўксига қўйиб, – асли-

да бир оддий тўқувчиман. Бир куни бўз тўқиб турган эдим, дўконим олдидаги дарахтга ҳакка келиб қўнди. Тумшуғида бир бўлак гўштга ўхшаган нарса бор эди. Ҳакка тасодифан тумшуғидаги нарсани тушириб юборди ва уни олмоқчи бўлиб, ўзини ерга отди. Лекин мен эпчиллик қилдим. “Киш-кишлаб” ҳаккани қувиб юбордим ва чопиб бориб у тушириб юборган нарсани олдим. Қарасам, лойга беланган қандайдир бир халтача экан. Очсам, ичидан кўзни қамаштирадиган, ҳаттоки офтоб юзини ҳам хиралаштирадиган бир дурафшон тош чиқди. Уни Тангри таолонинг мен камбағалга кўрсатган шафқат ва марҳамати деб билиб, ҳамёнга урдим ва эртаси куни тонг билан Бухоро томонга

йўл олдим. Шаҳарга келгандан кейин “зар қадрини – заргар, жавоҳир қадрини – жавоҳиршунос билади”, деганларидай сўраб-суриштириб бир жавоҳиршуноснинг олдига бордим. У тошни қўлига олган ҳамоно безовталанди, ранги рўйи қизариб кетди. Шундан билдимки, мен олиб келган нарса оддий бир тош эмас экан.

Жавоҳиршунос деди:

– Бу тошнинг бўлган баҳоси минг танга.

Кўнмадим.

Кўп савдолашиб, охири тошни бир ярим минг тангага сотдим. Сўнг бозорга кириб, ўзим учун от, бола-чақага кийим-кечак, уй-рўзғорга керак бўлган нарсалар, хотинимга сирға, гилам ва шунга ўхшаш нар-

саларни сотиб олдим ва юртимга қайтдим.

Бизнинг тасодифан бойиб кетганимиздан таажжубланганлар ҳам бўлди. Уларга айтадиган гапим битта бўлди:

– Самарқандда бир бадавлат қариндошим бор эди. У бирдан ўлиб қолди. Меросхўри йўқ экан, мол-мулки менга қолди.

Мирзо Улуғбек лаълни сотиб олган жавоҳиршуносни топдириб келтириб тафтиш қилди. У аввал тонди, лекин охири лаълни тўқувчини алдаб, арзимас пулга сотиб олганлигини бўйнига олди...

## ДИЁНАТ

Бир куни номаълум шахс Мирзо Улуғбек ҳузурига келиб арз қилди:

– Шоҳим! Бундан олти ой олдин Рум[1] тарафларга сафар қилдим. Сафар олдидан беш минг ашрафий[2] ортиқча пулим бор эди, уни шу шаҳардаги бирон кимсага омонат қўйиб кетмоқчи бўлдим. Бу шаҳарда қозидан бошқа диёнатлироқ ва инсофлироқ одам бўлмаса керак, деб ўйладим. Шунинг учун ўша беш минг ашрафийни офтобага солдим ва оғзини маҳкам қилиб беркитиб, қозига олиб бориб топширдим. Сафардан

---

[1] *Рум* – ўрта асрларда ҳозирги Кичик Осиё (Византия) ва Греция ерлари шундай аталган.

[2] *Ашрафий* – эронлик ҳукмдор Малик Ашраф (1344–1356) томонидан зарб этилган оғирлиги бир мисқолдан ортиқ бўлган тилла танга.

қайтганимдан кейин қозиникига бориб омонатимни талаб қилдим, у бўлса ўзини танимасликка солди, сўнг пўписа қилди:

– Девона бўлибсан. Мен сени танимайман, сен бўлсанг, мендан қандайдир омонат даъво қиласан. Овозингни ўчир ва тезроқ бу ердан жўнаб қол! Йўқса ғуломимга буюриб, тишларингни синдираман, тилингни суғуртириб оламан!

Мирзо Улуғбек бир лаҳза ўйланиб қолди, сўнг арз-дод билан келган одамга деди:

– Эртага қозиникига бормоқчиман. Сен ҳам бор ва мени кутиб тур. Қозиникидан чиқиб, отга минаётганимда дод-вой кўтар ва бўлган воқеани бирма-бир баён қил. Кўрамиз, нима бўлар экан.

Эртаси куни эрта билан Улуғбек қозини чақиртирди ва уни четга олиб чиқиб деди:

– Эй қози! Мен ажойиб бир фикр гирдобида қолдим, ғаройиб бир андишага чўмдим. Беҳисоб накд ақча, сандиқ-сандиқ қимматбаҳо мато ва кўза-кўза дуру жавоҳир тўпладим. Ажал етиб, қазо қилсам, фарзандларим бир кунмас бир кун оғир аҳволга тушиб қолгудай бўлсалар, шу бойлик уларнинг ёмон кунига яраб қолар, деб ўйлайман. Борди-ю, бу бойлик ўзимда турса, қўққисдан вафот этиб қолгудай бўлсам, уни талон-торож қилиб кетишлари мумкин. У такдирда фарзандларимнинг аҳволи нима кечади? Шаҳарда бу хазинани ишониб қолдирадиган бирон ишончли одамим йўқ. Кеча

сен хотиримга келиб қолдинг. Шунинг учун ҳам хазинамни сеникида сақлашга қарор қилдим. Буни иккимиз билсак бас! Зинҳор бошқа одам эшитмасин.

Қози подшодан бу гапни эшитиб, ич-ичидан суюнди, қувонганидан юраги ёрилишига бир баҳя қолди.

– Сен уйингга боравер, – деди Улуғбек қозига, – мен ортингдан бораман ва хазинани яширадиган жойни ўз кўзим билан кўриб келаман.

Мирзо Улуғбек қозининг ортидан унинг уйига борди, уй соҳиби билан унинг уйлари ва ҳовлисини синчиклаб айланишиб, ниҳоят хазинани яширадиган жойни белгилашди. Подшо қозиникидан чиқиб,

энди отга минаётганида қозида омонат қолдирган ҳалиги киши кўчада пойлаб турган экан, бирдан дод-вой солиб, Улуғбекнинг оёғига йиқилди.

– Шоҳим! – деди у. – Шу қозиникида омонат қолдирган эдим. Лекин ҳеч қайтариб ололмаётибман...

Шу пайт уни кимдир даст кўтариб четга олиб чиқди ва "бас қил" дегандай қўлини шоп қилди. Бу элликбоши экан. Лекин қозини титроқ босди, ранг-рўйи ўчди. У ўз-ўзича мулоҳаза қилди: «Борди-ю, унинг даъвосини рад этгудай бўлсам, подшонинг ишончи йўқолади. Оқибатда, арзимас беш минг ашрафий деб улгуржи давлатдан қуруқ қоламан. Яхшиси

шу каззобнинг омонатини қайтариб бера қолай». Шундан кейин ўша одамга ўшқира кетди:

– Эй баттол! Нима бало, девона бўлдингми ўзи? Нега ўзингдан-ўзинг дод соласан! Қачон сен омонатингни талаб қилдинг-у мен йўқ дедим? Диёнатли бир одамга туҳмат қилгани қандай журъат қилдинг?

Қози шу пайтнинг ўзидаёқ ғуломини чақиртирди ва:

– Омонат фалон жойда, тез бориб мана бу одамга олиб чиқиб бер! – деб буюрди...

## КУЧЛИ ХОТИРА

Мирзо Улуғбекнинг фаросати ва хотирасининг қуввати шу даражада эдики, ҳар ерда бирон жониворга

ўқ узиб, ов қилса, шу тарихни эслаб қолар, воқеа куни ва қаерда бўлганлигини, жониворлардан қайсилари ов қилинганлигини дафтарга битиб қўярди. Тасодифан ўша дафтар йўқолиб қолди ва қанча қидирсалар ҳам уни тополмадилар. Дафтарни сақлаб юрган хизматчилар саросимага тушдилар.

Подшоҳ деди:

– Ташвиш тортманглар! Мен ўша дафтарга ёзилган гапларни бошдан-оёқ ёд биламан.

Сўнг Улуғбек котибни чақиртириб айтиб турди, улар ёзиб олдилар. Янги дафтар тўлган ҳам эдики, илгари йўқолган дафтар топилиб қолди. Ҳар иккала дафтарни солиштириб, тўрт-беш ихтилофдан бўлак фарқ топмадилар.

## МИНБАР ОДАМДАН АЗИЗ ЭМАС

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли Фахриддин Али Сафий келгусида “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” (“Оби ҳаёт томчилари”) асарини ёзиш мақсадида Самарқандга – Хожа Убайдуллоҳ ҳузурига келганлигини бундай тасвирлайди:

– Отанг ҳақида кўп эшитганман, – дейди Хожа Аҳрор ва қўшимча қилади, – кўп воизлар борки, улар ваъз ўқиш учун минбарга чиқаётиб, минбарни ўпиб, кўзига суртадилар ва бидъатга йўл қўядилар. Ваҳоланки, одамни азиз қилган минбар эмас, балки минбарни азиз қилган одамдир.

Али Сафий Ҳиротга қайтиб бориб, бу воқеани отасига айтади. Воиз Кошифий:

– Бу – мен учун айтилган гап, – деб минбарни ўпишни тарк этади.

## НОЧОР ЎҒРИ

Абдураҳмон Жомийнинг бир гўзал шеъри борким, ҳеч бир девонида дарж этилмаган. Мана у:

*Бир ўғри уйимнинг қулфини очди*
*Ўғрилик расмини бажармоқ учун.*
*Аммо қулфдан афзал ҳеч не топмади*
*Олиб қўлтиғига яширмоқ учун.*
*Шу тоб келган эди уйдан бир овоз*
*Қулфни отиб, қочди жон*
*асрамоқ учун.*

## ХИЗР ТУПУГИ

Бир бемаъни шоир Жомийнинг олдига келиб, мақтаниб қолди:

– Мавлоно, – деди у, – шу кеча тушимда Хизр алайҳиссаломни кўрдим. У киши оғизларининг муборак сувини оғзимга солиб кетдилар.

– Хато тушунибсан, – деди Жомий, – Хизр алайҳиссалом сенинг юзингга тупурмоқчи бўлганлар. Шу пайтда сен оғзингни очиб қолгансан. Шунинг учун ҳам Хизрнинг тупуклари оғзингга тушган.

## ЖОМИЙНИНГ МАСЛАҲАТИ

Бир ўртамиёна шоир Абдураҳмон Жомийга шеърини ўқиб бериб:

– Шуҳрат қозониш учун шу шеъримни шаҳар дарвозасига осиб қўймоқчиман, жаноблари нима дейдилар? – деса, Жомий:

– Жуда яхши, унда бу шеърнинг ёнига ўзингни ҳам осиб қўйиш керак, бўлмаса одамлар бу шеър сеники эканлигини қаёқдан билишади? – дебди.

## АҚЧАНГ ЁНИНГДА ҚОЛИШИНИ ИСТАСАНГ

Ҳозиржавоблик даъвосини қилиб юрадиган бир хасис Абдураҳмон Жомий олдида ҳазил тарзида:

– Уч ақчам бор, қандоқ қилиб шу пулга бир нима олиб тўйгунча есам-у яна қолганини уч ақчага сотиб, пулимни ундирсам деб ўйлаб ўтирибман, – дебди.

Бунга жавобан Жомий шундоқ дебди:

– Кушхонага бориб, уч ақча берсанг, битта қорин беради, ичидагини еб, қолганини яна уч ақчага сотасан-қўясан-да!

## ЗАРОФАТ

Бир куни Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ўртасида нозик суҳбат бўлиб ўтди. Навоий Бойқаронинг қулоғига сирли бир сўзни шивирлаб:

– Сиз бу сўзларни тезда унутинг, – деди.

Султон Ҳусайн шу лаҳзада жавоб қилди:

– Қайси сўзларни?

## НАВОИЙНИНГ ЖАВОБИ

Амир Алишер Навоий Султон Абу Саид замонида Муҳаммад Абу Саид Баҳодир билан "Боғи сафид"да сайр қилиб юрган эди. Муҳаммад Абу Саид Баҳодирнинг танишларидан Юсуф исмли бир йигит вазирларнинг баъзисидан шикоят қилди:

– Вазир экинимга сув бермай қўйди. Мирзо Абу Саидга арз қилмоқчи бўлиб саройга борган эдим, ясовуллари унинг ҳузурига киритишмади. Ҳозир аҳволим шу қадар оғирки, бировлардан бир бурда нон тилаб тирикчилик қилаётибман.

Амир Алишер Навоий унга қарата мана бу байтни ўқиди:

Яъни:

*Гадой, ки нон аз дари шоҳ жуст,*
*Бибояд зи оби худаш даст шуст.*

Мазмуни: “Шоҳ даргоҳидан нон тилаган гадой ўзининг сувига қўлини ювиши керак”.

## РАҲМДИЛЛИК

Алишер Навоийнинг жамоа билан масжидда аср намозини адо этгач, намозга келмаганларни суриштириш одати бор эди. Бир куни бу одатига хилоф равишда шошилинч намозини ўқийди-да, ҳеч ким билан иши бўлмай боғига йўл олади. Одамлар ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини сўраганларида шундай жавоб қилади:

– Мен масжидга келаётиб, фалон жойда таҳорат олган эдим. Намоз учун сафга турганимда елкамда бир чумоли кўрдим. Унинг таҳорат жойида менга илашганини билиб, уйини тополмай озор чекмасин деб, дарҳол уясига олиб бориб қўйдим ва бир гуноҳсиз жониворнинг уволига қолишдан қутулдим.

## ШАФҚАТ

Ҳусайн Бойқаро Марвда қишлаб қолганида Алишер Навоий ҳам у билан бирга эди. Бир ғуррак унинг чодирига кириб-чиқиб юрди, ҳеч ким унга тегинмагани учун у ерга уя ясаб, тухум ҳам қўйди.

Султон Ҳиротга қайтишга фармон берганида ғуррак ҳали тухуми-

ни очмаган эди. Шафқат-мурувват кони бўлган Амир қушга озор беришни хоҳламай:

– Ғуррак тухумини очиб, болаларини учирма қилмагунча чодир шу ерда қолдирилсин, – деб буюрди. Ҳатто унинг муҳофазаси учун киши қолдирди.

## БИР БАЙТНИНГ ҚУДРАТИ

Мавлоно Лутфий ўз даврининг машҳур шоири – малик ул-каломи эди. Ундан илгари туркий шеърни ҳеч ким Лутфийдан ўтказиб айта олмаган. Алишер Навоий уни ўзининг устози деб биларди.

Бир куни Лутфий ҳузурига борганида у ёш Алишердан янги ёзган

шеърларидан бирини ўқиб беришини сўрайди. Навоий:

*Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур*
*ҳар лаҳза ёш,*
*Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз*
*ниҳон бўлғоч қуёш, –*

матласи билан бошланадиган ғазалини ўқийди.

Бу ажойиб ғазалдан ниҳоятда таъсирланган кекса шоир:

– Агар мумкин бўлса, мен ўзимнинг форсий ва туркийда айтган ўн-ўн икки минг байтимни шу биргина ғазалга алмашар ва бу ишнинг амалга ошишини зўр муваффақият деб ҳисоблар эдим, – дейди.

## КАМТАРЛИК ДАРАЖАСИ

Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни муҳрдорлик мансабига тайинлаганида эгаллаб турган лавозимига кўра у энг юқорига муҳр босишга ҳақли эди. Лекин у бир-биридан юқорига муҳр босишни талашадиган амир-амалдорларга қарши ўлароқ, энг қуйига ўз муҳрини босар эдики, ундан пастга ҳеч ким муҳр босолмасди.

Ҳамма унинг камтарлигига қойил қоларди.

## ЎЛИГИ ҲАМ БИР БАЛО, ТИРИГИ ҲАМ

Мусиқа фанида даврининг ягонаси Мавлоно Алишоҳ бир куни Навоийга арз қилиб:

– Сизнинг олий илтифотингиз ва марҳаматингиздан умид шуки, вақф бошқарувчилари олти ойлик маошимни бирданига топширсалар, ҳар ойда хизматчиларга бош оғриғи бўлиб юрмасам, – деди.

– Мавлоно, – деди у, – умримиздан олти кун қолганми, йўқми, бизга маълум эмас, сиз нима учун омонат ҳаётга бу қадар эътимод қилиб, келажак олти ойлик маошни талаб қиласиз!

Мавлоно жаноблари:

– Сиз фармон беринг, у пулларни бераверсинлар, борди-ю ўлиб қолсам, гўр-кафанимга яраб кетар, – деди.

Навоий:

– Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало дегани сиз экансизда! – деди.

## ОЧКЎЗ ГАДОЙ

Алишер Навоий ҳикоя қилади:

Мирзо Абу Саид замонида жумъа куни Ҳирот шаҳри ичидаги масжиди жомеъда жумъа намозини адо қилгандан кейин хиёбонда сайр қилиш учун ўша томонга жўнадим. Муфарриҳ кўчасига яқинлашганимда бошяланг ва оёқяланг ҳолда ўтирган бир гадойни кўрдим.

У айтар эди:

– Аёлманд бир кишиман, бир неча оч-яланғоч болаларим бор, эрталабдан буён ўтириб тиланаман, ҳозиргача ҳеч ким бир пул бергани йўқ.

Ўша вақтда ёнимда бир танга бор эди, ундан бошқа дунё моли-

дан ҳеч нарсам йўқ эди. Ўз-ўзимга шундай дедим: таваккал қилиб, бу тангани шу дарвешга берсанг, токи хотин, бола-чақаларининг бугунги овқатини тўғриласа, сенинг эса эрталик ризқингни Худонинг ўзи етказар.

Тангани унга бериб, ўтиб кетдим. Намозшомгача хиёбонда сайр қилиб юриб, қайтишда кўрдимки, ҳалиги дарвеш ўша жойда ўтириб, илгариги сўзларни айтиб тиланарди. Унинг ҳаддан ташқари ёлғончилиги ва гадойликдаги ўта ҳарислигидан таажжубландим. Аммо бу ишдан хабардор бўлганимни унга билдирмадим.

## УЗРЛИ САБАБ

Бир бой касал бўлиб, узоқ вақт ётиб қолибди. Унинг бир шоир дўсти бор экан, қандайдир сабаблар билан касал кўргани келмабди. Бой тузалиб, ошнаси билан кўришганда, гина қилиб:

– Шунча вақт кўрпа-тўшак қилиб ётдим, бирров келиб кўрмадинг, – деса, шоир:

– Кечир, дўстим, мен марсия ёзиш билан банд эдим! – дебди.

## ОШХЎР ДЎСТЛАР

Соҳиб Дородан нақл қилишларича, бир куни Навоий дўстлари билан суҳбат қуриб ўтирарди. Таомдан сўнг мажлис аҳли Ҳаз-

рати Мирнинг кўпчилик олдида кўнгиллари беҳузур бўлиб, ёлғизлик талаб қилиш одатлари хотирларига келиб, бир-бирларига боқишиб, ўринларидан турдилар-да, ташқарига чиқдилар. Шоир шу куни суҳбат ва улфатчиликни қўмсаб турган экан. Ташқарига чиққан жамоага қараб, ғазаб ва эътироз билан дедилар:

– Алишернинг уйи ошпазлар дўконию Алишер эса ошпаз экан-да. Дўстлар келдилару ош еб кетавердилар.

## ШОИРНИНГ ДАРДИ

Бемаза ва тутуруқсиз шеърлар ёзиб юрадиган бир шоир табибнинг олдига келиб:

– Бир нарса юрагимни беҳузур қилиб, кайфиятимни бузяпти, қутулишнинг иложи йўқмикин? – деб сўрабди. Табиб гапга чечанлардан экан. Сўрабди:

– Айт-чи, шу кунлари қоғозга туширган ва ҳали бировга ўқиб бермаган шеъринг борми?

– Ҳа, бор, – дебди шоир.

– Ўша шеърингни ўқиб бер.

Шоир ўқиб берибди.

– Яна бир карра ўқи.

Шоир яна такрорлабди.

– Тур ўрнингдан, энди нажот топдинг, – дебди табиб, – юрагингни беҳузур қилиб, кайфиятингни бузиб турган нарса шу шеър эди, юрагингдан чиқариб ташлаганингдан кейин қутулдинг-қолдинг!

## ҲАР КИМ ЎЗИ ИНТИЛСИН

Улуғ бир қабилага мансуб бир киши Амир Исмоил Сомонийга мурожаат қилиб хат ёзибди. Шунда Исмоил унинг хатига шундай деб жавоб ёзибди:

– Аждодинг шуҳратига суянма, ўзингга ўзинг шуҳрат топ.

Бу тўғрида бир юнонлик айтган экан: кимда-ким қариндошлари сабабли ўзига обрў, яқинлик ахтарса ва ўлган аждодлари билан фахрланса, ўша кишининг ўзи ўлик ва аждодлари тирик саналади.

## НОЗИКФАҲМ ШОИР

Амир Бовардий замонасининг етук шоирларидан бўлиб, уни Гул

шоир деб эрдилар. Бир куни Мирзо Бойсунқур мажлисида шоиру фозиллар жам бўлган эди. Подшоҳ олдида бир даста гул, бир соғар[1] ва камон турар эди. У гулни олиб, соғарнинг ёнига қўйди: камонни ҳам олиб, айлантириб қўйди. Гул шоир дарҳол туриб ташқарига чиқди-да, бир дастурхон анор келтирди. Мажлис аҳли бу ишга ҳайрон бўлди. Гул шоирдан бу синоатни суриштирдилар. У деди:

– Подшоҳ гулни соғар ёнига қўйди. Ёзувда “гул” билан “соғар” сўзларини гул шоир деб ҳам ўқиш мумкин. Менга хитоб қилинаётганини билдим. Сўнгра камонни айлантириб қўйди. Ка-

[1] *Соғар* – май идиши, жом, қадаҳ.

монни араб тилида қавс дейилади. "Қавс"ни айлантирилса "суқ" бўлади, бу бозор дегани. "Бозор" сўзи ёзувда "нор ор" сўзига ўхшайди. Шулардан мен "Гул шоир, нор ор!", яъни «Гул шоир, анор келтир!" маъносини тушундим ва бу амрни бажардим.

Бу сўзни эшитиб, ҳамма унинг камолига таҳсин ўқиди. Подшоҳ буюрди – унинг анор келтирган дастурхонини тиллодан тўлдириб бердилар.

## НОИЛОЖЛИК

Мавлоно Ҳасаншоҳ бир қишда оч, юпун қолгани учун ўғлига кўк салла ўратиб, кўк тўн кийдириб деди:

– Амир Алишернинг уйларига боргин-да, аҳволингни кўриб сўрасалар, отам оламдан ўтдилар, дегин! Мир кафанлик ва жаноза харжини берадилар. Ўшанга бозордан егулик нарса олиб келгин.

Мир уни шу ҳолда кўриб, ичкарига киритди ва нима гаплигини сўрадилар. У:

– Отам вафот этди, умрини сизга бахшида қилди, – деди.

Мир ғоят ғамда қолиб:

– Афсус, Мавлоно Ҳасаншоҳ давр нодирларидан эди, – деб уч юз хоний маблағни унга чиқариб бердилар.

Мавлононинг ўғли бозорга бориб, егулик нарсалар сотиб олдида, уйига қайтди. Эртасига Мулло

Мирнинг уйига келди. Мир уни кўриши билан кулиб юбордилар.

– Сиз ўлган эдингиз-ку!

– Агар ўша инъомингиз бўлмаганда чиндан ҳам ўлган бўлардим!

Мир унга муносиб сарупо, минг динор кепакий маблағ инъом қилдилар.

## ШОИР ЎҒРИСИ

Бир куни шоир Анварий[1] Балх бозорини айланиб юрса, биров унинг шеърини баланд товуш билан ўқимоқда, атрофдагилар унга таҳсин ва офарин айтмоқда экан. Анварий яқинроқ бориб:

---

[1] *Анварий* – машҳур форс-тожик қасиданавис шоири (вафоти – 1191).

– Биродар, кимнинг шеърини ўқияпсан? – деб сўрабди.

Ҳалиги одам:

– Анварийнинг шеърини, – дебди.

– Анварийни танийсанми?

– Нима эди? Анварий ўзим бўламан!

– Ё тавба, – дебди Анварий кулиб, – шеър ўғрисини эшитган эдим, аммо шоир ўғрисини биринчи кўришим.

## ШОИРЛИК СИРИ

Қадим-қадимларда шоирлардан бири қўлига дўмбира олиб, улоқдан кейин майдон ўртасига чиқиб, ўз достонини ўқий кетибди. Эшитганлар шоирга таҳсин айтиб, бири тўн

кийгизиб, бири от миндирибди. Шу маҳал оломон орасидан қотма бир одам чиқиб:

– Халойиқ, бу достонда ҳикоя қилинган воқеаларнинг ҳаммасини мен ўз бошимдан кечирганман, бу достондаги доно гапларни шоирга мен айтиб берган эдим. Бу достон уники эмас, меники. Совға-саломни унга эмас, менга беринглар, – дебди.

Ўртада ғавғо кўтарилибди. Ўтирганлардан бири элни тинчлантириб:

– Агар бунинг даъвоси рост бўлса, ўртага чиқиб, гапириб берсин, – дебди.

Бу одамнинг айтган гаплари шоир ёзган достонга ўхшаса-да, ҳеч ким чапак ҳам чалмабди, таҳсин

ҳам айтмабди. Буни сезган даъвогар:

– Мени кўпчиликнинг салобати босди, шошилдим, шоир бўлса уйида ёзиб келган... – дебди.

– Сенга муҳлат берамиз, агарда саводинг бўлмаса, бировга ёздириб кел, – деб муддат беришибди.

Вақт-соати билан яна ҳаммалари ўша майдонга йиғилишибди. Лекин шоир бир соатда ўқиган нарсани у эрталабдан-кечгача ўқиса ҳам охири кўринмабди. Атрофдагилар: “Қисқа қил, мақсадга кўч”, деб луқма ташлай бошлабди. Охири бировлар ўтирган жойида мудраб, баъзилари:

– Сен ўқиганинг молаланмаган буғдой...

– Ёзганларинг пойтеша кўрмаган ёғоч...

– Заргар кўрмаган гавҳарнинг йилтироқ тошдан фарқи йўқ, у на узукка кўз ва на тақинчоқларга безак бўлади, – деб маломат қилибдилар.

Кўрганни эшитган енгибди дегандек, гарчанд достондаги воқеаларни у одам бошидан кечирган бўлса ҳам, ҳамма шоирнинг ёзганига ишонган экан...

## ИНСОФ

Донишмандлардан бири икки кишининг жанжали устидан чиқиб қолибди.

– Хўш, нима гап бўлди? – деб сўраса, улардан бири:

– Бу ноинсоф мени ёлғончи деб ҳақорат қилди, – дебди.

Донишманд сўрабди:

– Қани, инсоф билан ўзинг айт-чи, умрингда ҳеч ёлғон сўзламаганмисан?

– Ёлғон сўзлашдан Худо асрасин, астағфирулло! – деб жавоб қилибди у.

– Худди шу ерда ёлғон сўзладинг! Инсофсизлик қилдинг! Қани, менга айт-чи, сен ёш болага дори ичирган чоғингда бу жуда аччиқ, бемалол ичавер, дейсанми ёки ширин дейсанми? Албатта, унинг фойдасини ўйлаб, аччиқ бўлса ҳам ширин дейсан. Бу ёлғонми, ростми? Албатта, ёлғон! Ёки бирор беморни кўргани борганингда унинг оғир аҳволини кўриб, кўнглини овлаш учун ёлғондан бўлса ҳам, дуруст бўлиб қолибсиз

тариқасида гапирасанми ёки ростини айтиб – чўп-устухон бўлиб қолибсиз, кўзларингизда нур қолмабди, рангингиз заъфарон, киши қараса қўрқадиган даражага келиб қолибсиз тариқасида рост гапларни айтасанми? Албатта, бундай демайсан. Ҳар бир ишда ҳам, гапда ҳам инсоф бўлиши керак.

## ХАСИС ВА ШОИР

Бир шоир хасис бир бойни мақтаб қасида ёзибди ва бойга ўқиб берибди. Орадан бирор ҳафта ўтибди, аммо бой хеч қандай илтифот кўрсатмабди. Шоир яна инъом кутиб, қитъа ёзибди. Яна бойдан садо чиқмабди. Бирмунча вақт ўтгандан кейин ноумид бўлиб қолган шоир бой ҳақида ҳажвия ёзибди. Бу гал

ҳам бой илтифот қилмабди. Ноилож қолган шоир бойнинг эшиги олдига келиб чўккалаб ўтирибди. Бой ташқари чиқса, шоир остонада бамайлихотир ўтирган экан.

– Ҳа, ориятсиз махлуқ, – дебди бой, – мақтадинг – индамадим, тама қилиб китъа ёздинг – парво қилмадим, ҳажвия ёздинг – ўзимни билмаганликка солдим, энди нима умидда эшигимда ўтирибсан?

– Ўлсанг, биратўла марсияни ҳам ўзим ёзай деган умидда ўтирибман! – дебди шоир.

## ҲАР КИМГА – МАҚСАДИГА ҚАРАБ

Тарих соҳасида жаҳон миқёсида тенги кам олимлардан бўлган Маҳмуд Камолдан сўрадилар:

– Сиздаги билимнинг ўндан бирига эга бўлмаганлар сиздан бир неча баробар кўпроқ танилдилар. Бунинг сабаби нимада экан?

– Мен билмоқ учун ўргандим, улар билинмоқ учун!

## ХОН ВА МАШРАБ

Бир куни шоир Машрабни хон ҳузурига чақириб:

– Сенга нима керак бўлса, тила тилагингни, ҳеч нарсани аямайман, – деса, Машраб унга жавоб қилибди:

– Қиладиган шафқатингизни бечора халққа қилинг, шулар оч қолмаса бўлгани. Менга ҳеч нарса керакмас!

## ТАБЪНИ МАШҚ ҚИЛДИРИШ КЕРАК

Убайдуллохоннинг[1] одати шу эдики, ҳар куни бир шеърни ўртага ташлаб, шоирларни унга татаббуъ[2] ва жавоб ёзишга ундарди:

– Табъни бекорга ўтказманглар – уни машқ қилдириш керак, – дер эди. – Дангасалик табънинг бўшашига сабаб бўлади ва зеҳнни ўтмаслаштиради.

---

[1] *Убайдуллохон* – Убайдий тахаллуси билан шеърлар ёзган Бухоро хони (1487–1539).

[2] *Татаббуъ* – салафлар ёки замондош шоирларнинг асарларидан таъсирланиб, улардаги вазн, қофия, радифни сақлаган ҳолда, ўша мавзу ва ғояни давом эттириб, ривожлантириб ёзиладиган асар.

## БЕРДАҚНИНГ ҲОЗИРЖАВОБЛИГИ

Кунлардан бир куни хон Бердақ шоирни ҳузурига чақиртириб, дабдурустдан:

– Халқ нима учун мени яхши кўради, сабабини айт-чи? – деб сўрабди.

– Сизни яхши кўришга халқни икки нарса мажбур қилади: биринчиси – халқни тўйдирувчи фармонингиз, иккинчиси – халқни қўрқитувчи қиличингиз! – дебди шоир.

– Ундай бўлса, халқ сени нима учун яхши кўради, бунинг ҳам иккита сабабини айт-чи! Олдиндан огоҳлантириб қўяй: шоирлигим учун, гап сотиб нон топаман, сўзим

билан севдираман, дема. Касб-коринг мен учун бир чақа! – дебди хон.

Шоир ўйланиб ҳам ўтирмасдан:

– Биринчиси – менинг халққа бўлган фарзандлик муҳаббатим, иккинчиси – халқнинг менга оналик муҳаббати, – деб жавоб берибди.

## ИСТЕЪДОД ВА ИМКОНИЯТ

Садриддин Айнийнинг отаси Саидмуродхўжа айтган экан:

– Аслида донишманд кишилар қашшоқлар ичидан етишиб чиқади, аммо афсуски, қашшоқлар ўқиш учун имконият топа олмайдилар.

## ШЕЪРНИ ҒАФУР ҒУЛОМ ЁЗСИН

Ғафур Ғулом ҳангома қилиб ўтирган жойида шеър ёзар эди. Ҳар банд битганда ҳамсуҳбатларга ўқиб берар, уларни қойил қолдириб, ўзи ҳам мақтаниб қўярди:

– Шеърни Ғафур Ғулом ёзсин-у, ўликни ҳинду ювсин!

## ОҚИННИНГ ҲУРМАТИ

Қайсарлиги билан ном чиқарган машҳур қозоқ оқини Жамбул гоҳида бирорта овулдош бийдан кўнгли қолса, дарҳол отига миниб, Олатовнинг жанубий этакларига юзланганча: “Қирғиз биродарим

Шобдан[1] ҳузурига кетяпман", дер экан. Чўнг Кемин соҳилида ўтирган Шобдан кунлардан бирида генерал-губернатор Колпаковскийдан зудлик билан етиб келиш тўғрисида буйруқ олади. Шобдан тезда файтунни қўшиш ҳақида амр қилади-ю, бирдан отини эшикдан кираверишга боғлаётган Жамбулга кўзи тушади.

– Шошманглар! Колпаковский ҳатто подшоҳ бўлганда ҳам, барибир Жамбулдан устун бўлмасди. Жамбулни кузатганимиздан сўнг йўлга отланамиз. Уни икки кун меҳмон қиламиз, – дейди Шобдан.

Кейин оқин дўсти учун олти қанотли оқ чодир тикишни ва бар-

---

[1] *Шобдан* – қирғиз халқининг қаҳрамони Шобдан ботир.

ча уруғ-аймоқларни чақириб келишни мулозимларига топширади. Йиғилганларнинг таклифига кўра, Жамбул тонгга қадар “Манас”, “Суранчи ботир” достонларини ижро этади. Шобдан достонларни роҳатланиб тинглайди.

## ОЙБЕККА СОВҒА ҚИЛИНГАН ТОШ

Собит Муқонов уйига меҳмон бўлиб келган Ойбекни машинага ўтқазиб, кўм-кўк ўтлоқ, боғ-роғ билан қопланган Олатов этакларига олиб кетади. Табиат гўзаллигидан баҳраманд бўладилар. Ойбек табиатнинг ўзи оби-тобида сайқал берган тошларнинг биридан кўзларини узолмасдан бош чайқайди-да: “Гўзал! Мўъжиза!” дейди. Собит

эса сир бой бермасдан Ойбекнинг ёнига яқинлашади-ю, унга синчков разм солиб:

– Хўш, ёқиб қолдими? – деб сўрайди.

– Бўлмасам-чи – деб тўлқинланиб жавоб беради Ойбек.

– Ундай бўлса, буни мен сенга совға қиламан. Фақат ўз номимдан эмас, бутун қозоқ халқи номидан совға қиламан. Анъанамиз бўйича арғумоққа эга бўлдим, деявер.

Шундай қилиб, Медео чегарасида ётган харсангтош меҳмонга ёқиб қолади: Собит уни совға қилади, Ойбек қабул қилиб олади. Тез орада Ойбек Тошкентга қайтиб кетади. Собит эса кейин ўша харсанг ёнига битта тоштарошни ёллаб боради. Харсангтошга ҳеч ўчмайдиган сўзлар ўйиб ёзилади:

“Бу силлиқ тошни мен Мусо Ойбекка совға қилдим. Собит Муқонули. 1962 й. 3. VI”.

Ўша куни Собит ўз ҳаётида бағоят масъулиятли вазифани адо этган кишидек кайфияти кўтаринки ҳолатда қувноқ қўшиқ айтиб уйига қайтади.

– Мен ўз ҳаётимда жуда кўп сахий одамларни кўрганман. Лекин, тоғда ётган чақиртошни совға қиладиган Собитга ўхшаш одамни асло кўрмаганман, – деб тез-тез эслаб юради Ойбек.

## ТАБИБ ВА ШОИР

Одамлар табибдан:

– Касалликлар ичида аниқлаш энг қийини сиз учун қайси дард? – деб сўрашса, табиб:

– Менинг олдимга ҳеч маҳал соғ одам келмайди, келганларнинг бири қорнидан, бири кўзидан, бири қулоғидан шикоят қилади. Касал аниқ бўлгандан кейин уни даволашнинг табиб учун қийинлиги йўқ. Дунёда табиб тополмайдиган битта дард бор, бу – соғ одамларнинг ичларини билиш. Беморларнинг шифокори табибу соғларнинг дардини топадиган шоир, – деган экан.

Табибдан бу жавобни эшитганлар шоирдан:

– Дарднинг энг оғири қайси, бевақт ўлимнинг фироғими, севгининг ҳижронима, тирикчилик ташвишими, ноҳақликнинг азобими, меҳнат машаққатими? – деб сўрашса, шоир:

– Бахт, бахтсизлик, ўлим ва туғилмоқ, шодлик ва алам, кулги ва йиғи – булар барчаси ҳаммага маълум, ҳаётда мавжуд нарсалар. Аммо шоир учун энг қийини одамларнинг қалбига йўл топиш, ёмонликка нафрат, яхшиликка қувонч ҳисларини уйғота билиш, – деган экан.

## ШЕЪР – МЎЪЖИЗА

Миртемирдан сўрашибди:

– Сиз мўъжизага ишонасизми?

– Ишонмаганимда шеър ёзмаган бўлар эдим. Ахир, шеърият ҳам турган-битгани мўъжиза-да!

## БАХТ НИМА?

Миртемирдан:

– Бахт нима? Унга эришганмисиз? – деб сўрашганда у:

– Йўқ. Одам бахтга эришдим, деганида яшашнинг қизиғи қолмас эди. Бахтга эришиш туйғуси билан яшашнинг ўзи бахт! – деб жавоб берган экан.

## ДОНИШМАНДНИНГ УЗУГИ

Бир донишманднинг узугига бешта сўз ўйиб ёзилган экан. Хурсанд пайтларида бу ёзувга кўзи тушса, бирдан ғамгин бўлиб қолар, хафа чоғларида енгил тортар экан.

Узукка “Бу кунлар ҳам ўтиб кетади” деб ёзилган экан.

## КУЁВ ТАНЛОВИ

Бир донишманднинг ёлғиз қизига бир бой ва бир ночор хонадондан совчи келибди. У эса қизини камбағал йигитга берибди. Дўсту яқинлари:

– Нега бундай қилдинг? – деб танбеҳ беришса, шундай дебди:

– Бадавлат йигитнинг эси пастроқ кўринади, ҳадемай у мол-дунёсидан ажралиб қолиши мумкин. Камбағал йигит эса ақлли ва ғайратли экан – бундай одам сира кам бўлмайди.

## ТАМАКИНИНГ "ФОЙДА"СИ

Савдогарлар биринчи марта бозорга тамаки олиб келишганида бир донишманд одамларга қарата:

– Тамаки соғлиқ учун кони зарар – чека кўрманг, – деган экан, ҳеч ким қайрилиб қарамай тамакининг бозори касод бўлибди. Бундан норози бўлган савдогарлар донишманднинг ҳузурига бориб, ўз фикрини ўзгартиришини илтимос қилишибди. Шунда донишманд одамлар олдига чиқиб:

– Халойиқ! Тамаки чекканларни ит қопмайди, уларнинг уйига ўғри тушмайди, кашанда сира қаримайди, – дебди.

Одамлар ҳайрон бўлиб сўрашибди:

– Бу қанақаси? Аввал тамаки кони зарар – зинҳор чека кўрманг! – деб огоҳлантирган эдингиз. Энди бунинг аксини айтаяпсиз.

Донишманд ўз фикрларини шундай изоҳлабди:

– Тамаки чеккан киши ҳассага таяниб қолади – ҳассалик кишига ит яқинлашмайди. Кашанда туни билан йўталиб чиқади – уй эгаси ухламаган экан, деб ўғрилар қайтиб кетади. Чекувчи кишига кўпинча бахтли кексалик гаштини суриш насиб этмайди – у ёш ўлиб кетади.

## ҲАСАД ВА ҒИЙБАТ

Бир шогирд устозига шикоят қилди:

– Фалон киши мени кўролмайди – ҳаснинг зўридан тарс ёрилиб кетай дейди.

Устози бунга жавобан деди:

– Хўш, ҳасад-ку ёмон экан, лекин ким сенга ғийбат яхши деб айт-

ди?! Бошқаларни ёмонлаган киши сени ҳам бировга яхши демайди.

## АЙБ ДАРҲОЛ КЎЗГА ТАШЛАНАДИ

Бир оқил, ҳунарманд, нотиқ, солиҳ, хулласи калом, ҳар жиҳатдан етук йигит бор эди. Унинг илми, хулқи ва олийжаноблигига ҳамма тан берган эди. Биргина айби – "ш" ҳарфини талаффуз қилолмас эди. Биров айтди:

– Олдинги тишлари йўқми нима бало?

Бу гапни эшитиб, бир донишманд деди:

– Бир дунё фазилатидан кўз юмиб, шу биргина айбини кўрдингми?

## ДОНО МЕЪМОР

Меъмор Синон машҳур Салимия минораларини қураркан, бир тўда болалар чуғурлашиб, ниманидир кўрсатаётганларини кўриб қолибди. Уларга яқинлашиб:

– Нима гап? – деб сўрабди.

– Амаки, – дейишибди улар, – шу минорангиз бир оз қийшайибди.

– Ҳа, ундай бўлса, ҳозир минорани арқон билан торттириб тўғрилаймиз. Сизлар қараб туринглар, – деб арқон келтиришни буюрибди.

Меъмор Синон то болалар тўғри бўлди дейишмагунича минорани бир арқон билан торттиравериբди. Болалар тўғри бўлди дейишгач, тўхтатибди. Шу орада бир киши келиб:

– Уста, бу арқон шундай катта минорага ҳеч бир таъсир қилмаслигини яхши биласиз. Нега энда болаларнинг гапига кириб, бундай қилдингиз, – деганида меъмор жавоб берибди:

– Шундай қилмасам, бу чурвақалар шаҳар бўйлаб минора қийшиқ, деган гап тарқатишади. Миноранинг эгри эмаслигига ҳеч кимни ишонтиролмаймиз. Энди эса, минора эгри эди, арқон билан торттириб тўғрилатдик, деган гап тарқатишади. Бу гапга эса ақли бор одам ишонмайди!

## САБРНИНГ ХОСИЯТИ

Бир донишмандга аёли фақирликларидан шикоят қилди. У жавоб берди:

– Сабр қил. Олдинда шундай бир чўққи борки, унга фақат юки енгиллargина чиқа оладилар.

## ТАМАГИРНИНГ ЖАЗОСИ

Бир куни Абу Нувас[1] сув ичмоқчи бўлиб, идиш тополмади-да, қўшнисига мурожаат қилди:

– Қўшни, косангизни бериб турмайсизми?

Бир ҳафтадан кейин қўшни косасини сўраб чиқди. Шоир уни қайтарди, лекин косанинг ичида пиёла ҳам бор эди.

– Пиёла меники эмас, – деди қўшни.

[1] *Абу Нувас* – машҳур араб шоири (762–813).

– Гапингиз тўғри, – деб жавоб берди Абу Нувас. – Лекин мен бировнинг буюмига кўз олайтирадиган одам эмасман. Берган косангиз ҳомиладор экан. Кўзи ёриди. Мана, она-болани сизга қайтаряпман.

Лол қолган қўшни Абу Нуваснинг ҳалоллигини кўкларга кўтариб мақтади.

Бир неча вақт ўтгач, Абу Нувас яна коса сўради. Косани унга бажонидил беришди. Бу гал коса Абу Нуvасникида бир ой қолиб кетди.

Ниҳоят қўшни яна косасини сўраб чиқди. Абу Нувас жавоб берди:

– О, шўрлик коса, умри қисқа экан, вафот этди.

Қўшнининг жаҳли чиқди.

– Нима деб валдираяпсиз? Коса ҳам вафот этадими?

– Хўп ғалати одам экансан-ку? – деб эътироз билдирди Абу Нувас. – Коса туғди деганимда ишонган эдинг. Нега энди унинг ўлганига ишонмайсан?

Қўшниси Абу Нувасни қозига олиб борди. Қози шундай ҳукм чиқарди:

– Нимаики туғадиган бўлса, у вафот ҳам этади.

## ЖАВОНМАРДЛИК АЛОМАТЛАРИ

"Самак айёр" номли саргузашт романлар қаҳрамони Самак дўсти Руҳафзодан сўрайди:

– Жавонмардликнинг[1] қайси аломатлари сенда бор?

Руҳафзо деди:

– ... Бировнинг омонатига хиёнат қилмайман, биров иши тушиб, ёнимга келса, жонимни гаровга қўйиб бўлса ҳам ҳожатини чиқараман, лекин қилган ишимни ҳеч миннат қилмайман, дўстликни ҳеч нарсага алмаштирмайман, бировнинг сирини мутлақо бошқага ошкора этмайман.

---

[1] *Жавонмардлик* (*Футувват*) – X асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда халқнинг оғирини енгил қилиш, золим ҳукмдорларга қарши курашиш, уюшган ҳолда элу юртни ташқи душманлардан ҳимоя этиш мақсадида пайдо бўлиб, ўзида халқ ичидан чиққан турли касб-ҳунар эгаларини бирлаштирган ҳаракат. Бу тоифа жавонмардлар, фатийлар, ахийлар, айёрлар деб ҳам юритилган.

Мардлик, олийҳимматлик деб шуларни тушунаман...

## ТАРБИЯ МЕВАСИ

"Равзаи хулд" асарининг муаллифи Мавлоно Маждиддиннинг ёзишича, у бир куни Язд шаҳрида ваъз айтаётган экан. Гап ота-она ҳақида кетаётган пайтда бир қария ўрнидан туриб, йиғлаганича:

– Эй Мавлоно, отасининг соқолидан тутиб, бошига калтак билан урган фарзанд ҳақида нима дейсан? – деб сўради.

Мен ундан:

– Отаси уни нима ишга ўргатган эди? – деб сўрадим.

У эса:

– Эшакни ижарага беришга, – деб жавоб берди.

– Айб унинг отасида, – дедим унга, – болани ёшлигидан илм ўрганишга жалб қилганида ва яхши кишилар суҳбатига юборганида, ундан бундай иш содир бўлмас эди. Ота бундай қилиш ўрнига эшакни ижарага беришга ўргатибди. Натижада, бола эшакни жиловидан тортиб, бошига чўп билан уришга ўрганиб қолган. У ўз отасининг соқолини эшакнинг жилови, деб ўйлаб тортган, бошига эса эшакнинг боши деб ёғоч билан туширган.

## ТОЛЕ КУЛИБ БОҚСА

Бир доно киши бор эди. У камбағаллик кўйига тушиб қолиб, мартабали бир одамнинг уйига ўғриликка тушди. Қараса, уй эгаси

қимматбаҳо матолар устида ухлаб ётар, атрофида эса турли хил бойликлар уюм-уюм бўлиб турарди. Доно кишининг кўзи мартабали одамнинг бошида қилич ушлаб турган маймунга тушди. Маймун ўргатилган бўлиб, шу топда ўз соҳибининг юзида кетаётган чумолини қилич билан уриб ўлдиришга шайланиб турган эди. Буни кўрган доно киши чопиб бориб, маймуннинг қўлидан тутиб қолди. Уй соҳиби шарпадан уйғониб кетиб, воқеадан хабар топди. Ўзича хулоса чиқариб деди: “Кишига толе кулиб боқса, ўғри унинг учун посбонга айланади, душман эса меҳрибон дўстга!”

## ЯХШИЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Луқмони ҳаким доимо қарз олар ва пули бўлса бошқаларга қарз берар экан. Унинг ҳиммати ва сахийлигини эшитган кишилар узоқ шаҳар ва қишлоқлардан қарз сўраб келишаркан. Кунлардан бир кун номаълум бир савдогар унинг ҳузурига келди ва деди:

– Эй Луқмон, мен машҳур савдогар эдим. Давр ҳодисотлари туфайли бутун мол-мулкимдан ажрадим. Ҳозир қўлимда ҳеч нарсам йўқ. Қўлимдан ҳеч бир иш келмайди, касбу ҳунарим йўқ. Сендан қарз сўраб келдим!

Луқмон уйидан минг динор чиқариб, савдогарнинг қўлига тут-

қазади. Буни кузатиб турган Луқмоннинг ўғли отасига қараб:

– Эй ота, шунча пулни ҳеч вақоси йўқ нотаниш одамга бериб юбордингиз, у тониб кетса нима қиласиз? – деди.

– Эй ўғлим, – деди Луқмон, – одамлар ҳеч қачон яхшилигингни унутмайдилар. Вақтинча улар сендан юз ўгирсалар ҳам вақти билан инсофга келадилар. Ҳар бир инсон қўлидан келса, бошқаларга яхшилик қилиши ва қилган яхшилигини унутиши зарур. Аммо бошқаларнинг ўзига қилган яхшилигини унутмаслиги керак.

## МУШУГИНГ КЎП БЎЛСИН

Қорақалпоқ адиби Тўлепберген Қаипбергенов бобоси тилидан ҳикоя қилади:

– Мен ёшлигимда оқсоқол-қарияларнинг хизматларини қилиб, икки хил олқиш эшитардим. Бирлари: “Уйингда мушугинг кўп бўлсин”, – деб дуо қилса, бошқалари: “Уйинг олтинга тўлсин!” – деб дуо қилишарди. Биринчи хил дуо қилганларни ёқтирмай, иккинчи тилакни эшитганда хурсанд бўлардим. Энди ўйлаб қарасам, биринчи хил дуогўйлар уйингда дон кўп бўлишини тиларканлар: бир йили экқан буғдойимиз мўл ҳосил бериб, уйимиз дон-дунга чунонам тўлиб-тошдики, уйда сич-

қонлар кўпайиб кетди. Ўшанда битта эмас, иккита мушук асрашга мажбур бўлдик. Кейин, улар ҳам болалаб берди, десангиз. Ҳар қалай, уйингда дон мўллигига нима етсин!

## ҲАР КИМНИНГ БОЛАСИ ЎЗИГА ШИРИН

Бердақ шоирнинг отаси Қарғабой бир куни уйига ҳовлиқиб кирибди-ю, аёлига дабдурустдан:

– Қани, бўла қол, тезда Бердақни ювинтириб-кийинтир-чи! Уни Хивага олиб бормоқчиман. Бизга бахт кулиб боқадиганга ўхшаб турибди, – дебди.

– Нега? – деб сўрабди аёли унинг муддаосини тушунмай.

– Хивадаги хон саройида ишлаш учун энг доно, энг барно бир болакай қидиришаётган экан. Бу ёруғ оламда Бердақимиздан ақллироқ, чиройлироқ бола бўлиши мумкинми сира! – дебди Қарғабой.

Аёли фаҳм-фаросатли экан, ичак-силласи қотиб кулибди. Қарғабой унинг ҳай-ҳайлашига қарамай, болани эшагининг ортига мингаштирибди. Кечаю кундуз йўл тортиб, Хивага уч кун деганда етиб борибди. Хон саройига кириш учун бирин-кетин уч соқчининг олдидан ўтиш керак экан. Биринчи соқчиёқ Қарғабойга: “Шу қулоқлари қалқондай, бурни чўмичдай тасқара боласини уялмай олиб келиб турганини қаранглар!” деб масхаралаб кулибди. Қарғабой боласининг су-

лувлигини нари-бери исботламоқчи бўлган экан, соқчилар уларни уриб-сўкиб, шаҳардан ҳайдаб чиқаришибди.

Ҳар кимга ҳам ўз фарзанди дунёдаги энг ақли расо, барно бўлиб кўринаверади. Қарғабой ўша даккидашномдан кейин то ўла-ўлгунча: "Менинг ҳам ақлли, ҳам чиройли боламни кўра туриб саройга киритмаган хоннинг одамларига лаънат!" дея қарғаниб яшабди.

## ХАВФСИЗ ЖОЙ

Бир файласуф саҳрода айланиб юрган экан, қараса, бир йигит мерганликни машқ қилиш ниятида ўқ отмоқда ва отган ўқлари нишонга етмасдан ўнг-сўлга кетмоқда экан.

Файласуф ўқ тегишидан қўрқиб, нишоннинг олдигинасига бориб турибди ва шундай дебди:

– Шу ердан хавфсизроқ жой йўққа ўхшайди, чунки унинг ўқи ҳеч қачон нишонга тегмаслигига аминман.

## КАСАЛ КЎРИШ ҚОИДАСИ

Уч-тўрт эзма бир улуғ зотни кўргани бориб, узоқ ўтириб қолибди. Бу нарса беморга анча малол келибди. Кетаётган чоғда улар беморга:

– Васиятинг бўлса, бизга айтиб қўя қол, – дейишса, бемор:

– Васиятим шуки, – дебди, – бундан кейин касал кўргани борганларингда узоқ ўтириб, беморни толиқтириб қўйманглар.

## ЮЗ ДИНОР ТАШВИШИ

Бир бой ҳакимга:

– Юз динор олтиним бор, шуни сенга бермоқчиман, нима дейсан? – деб сўрабди.

– Берсанг, – дебди ҳаким, – сенга яхши, бермасанг менга. Сенга яхшилиги шуки, шу восита билан менга марҳамат қилган бўласан. Бермасанг менга яхши бўлиши шуки, сенинг миннатингдан қутуламан!

## САФАРБАР ОЯТЛАР

Хон бир араб билан ҳамтовоқ бўлиб қолибди. Дастурхонга ҳалим келтириб қўйишибди. Араб товоққа разм солиб қараса, ҳамма ёғ халифа

олдида. Араб дарров бармоғи билан арикча қилиб, ёғни ўзи томонга ҳайдабди. Халифа: “Қайиқдагиларни сувга ғарқ қилиш ниятида уни тешиб қўйдингми”, деган оятни ўқибди. Араб бу оятга жавобан дарров: “Баҳраманд бўлсин, тирилсин, деб сувни қақраб ётган ер томонга сурдик”, деган оятни келтирибди.

## УМРИ УЗУН ТОВУҚ

Бир хасиснинг қовурилган товуқни уч кундан бери дастурхонга олиб келиб, емасдан олиб бориб қўяётганига разм солиб юрган бир донишманд:

– Бу товуғингизнинг умри тириклигидан ҳам узунроқ шекилли,– дебди.

## МУНОСИБ ҚАЙЛИҚ

Арабистонда илму ҳикматда беназир Шан деган бир ҳаким, ўзимга ўхшаган бирор билимдон қиз топилмагунча уйланмайман, деб аҳд қилган экан. Қайлиқ ахтариб оламни бир неча бор кезиб чиқса ҳамки, ўзига муносиб ёр тополмабди. Кунлардан бир куни шу ниятда сарсон-саргардон бўлиб юрган экан, бир одам унга ҳамроҳ бўлибди.

Шан ҳамроҳига:

– Сен мени кўтарасанми ё мен сени кўтарайми? – дебди.

– Ажаб бетамиз одам экансан, – дебди ҳамроҳи, – салламни зўрға кўтариб юрибман-у сени қанақа қилиб кўтараман!

Шан индамабди. Бир оз йўл юрганларидан кейин барқ уриб яшнаб турган бир буғдойзорга етибдилар. Шан экинзорга қараб:

– Бу буғдойзорнинг донини еб бўлишдимикан? – деб ҳамроҳидан сўрабди.

– Тоза жинни экансан-ку! Буғдойи ҳали ўриб олинмаган нарсани қанақа қилиб еб бўлади?!

Яна Шаннинг нафаси ичига тушиб кетибди. Бир неча манзил йўл юрганларидан кейин улар тобут кўтариб бораётган оломонга дуч келишиб қолишибди.

– Бу одам ўлдимикан ё ҳалиям тирикмикан? – деб Шан яна ҳамроҳидан сўрабди.

– Астағфирулло, умрим бино бўлиб сенга ўхшаган аҳмоқни кўр-

ганим йўқ. Қабристонга олиб борилаётган ўликни бу тирикми, ўликми деб сўрайди-я! Қип-қизил аҳмоқ ҳам бунақа саволни бермайди. Қўй, менга бошқа гапирма, аҳмоқона гапларингдан кўнглим озиб кетяпти, – дебди ҳамроҳи.

Шундай қилиб, иккаласи чурқ этмай йўлда давом этишибди. Йўловчи манзилига етгандан кейин, майли, бу ҳам бир мусофир экан, қилган қўполлигимни кўнглидан чиқарай, деб Шанни уйига олиб кириб, меҳмон қилибди. Ўша одамнинг ҳусну малоҳат, ақлу фаросатда ҳамма қизларга дарс берадиган қизи бор экан, у дадасидан сўрабди:

– Ҳамроҳингиз ким эди, йўлда нималарни гаплашиб келдинглар?

– Эй, қизим, – дебди отаси, – қип-қизил бир аҳмоққа рўбарў келиб қолдим. Куракда турмайдиган, пойма-пой, мантиқсиз саволларни беравериб, тоза табъимни хира қилди.

– Нима деди, ахир? – деб сўрабди қизи.

– Мен билан кўришиши биланоқ: “Сен мени кўтарасанми ё мен сени кўтарайми?” – деб сўради. Ўзим зўрға бораётган эдим, уни қандай кўтара олардим, қизим. Бир экинзорга етганимизда: “Бунинг донини еб бўлишдимикан?” – деб сўраб қолса бўладими? Учинчи саволи: қабристонга олиб кетишаётган тобутни кўриб: “Бу тирикмикан ё ўликмикан?” – деб сўради.

Қизи отасига:

– Унинг кўнглини оғритиб, бекор қилибсиз. Бу сўзлар унинг жуда катта ҳаким ва зўр билимдон эканлигидан далолат беради.

Биринчи саволнинг маъноси шу: Йўлнинг захматини камайтириш учун бирор нарса сўзлаб берасанми ё мен айтиб берайми? Ернинг ғалласини эккан одам бирор судхўрдан қарздор бўлиши, унинг қистовидан тезроқ қутулиш мақсадида, буғдойни ўриши биланоқ тўғри бозорга олиб бориб сотиб, қарзига бериши, мулоҳаза қилиб кўрсанг, экин пишишидан олдин еб кетилгандан бўлади. Тобутдаги мурдани ўликми ёки тирикми, деб сўраганининг маъноси шу: бу одам ўлганидан кейин ёдгорлик сифатида бирор фар-

занд ёки шогирд қолдирдимикан, эслашга арзигулик бирор хайрли иш қилдимикан ёхуд жоҳил ва фосиқлигидан ўлиши биланоқ ҳамманинг эсидан чиқди-кетдими?

Сиз дарҳол унинг олдига чиқиб, узр айтишингиз, зиёфат қилишингиз, айтган сўзларининг барисини шарҳлаб беришингиз керак, акс ҳолда, у сизни жоҳил ва аҳмоққа чиқариб қўйиши мумкин.

Шунда қизнинг отаси Шаннинг ҳузурига чиқиб:

– Йўлда мен паришонхотирлик қилиб, саволларингга дурустроқ жавоб беролмагандим: ҳозир ҳаммасига бирма-бир, батафсил жавоб беришим мумкин, – дебди.

Бунга жавобан Шан:

– Бу сўзлар сенинг табиатингга мутлақо хилоф. Яхшиси, айтчи, бу сўзларни кимдан ўргандинг ва бу сирлардан ким сени воқиф қилди, – дебди.

Қизнинг отаси нима дейишини билолмай, гангиб қолибди ва ростини айтишга мажбур бўлибди:

– Ҳусну малоҳат ва ақлу фаросатда тенгу тимсоли йўқ бир қизим бор, бу сўзларнинг мағзини менга ўша чақиб берди, – дебди.

Бу гапларни эшитган Шан, шунча йилдан бери қидириб юрган гавҳаримни энди топдим, деб суюниб кетибди. Отасининг розилиги билан қизни никоҳлаб олибди ва ниҳоят, мурод-мақсадига етибди.

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Илми нужумга[1] ҳуши йўқ бир подшоҳ ҳамиша мунажжимларнинг хатоларини фош этиб, уялтириб юраркан.

Бир кун у бир ўғил кўрибди. Подшоҳ саройдаги уч буюк мунажжимни чақирибди ва қуръа очиб, ўғлининг қисматини баён қилишларини сўрабди.

Мунажжимлардан бири:

– Бу ўғил ўн бешга кирганда илон чақиб ўлади, – дебди.

Иккинчиси:

– Бу бола ўн бешга кирганда баландликдан йиқилиб ўлади, – дебди.

---

[1] *Илми нужум* – астрономия.

Учинчиси:

– Ўша ёшга етганда бу бола сувга ғарқ бўлиб ўлади, – деб башорат қилибди.

Подшоҳ бу гапларни эшитиб, “Биттасининг сўзи тўғри чиқиши мумкин, унда иккинчи ва учинчисининг сўзи мутлақо хато”, – деб ўйлабди ва кейин бу мунажжимларни кўздан қочирмасликка, уларнинг башоратлари нотўғри чиқса, шарманда қилишга аҳд қилиб қўйибди.

Мунажжимлар айтган ўша машъум кун келибди, подшоҳ ўғлини бир маҳалла одамга топшириб, кўз-қулоқ бўлиб туришларини тайинлабди. Тепаликларга чиқиш ва сувга яқинлашишга йўл қўймасликни буюрибди.

Бир маҳалла одам боланинг муҳофазаси билан банд бўлибди. Қиём пайти бола одамларни ғафлатда қолдириб, уйдан чиқибди, чорбоғда бир оз айланиб, ҳовуз бўйига бориб қолибди. Ҳовуз бўйидаги дарахтда қуш уяси бор экан. Бола дарахтга чиқибди-ю, инга қўл чўзибди. Уяда илон ётган экан, болани чақиб олибди ва бола дарахтдан ҳовузга йиқилиб, ғарқ бўлибди.

Посбонлар югуриб келишса, шаҳзода аллақачон ўлиб ётганмиш.

Шу воқеадан кейин подшоҳ мунажжимларни ранжитмайдиган бўлибди.

## ИШЛОВ БЕРИЛМАГАН ЛОЙ

Бир лакалов одобсизлик қилган экан, улуғ бир зот унга танбеҳ берибди. Шунда лакалов:

– Лойимни шундоқ коришган бўлса, мен нима қилай? – дебди.

– Лойингни-ку, дуруст қоришган, аммо яхшилаб шиббалашмаган, – дебди улуғ зот.

## ЖАБРОИЛ ВА ҚУРЪОН

Бир фақир киши туш кўрса, бир оёғи Жаброил алайҳиссаломнинг қаноти устида турган эмиш. Уйқудан туриб, замон орифларидан бирининг олдига бориб, тушини арз қилди ва таъбирини сўради. Ориф табассум қилиб деди:

– Намоз ўқиганингизда Каломуллоҳга оёқ қўйманг.

У киши уйига келиб қараса, дарҳақиқат, жойнамози остида Қуръон ётган эмиш.

## ДЕВМИ, ГУЛМИ?

Араб фозилларидан бирининг ғоят доно, хуштабъ хотини бор эди. У киши бир куни хотинига деди:

– Сиз хотинларни биз ёр деб қучоқ очиб оламиз-ку, аслида эрларнинг бошидаги девсизлар.

– Аксинча, – деди хотини ширин табассум билан, – хотинлар хушбўй гиёҳдирлар. Эркаклар эса ана шу хушбўй гиёҳ атирларини ҳидлаб баҳраманд бўлиш ниятида юрган орзумандлардир.

## МОЛ ЭГАСИГА ЎХШАМАСА

Бир суҳбатда донишмандга дедилар:

– Эгиладиган, букиладиган, қатланадиган, турли-туман каттаю кичик тешикчаларга ҳам кириб кетаверадиган бир шиша кашф қилдик.

У дебди:

– Қисқаси, шишани ҳам ўзимизга ўхшатдик десангиз-чи!

## МУТТАҲАМНИНГ ФОШ ЭТИЛИШИ

Кунлардан бир куни қассобнинг оиласида кутилмаган ҳодиса рўй бериб, уни шошилинч уйга чақириб қолишибди-ю, ҳатто дўконини ҳам ёпишга улгурмай, чангакдаги

гўштлару ғаладондаги пулларини ёнидаги чойхоначига “қараб тур”, деб тайинлаганча югуриб кетибди. Қайтиб келиб қарасаки, ғаладондаги пуллари йўқ. Чойхоначи олиб қўйган бўлади. Чойхоначидан сўраса, олмаганман, туҳмат қилма, гувоҳ-исботинг борми, деб тонибди. Орада жанжал кўтарилибди. Бириси: “Туҳмат қилаяпти, олмаганман”, деса, бошқаси: “Шундан бошқа олмайди, ўзининг қўли эгри эди”, деб ғавғо кўтарибди. Бир донишманд чойхоначига мурожаат қилиб:

– Агар қассобнинг пулини олмаган бўлсанг, унда бор пулингнинг ҳаммасини ўртага қўй, ана шунда олган-олмаганинг маълум бўлади, – дебди.

Чойхоначи олиб чиққан пулларни у кўздан кечириб:

– Яхшиликча айбингга иқрор бўл, йўқса юзингга қора суртиб, эшакка тескари миндириб, кўпчилик олдида шарманда қиламан, – дебди.

Чойхоначи:

– Гувоҳ-исботингиз йўқ, – деб баланд келган экан, донишманд чойхоначининг ҳамма тангаларини йиғиб, сопол товоққа солибдида, устидан қайноқ сув қуйибди. Атрофдагиларга:

– Бу тангалар ҳаммаси қассобники, муттаҳам чойхоначини эшакка тескари миндириб, маҳаллага сазойи қилинглар, – деб ҳукм чиқарибди.

Одамлар сопол товоқдаги сувга қараб, не мўъжиза, деб тушу-

нолмай ҳайрон бўлишибди. Чунки товоқдаги тангалар сув қуйилгандан кейин кўринмай қолган эди. Шунда ҳайрон бўлган одамларга қараб донишманд:

– Тангаларнинг кўринмай қолганининг сабаби шуки, сувнинг юзига бир ошнинг ёғи чиқиб қолди. Ахир, чойхоначининг қўлида ёғ нима қилади! Эрталабдан кечгача қўли сувда. Демак, бу тангалар қассобнинг ёғлиқ қўлидан чиққан пуллар, – деганда, оломондан даҳшатга келган чойхоначи:

– Ярми уники, ярми ўзимники, – деб гуноҳини тан олиб, ёлворишга мажбур бўлган экан.

## КИМ ОНАМ ДЕЙДИ,
## КИМ БОЛАМ

Шоир Шукрулло ҳикоя қилади:

Кунлардан бир куни мен бир тўйда бўлдим. Бир ёш йигит “Онам дерман” деган ашулани айтиб қолди. Айниқса, буни эшитган қари-қартанглар кўзларига ёш олиб, чаккасига даста-даста пул қистиришди. Аммо менинг энсам қотиб, на пул қистирдим ва на чапак чалдим. Менинг донг қотиб ўтирганимни сезган ёнимдаги шўхроқ йигитлардан бири, “қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” қабилида ёнидаги шеригига:

– Ҳай, шоир ака, сизда ҳам завқ деган нарсадан борми? – дегандек учириқ қилиб қўйди. Лекин мен би-

либ-билмасликка солиб қўя қолдим. Чунки менинг хаёлим бошқа нарса билан банд эди. Бу боланинг ашуласига эмас, ўзига ғашим келиб ўтирган эдим. Чунки бу йигитнинг қилаётган бутун хатти-ҳаракати айтаётган ашуласининг маъносига бутунлай терс эди. У “Онам дерман” деб ашула айтарди-ю, аммо тонг отгунча кўча остонасида бунинг йўлларига кўз тикиб, “Болам дерман” деб қон йиғлаб ўтирган онасининг дарду аламларини унутган эди.

## ДУШМАН

Бир донишманд айтган экан:

– Одамлар душманга оғизларидан йўл берадилар, у эса ақлларини ўғирлаб кетади.

## ТЎРТ ҲИКМАТ

Дейдиларки, бир куни Хитой, Ҳинд, Эрон ва Рум подшоҳлари бир ерга йиғилиб:

– Ҳар биримиз шундай бир сўз айтайликки, дунё тургунча турсин, – деб шартлашибдилар.

Хитой шоҳи дебди:

– Мен айтган сўзимни қайтариб олишдан кўра, айтмаган сўзни оғиздан чиқармасликка ҳаракат қиламан.

Ҳинд шоҳи дебди:

– Мен ўз фойдасини кўзлаб айтган сўзи зарар берган ва ўзини ҳалок қилган одамга ҳайрон қоламан.

Эрон шоҳи дебди:

– Оғзимдан чиқмаган сўзим – қулимдир, айтганим эса – хожам.

Рум шоҳи дебди:

– Мен айтмаган сўзимдан ҳеч вақт пушаймон бўлмаганман, айтганимдан эса жуда тез-тез пушаймон бўламан.

Шоҳларнинг индамаслиги фойдасиз ва бемаъни суҳбатлардан кўра яхшидир. Инсон ҳар нарсадан кўпроқ ўз тили туфайли балога йўлиқади.

## УЧ НАРСА ВА ТЎРТ ВОСИТА

Бир бадавлат савдогар бор экан, унинг болалари катта бўлганларида ҳеч қандай иш билан машғул бўлишни истамабдилар. Оталарининг молини совура бошлабдилар. Ота уларни йиғиб, деди:

– Ўғилларим! Одам бу дунёда уч нарсага интилади: бири – яхши яшаш, иккинчиси – одамлар орасида юксак мавқега эга бўлиш, учинчиси – охират савобини топиш. Бу уч нарсага қуйидаги тўрт восита билан эришилади: ҳалол меҳнат билан давлат тўплаш; қўлга киритилган давлатни сақлай билиш; исрофга йўл қўймасдан, давлатини ўзи, оиласи ва ака-укалари учун харжлаш, ниҳоят, мумкин қадар ўзини зиёнли ишлардан тийиш. Бу тўрт шартдан биттасини ҳам бажармаган одам ўз орзусига етолмайди. Чунки одамнинг давлати бўлмаса, у ўзи еб, бошқаларни тўйдира олмайди; агар давлати бўлса-ю, лекин уни расамади билан харжламаса, сал ўтмасдан бу давлат йўқ бўлиб кетади.

## САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Сир ёқасидаги Фороб қишлоғининг мардуми Муҳаммад аҳли дониш орасида жумла жаҳонга маълум ва машҳур эди. Илму ҳикмат бобида Арастудан сўнг устоди соний бўлиб, Ал-Форобий номи билан мушарраф эди. Алқисса, юнон сафаридан қайтарда минглаб ғаройибот қатори бир мўъжиза олиб қайтмиш эрдиким, унинг оти найдир.

Аттангки, устоднинг қайтиши бу дафъа элда шодиёна байрам бўлмади. Боиским, фуқаронинг аксари, жумладан, Ал-Форобийнинг яккаю ягона жигарбанд оғаси ҳам Билужистон мулкига асир тушиб, ёппасига ҳайдаб олиб кетилган эди.

Устод изтиробי беадад чекди. Най чалиб, нола қилди. Ғурбату ҳижрон дардида «Чўли Ироғ»у «Ушшоқ» янглиғ кўп ситамгар наволар ижод этди. Ниҳоят бардоши тугаб, ақалли жигарбандини тилаб олиш умидида Билужистон шоҳининг арки машъумига қараб равона бўлди.

Бу даргоҳ баайни жаҳаннам, фалак гумбазини оҳ-нола тутуни тутган, қиёмат-қойимнинг худди ўзи эди. Устоднинг оғаси янглиғ мўр-малах қуллар ясоқ-ясоқ бўлиб қайноқ кун тиғида қора терга ботиб заҳмат тортар эдилар. Устод бу бедодликни, инсон қадрининг нечоғлиқ тубан тушиб кетганлигини кўриб, оғасини ҳам, ниятини ҳам фаромуш қилди.

– Бу надирки, бу азобда бино қилурсиз? – деб савол қилди устод.

– Шоҳимиз жаҳоннинг саккизинчи мўъжизасини барпо этмоқдалар, – деди қамчисидан қон томган саркор, – сен жаҳонгашта дарвешга ўхшайсан, шавкатли шоҳимизни дуо қил.

Устод ундан юз ўгириб қуллар орасига кириб кетди.

Териси устухонига ёпишган, мажолсиз қуллар узоқдан харсанг ташир, тупроқ қазир, баландликка тош кўтариб чиқар эдилар. Улар оч-яланғоч, хаста танлари ярачақа, шому саҳар бетиним заҳмат чекиб, тунлари чивинга таланар эканлар. Энг мудҳиши улким, бу беватан бечоралар орасида номаълум бир офат, касал тарқалибди.

Бу дарднинг на бир сабабини, на давосини бирон кимса билармиш. Қуллари андоқ қирилмоқда эканки, шоҳнинг ўзи ҳам таҳликага тушибди: унинг қуллари бу офатдан қирилиб, тугаб кетса, саккизинчи мўъжизани ким бино этади? Шоҳ шон-шуҳрат қозонмоқчи, жаҳонга ном чиқармоқчи ахир!

Бинобарин, шоҳ қулларига мурувват қилиб, берадиган емагини андак ошириб, ҳафтага сут, ойга бир гўшт ҳам улаштиради. Ишбошиларга тилла тарқатади: қуллар ўлмаслиги керак! Аммо офат чекинмас, қуллар ҳамон пашшадай қирилар эди.

Устод бу мискинлар орасида узоқ юрди, бирга ётди, бирга турди, ҳамдард бўлди. Кунлардан бир

куни уни саркор кўриб, сўроққа тутди:

– Ҳой мусофир, сен дарвешга ўхшамайсан, кимсан бу дўзахни ихтиёр этган?

– Мен Ал-Форобийман, – деди устод.

Саркорларнинг эси оғиб қолай деди, кўзларининг соққаси чиқиб кетди. Улар аввал аста тисарилиб, сўнгра тирқираганча орқаларига қарамай қочдилар.

Шу куниёқ Форобийни навкарлар олиб кетди, шоҳ уни ўз ҳузурига даъват этган эди. Устод аркони давлатнинг ҳашаматли саройларида неча чақирим пояндозларни босиб ўтиб, шавкатли Билужистон шоҳининг ҳузурига етди. Шоҳ сурмадай қора соқолли, бано-

рас тўн ва олтин тож кийган ёшгина, ҳусни баркамол бир зот экан. У тахтидан қўзғалиб, ал-Форобийнинг истиқболига чиқди.

– Бизнинг мулкимизга ташриф буюрган экансан, биз мамнунмиз. Аммо нечун бизга маълум этмадинг?

Шоҳнинг имоси билан унинг оёғи остига бир товоқ олтин тўкдилар. Устод пинак бузмади, у бундай шоҳона даҳмазалар, «мурувват»ларни кўп кўрган эди.

– Нега чорладингиз, шоҳ? – сўради у соддагина қилиб.

Камида «шавкатли шаҳаншоҳ», «шоҳи жаҳон» деб улуғлашларига ўрганган шоҳ бундай муомалага бу сафар ғазабланмади.

– Бизнинг содиқ қулларимизга қирғин келибди, унинг давосини

топиб, офатга барҳам бергайсан, – деди у ва каттагина чарм халтада тиллани унинг оёғига ўзи ташлади.

– Бу менинг қўлимдан келмайди, шоҳ.

– А? – деди ғазабланиб шоҳ, жадал бориб тахтига ўтирди. – Сенинг илму фузул аро шуҳратинг, Устоди Соний номинг ғалатми? Сен бу офатнинг қаёқдан келганини, нима эканини билмайсанми?

– Биламан, шоҳ. Лекин даволаш қўлимдан келмайди.

– Кимнинг қўлидан келади?

– Бу фақат сизнинг қўлингиздан келади.

Шоҳ тахтдан сакраб турди. Сарой аҳлига фармонлар берди: устоди Соний саройда қолади, унга тилладўзи тўн кийгизилсин!..

– Хўш, устод? Бу қандай офатдир ва биз уни қай йўсин даволай олурмиз?

– Бу соғиниш-сарғайиш, фироқ дардидир, шоҳ... Бунинг давоси уларни ўз ватанларига қайтаришдир. Фақат шундагина тирик қоладилар. Акс ҳолда қирилиб кетгайлар, – деди Ал-Форобий.

– Сен дониши сухандонсан, биламиз, ҳазил-мутойиба қилмоқдасан. Ўз вақтида бунинг ҳам қадрига етгаймиз. Аммо ҳозир сўзнинг чини...

– Сўзнинг чини шу.

– А? Биласанки, биз қулларни ўз ватанига қайтармаймиз, бундан кўра уларнинг қирилиб битгунча шу ерда меҳнат қила тургани биз учун афзал.

– Биламан. Аммо касал шудир ва ўзга давоси йўқ.

Шоҳнинг ғазаби туғён урди:

– Йўқот! Оёғига кишан солиб, қулликка ташла! – деб бақирди.

... Шундай қилиб, устоди Соний шоҳ саройидан қул бўлиб қайтди, кишанини зўрға судраб юрган минг-минглаб мажолсиз қулларга келиб қўшилди.

Кунлар, ойлар тубанликда, ғарибликда ўтди. Минглар билан тақдири бир эди устоднинг. Қирғинбаротни, ўлимни бўйинларига олган қуллар учун у тану жон, бирданбир равшан фонус эди.

Бир оқшом устод қўйнидан най олиб, нола машқ қилди. Қулоқлари зангли кишан жарангидан батанг бўлган қуллар нозик най навосини

эшитиб титраб кетдилар, ётган, турган, ўтирган жойларидан жилмай қолдилар. Най навоси дам баргларда ўйнаган баҳор ели, дам узоқдан момақалдироқ нафаси каби, тўзонли шом ҳавосини лим-лим тўлдирган, жуда узоқлардан чорлаб келгандай қалбларни талпинтирар, ҳар кимнинг айтолмай юрган мунгли туйғуларини ҳикоя қилар эди.

Қуллар ҳар оқшом най товушига тўпланадиган бўлдилар. Наволарнинг дардли авжи дилларни тилкалар, одамлар эса бу жароҳатдан лаззат топиб, ўзлигини унутар эди.

Одатда нола тинглаганда, гўё гуноҳлари ювилган беғубор қалб ойнаси чил-чил синадигандек, азонгача ҳеч кимса индамас эди. Аммо бир гал кимдир уҳ тортиб қўйди. Шу

уҳ сукунатни чил-чил синдирди-ю, жонланиш бошланди.

– Тўлқинлар... – деб пичирлади кимдир.

– Ўтлоқлар... – деди биров.

– Зангори гумбазлар...

Бу гаплардан ниманидир англаган устод ўзининг «Пешрави диёр» деган узун ва дарднокноласини чала бошлади.

– Бу бизнинг Сайҳунимизку... – деди бир қул куй тугаганда.

– Чалинг, устод!

– Бу наво бизнинг Фороб боғларини намоён этди!

– Чалинг, устод!

Бу товушлар аввал фарёддек эшитилди. Аммо сўнгроқ қуллар Форобийдан: «Юртимизни намоён этинг, устод!» – деб илтимос

қиладиган бўлдилар. Ҳар оқшом най садоси янграр эди. Рангларига қон югурди. Улар наво гўзаллигида намоён бўладиган ватанга кўндилар, кўникдилар. Энди улар йиғлар, кулар, ўй сурар эдилар. Ажал офати чекинди...

Жаҳоннинг саккизинчи мўъжизаси бино бўлдими, йўқми – ровийлар билмайдилар. Аммо одам қалбидаги гўзаллик туйғуси мўъжизалар мўъжизаси эканки, инсон усиз инсон эмасдир...

## УМР ДАФТАРИ

Фаридун[1] фарзанди учун қоғозга қуйидаги сўзларни ёзди:

[1] *Фаридун* – пешдодийлар сулоасига мансуб олтинчи ҳукмдор.

“Ҳаёт варақлари киши амалининг саҳифаларидир. Унга энг яхши ишларгина ёзиб қолдирилади”.

## МАРД ВА НОМАРД

Искандар Зулқарнайн айтган экан:

– Киши ўзининг олий ҳиммати билан азиздир. Мард шундай кишики, гапирмасдан туриб, қилмоқчи бўлган ишини адо қилади. Номард киши гапириб туриб ҳам адо қилмайди.

## ДУШМАННИНГ ФОЙДАСИ

Искандар Зулқарнайн айтади:

– Дўстлардан-ку, кўп фойда кўраман, лекин душманлардан ундан

ҳам кўп манфаат топаман. Чунки менинг ёмон феълимни дўстлар манфаат юзасидан яширадилар ва мен уни билмай қоламан. Душманлар эса душманлик жиҳатидан бу феълимни менинг юзимга соладилар ва мен ундан қутулишга ҳаракат қиламан.

## ЧИДАМ ВА МУЛОЙИМЛИК

Фаридундан сўрадилар:

– Одамларни ўзингдан узоқлаштирмасликнинг чораси нима?

У деди:

– Чидам ва мулойимлик.

Яна ундан:

– Мушкул нарсаларни қандай ҳал қилса бўлади? – деб сўрадилар.

У яна:

– Чидам ва мулойимлик билан! – деб жавоб берди.

## ҚАНДАЙ ЎҒИЛ ЯХШИ?

Шоҳ Хусравдан:

– Ўғилларингдан қайси бирини кўпроқ севасан? – деб сўрашибди.

– Тартиб-интизомга риоя қиладиган, ор-номусини кўз қорачиғидай сақлайдиган, жамиятда олий мавқени ишғол этиш учун ҳамиша жон куйдирадиган ўғлимни кўпроқ яхши кўраман, – дебди у.

## ДУШМАНГА АҚЛ БЕРСИН

Шоҳ Хусравга шундай савол беришибди:

– Кимларга тезроқ ақл киришини истардинг?

– Душманларимга, – дебди. – Ҳаммага маълумки, ақлли одам ёвузликдан қочади.

## ЭНГ ЯХШИ УЧ НАРСА

Анушервон ҳузурига узоқ-яқиндан вакиллар келган экан. Анушервон илму донишда мумтоз вазири Бузургмеҳрнинг[1] ақлу заковатини меҳмонларга кўз-кўз қилиш ниятида ундан:

– Эй ҳаким, дунёда энг яхши нарса нима? – деб сўрабди.

– Дунёда уч нарсадан ўтадиган ҳеч нима йўқ, – дебди Бузургмеҳр.

– Нима экан улар?

– Ўлим, аёл ва эҳтиёж.

---

[1] *Бузургмеҳр* – Анушервони одилнинг донишманд вазири.

Анушервон бу жавобдан хижолат бўлибди ва ҳаким беъмани гап айтиб қўйди, деб ўйлабди. Кейин қулай фурсат топиб, бу нима деганинг, дурустроқ шарҳлаб бер, дебди. Шунда Бузургмеҳр:

– Эй шаҳриёри олам, аёл бўлмаганда сенга ўхшаган зот қаердан туғиларди, ўлим бўлмаганда отангнинг салтанати сенга тегармиди, эҳтиёж бўлмаганда менга ўхшаган одам сенинг саройингда турармиди? – дебди.

## БИР АЙБ ОРТИДАН ЎН АЙБ

Анушервоннинг ўғли Ҳурмуз Ахвоз вилоятига борган пайтда ўша ернинг ҳокими билан мулоқотда бўлди ва бир куни унга деди:

– Сенда ягона бир айбдан бошқа ҳеч бир айб кўрмадим. Аммо ўша кўрган айбим ўнта айбни ўз ортидан эргаштириб юради.

Ҳоким:

– У қандай айб экан? Орқасидан эргаштириб келадигани эса қайсилар – айтиб бер! – деди.

Ҳурмуз деди:

– Ўша айб керилиш ва ўзни катта тутишдир. Билгилки, унга эргашадиган айбларнинг биринчиси – менсимаслик бўлиб, унинг оқибати халқ нафратига йўлиқиш. Иккинчиси – одамларни тафтиш ва тадқиқ қилиб, уларга дашном берган ҳолда, ўзи эса касб-ҳунарнинг бирортасига ҳам эга бўлмаслик. Учинчиси – ўқишдан ор қилиб, илму адабдан бебаҳра

қолиш. Тўртинчиси – ўтиришда барчадан ўзини устун ва доно деб билиб, ўзига душман орттириш ва обрўйини тўкиш. Бешинчиси – манманлик туфайли чегарадан чиқиш, баландроқ амални хоҳлаб қолиш, натижада хору зор бўлиб, ўз мартабасидан ҳам ажраш. Олтинчиси – одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилмаслик, беморлардан ҳол сўрамаслик ва шунга ўхшаш нарсалардан кўз юмиш. Еттинчиси – одамларга хавф солиш, уларни масхара қилиш орқали беқадр бўлиш. Саккизинчиси – маслаҳатсиз иш тутиш туфайли хижолат чекиб, надомат тортиш. Тўққизинчиси – одамлар мени улуғ фаҳмлайди, деб ўйлаш ва гумонда юриш. Ўнинчиси – фозил ва комил

кишиларга қулоқ солмай, ҳақорат кўзи билан қараш сабабли уларнинг назаридан қолиш!

## ҲИКМАТ АНЖУМАНИ

Бир куни Анушервон танҳо ўтирган эди. Унинг ҳузурига Юнон, Муъбад, Фаррухзод, Бузургмеҳр ва бошқалар кириб келишди. Анушервон уларга қараб деди:

– Бу катта анжуман бўлди. Келинглар, ҳар биримиз биттадан ҳикматли гап айтайлик, токи сўзимиз бошқаларга ибрат бўлсин!

Сўнг Муъбадга қараб:

– Сен нима дейсан? – деди.

Муъбад деди:

– Икки нарса борки, улар бирбиридан яхшидир. Масалан, ҳунар

билимдан яхши, иш эса сўздан афзал.

Анушервон:

– Батафсил тушунтир! – деди.

Муъбад давом этди:

– Ҳар кимнинг ҳунари бўлмаса, у қуруқ девор билан тенг. Ҳар кимнинг сўзи чиройли бўлсаю иши ёмон бўлса, фойдасиз шамол кабидир.

Анушервон Хуршидга қараб:

– Сен нима дейсан? – деди.

Хуршид:

– Жаҳонда икки нарса борки, ҳеч нарса ўша икки нарсадан яхши эмас, биринчиси – хурсандчилик, иккинчиси – беозорлик! – деди.

Анушервон:

– Кенгроқ тушунтир! – деди.

Хуршид:

– Ҳар ким борига қаноат қилиб хурсанд яшаса, ҳеч кимга эҳтиёжи қолмайди. Кимки ҳеч кимга озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, ҳеч кимдан хавф етмайди! – деди.

Анушервон Бузургмеҳрга қараб:

– Сен нима дейсан? – деб сўради.

Бузургмеҳр:

– Эй Анушервон, одамлар қуйидаги нарсаларга амал қилмасалар, ҳеч қачон хурсандчилик юзини кўрмайдилар: масалан, борига қаноат қилмаса, етолмайдиган нарсаларига интилса, бировнинг қўлидаги нарсага тама кўзи билан қараса! – деб жавоб берди.

Анушервон ундан ҳам кенгроқ тушунтиришни сўради, у деди:

– Хурсанд шундай кишики, нима топса, ўшанга қаноат қилади, топганига шукур қилиб, умрини ғамсиз ўтказади. Тама ва очкўзлик эса ўз жонини қийнашдир. Тамагир ва очкўз киши ҳеч қачон рост йўлдан юрмайди, ҳамиша кўнгли иллатли бўлади. Ҳар ким ўзини яхшилик йўлига солса, ҳамма ёмонликдан омон бўлади. Жаҳонда тинч ва осуда яшайди.

Анушервон Юнонга қараб:

– Сен нима дейсан? – деди.

Юнон шундай деб жавоб қилди:

– Етти нарса борки, ҳар ким бу етти нарсага амал қилса, дунёда яхши отли бўлади. Биринчи – дунёда донолар маслаҳати билан иш қилса, иккинчи – ўз ватанида бўлса, учинчи – одил бўлса, тўртинчи –

сабрли бўлса, бешинчи – қайсар бўлмаса, олтинчи – фойдасидан бошқаларни ҳам баҳраманд қилса, еттинчи – камтар бўлса!

Анушервон Юнондан ҳам бу сўзларни кенгроқ тушунтиришини сўради. Юнон деди:

– Маслаҳат марваридга ўхшайди, одамларни тош деб ҳисобласа, шу тошлар орасидан бирорта марварид сўз чиқиши мумкин. Ишни ўз жойида муносиб ҳолда қилмасанг, зиёни етади. Одиллик билан иш қилинса, бу ишга ҳеч ким қарши чиқмайди. Сабр ва чидам барча мушкул ишларни енгиш калитидир. Қайсарлик эса энг ёмон хислат. Камтарлик барчанинг ҳавасини ва ҳурматини қўзғотадиган ёқимли одатдир.

Анушервон бу ҳикматларнинг ҳаммасини ёзиб қолдиришга фармон берди.

## АБАДИЯТ СИРИ

Анушервони одил Бузургмеҳрдан:

– Энг яхши яшаш қандай яшаш? – деб сўради.

– Саломат бўлиш ва хотиржам яшаш – энг яхши яшаш, – деб жавоб берди у ва давом этиб деди: – Лекин яхши ном қолдириш абадий яшашдир.

## БУЮКЛИК МЕЗОНИ

Анушервони одилнинг қабр тошига қуйидаги сўзлар ёзилган экан:

Мен ҳаётлигимда ва подшоҳлигимда ҳамманинг ҳожатини чи-

қарар, бирор кишини ҳузуримдан умидсиз қайтариб юбормас эдим. Энди эса тупроқ остида ожиз ётибман, лекин хоҳлайманки, менинг зиёратимга келганлар бирор-бир манфаат кўрмай кетмасинлар – тириклигимда одамлар мендан қандай баҳраманд бўлган бўлсалар, энди васиятларимдан ҳам шундай фойда кўрсинлар, деб мозор тошига қуйидаги насиҳатларни ёздирдим; менинг бу пандларим зиёратчилар қадам ранжининг мукофоти бўлсин!

Ҳа, улуғ зотлар нафақат тириклигида, балки ўлганидан кейин ҳам ибратли ҳаёти, ҳикматли сўзи билан инсониятга хизмат қилаверади. Мана, ўша ҳикматлардан баъзилари:

“Агар ҳар кишини ҳаётнинг ўзи мулла қилмаса, ҳеч бир доно унга ақл ўргатиш учун заҳмат чекмасин, заҳмати беҳуда кетади”.

“Ҳар кишининг илми бўлса-ю, лекин унга лойиқ ақли бўлмаса, бу илмнинг унга ҳеч қандай фойдаси бўлмайди”.

“Агар ўз сирингнинг очилишини истамасанг, бировнинг сирини ҳам фош қилма”.

“Агар сиримни душман билмасин десанг, дўстингга ҳам айтма”.

“Агар одамларнинг севимлиси бўлишни истасанг, улардан ҳеч нарсани аяма”.

## ДУНЁДАГИ ЭНГ ЁМОН НАРСА

Кисро[1] мажлисига билимдонлардан уч киши – Рум файласуфи, Ҳинд ҳакими ва Бузургмеҳр тўпланишган эди. Суҳбат дунёда энг ёмон нарса нима, деган масалага етганда Рум олими деди:

– Қарилик ва сустлик, йўқчилик ва қашшоқлик.

– Бетоблик ва надомат, – деди Ҳинд донишманди.

– Ажал яқин келиб, бутун ишлардан узоқлашмоқ, – деди Бузургмеҳр.

[1] *Кисро* – Хисрав исмининг арабча шакли. *Хусрав* (*I*) – Анушервоннинг лақаби.

## КЕЧИРИЛМАС ГУНОҲЛАР

Хусрав Парвез[1] деган экан:

– Подшоҳ тўрт тоифа кишиларнинг: биринчиси – унинг мамлакатига қасд қилганлар, иккинчиси – ҳарамига кўз олайтирганлар, учинчиси – сирларини фош этганлар ва тўртинчиси – шоҳ билан тилда биру дилда бегона бўлганлар ва душманлар билан яширинча шоҳга қасд қилганлар гуноҳларини кечирмаслиги керак.

## ШАҲАРНИНГ КЎРКИ

Шоҳ Шопур[2] шундай деган экан:

---

[1] *Хусрав Парвез* (*Хусрав II*) – сосонийлар сулоласи ҳукмдори (вафоти – 628).

[2] *Шопур* – сосонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор.

– Беш нарса ҳар қандай шаҳарнинг ҳам чиройини очиб юборади: фотиҳ шоҳ, одил қози, тўкинсочин бозор, ҳозиқ табиб ва сув тўла дарё.

## ИККИ КЕРАКЛИ НАРСА

Халифа Мансур ўз ўғлига деди:

– Эй ўғил, мендан икки нарсани ўрган, бу нарсалар ҳаётингда керак бўлади. Биринчиси шуки, нима иш қилсанг, аввал роса ўйла, кейин ҳукм чиқар. Иккинчиси шуки, нима ишга қўл урсанг, аввал уни йўлга сола оладиган ёки қувватини қайтара оладиган чора-тадбирини кўриб қўй!

## ВАҚТ БИР ЕРДА ТУРМАЙДИ

Маъмун бир куни шикоятга келганларни қабул қиларди. Бир ҳожатманд кишининг аризасини унга берадилар. Маъмун аризани котибига топшираркан, дейди:

– Бу дарвешнинг ҳожатини чиқаргин, чунки бу дунё ҳаракатдадир, танглик ва қашшоқлик ҳам бир ҳолда турмайди, бу олам эса ҳеч кимга вафо қилмаган. Бугун яхшилик қилиш қўлимиздан келади. Эртага эса бировга яхшилик қиламиз десак ҳам, ожизлигимиздан қилолмаймиз.

## ИЧКИ ДУШМАНЛАР

Бир куни халифа Маъмун деди:

– Подшоҳ ҳарам аҳлига давлат, қўшин ва хазина ишларига аралашиб гапиришларига, бировни ҳимоя қилиб, бошқани ҳайдаб, кимга зулм этиб, кимга мол ва вазифа бериб, кимни ишдан олишларига ҳеч қачон йўл бермаслиги керак. Акс ҳолда, одамлар мажбур бўлиб, шу хотинлар саройига бориб, ўз ҳожатларини ахтарадилар. Улар одамларнинг ўзларига бўлган рағбатни кўриб, ҳар хил ишларга қўл урмоқчи бўладилар. Ёмон ва фосиқ кишилар уларга яқинлашиб оладилар, подшоҳнинг эса ҳашамати ва ҳурмати қолмай, сарой равнақи ва ривожи заифлашади, подшоҳнинг

қудрати ҳам кетиб қолади. У ҳар томондан маломат эшитади, мамлакат аҳли изтиробга тушади, вазирда ҳам куч-қудрат қолмай, қўшин аҳволи оғирлашади.

## АФВ ЛАЗЗАТИ

Бир подшоҳ шундай деган экан:

– Одамларнинг гуноҳини афв этиш менга қанчалик ҳузур бағишлашини фуқаром билганида, эҳтимол менинг қаламравимда[1] гуноҳ қилмаган одам топилмас эди.

## ҲАДЯ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

– Бўйин эгиб ҳадя сўрамаган кимса ҳадяга лойиқ эмас, – деган экан бир подшоҳ.

[1] *Қаламрав* – мулк, қўл остидаги ерлар.

Бунга жавобан шу ерда ўтирган донишманд шундай дебди:

– Сўраб олган одам олган нарсасига нисбатан кўпроқ йўқотади. Ҳақиқий марҳаматли киши сўрамасдан беради.

## ДОНИШМАНД ПОДШОҲ

Бир подшоҳ бир кишини ўз тарбиясига олди ва унга айтди:

– Агар менинг қошимда мартабанг кундан-кунга ортишини истасанг ва бошқа мулозимларимдан ҳам яқинроқ тутишимни хоҳласанг, зинҳор уч ишни қилмагил. Биринчидан, ёлғон сўзламагил, токи хор ва беобрў бўлмагайсан. Зеро, кимки ёлғончи бўлса, эл наздида бебурддир. Иккинчидан, менинг

ҳузуримда мени таърифу тавсиф қилмагил. Чунки ўз ҳолимни сендан кўра яхшироқ биламан. Учинчидан, ғийбатдан йироқ бўлгил ва аъёнлару фуқаронинг нолойиқ ишларини менга айтмагил, токи мен эшитиб, уларга нисбатан ёмонлик қилиш фикрида бўлурман. Агар менинг ғазабим аъёнларга маълум бўлиб қолса, улар қўрқувдан ўзга ҳукмдорни истаб қолурлар ва бунинг натижасида мулкимга беҳад зарар етгай.

## МУСТАЖОБ БЎЛГАН ДУО

Одил подшоҳнинг дуоси мустажоб бўлади, дейдилар.

Ислом шаҳарларининг бирида бир неча кун муттасил ёмғир ёғди.

Ҳаммаёқ лойгарчилик бўлиб, эл кўчага чиқолмай қолди. Йўлларни сув олиб кетиб, иморатлар қулай бошлади. Каттаю кичик барчанинг кўнгли ваҳимаю изтироб билан тўлди. Ҳатто мунажжимлар ҳам юлдуз кўриб, бу шаҳарни сув олиб кетади дея бошлашди. Қий-чув, фарёд авжга чиқди. Бу мамлакатнинг подшоҳи одил ва покиза эди. У барчага тасалли бериб, ўзи хилватга кириб, юзини саждага қўйиб айтди: "Ё, Парвардигор! Элим вайронгарчилик азобида қолди. Фақат ўзинг бизларни бу офатдан халос қила олурсан ва элимга қудратингни кўрсата олурсан". Унинг бу муножоти Оллоҳ таолога етди ва ўша онда ёмғир тўхтаб, офтоб чарақлади.

## ТАФОВУТ

Одамлар Арастудан:

– Сен бошқалардан ниманг билан фарқ қиласан? – деб сўрашибди.

– Улар емоқ учун яшаса, мен яшамоқ учун еяман. – дебди Арасту.

## ГАПНИНГ ҚИСҚАСИ

Икки дўст учрашиб қолиб, бириси иккинчисига ўз ҳолидан шикоят қилиб деди:

– Дўстим, ҳолим жуда оғир, меъдам ҳеч нарсани қабул этмайди, жуда кучсизман, кўзларим тинади, бошим айланади, кўнглим айнийди, оёқларим қалтирайди, кечалари кўзимга уйқу келмайди, иситмалаб ёнаман. Мабодо дўстларим сендан

менинг ҳолимни сўрасалар, уларга шундай деб айт, – деди.

Дўсти унга:

– Тўхта, дўстим, мени кечир, бундай узун сўзларни эсимда сақлаб қололмайман. Сенинг ҳолингни сўраганларга қисқача қилиб: “Бечора дўстим вафот қилди”, деяман-қўяман, – деб жавоб берди.

## ҚАРОҚЧИЛАР

Юнон тупроғида қароқчилар карвонни таладилар ва сон-саноқсиз ўлжани қўлга киритдилар.

Луқмони ҳаким ҳам ана шу карвонда эди. Савдогарлардан бири унга мурожаат қилди: “Буларга насиҳат қилиб, ҳикматли сўз айт, зора талаган молларимиздан бир оз қисмини қайтариб беришса, ахир,

шунча мол-дунёнинг талон-торож бўлиши увол-ку!” Луқмони ҳаким деди: “Буларга ҳикматли сўз айтиш ҳайфдир”.

*Занглаган темирни минг ишқов бериб,*
*Кўзгудай сайқаллаб, боқиб бўлмайди.*
*Қора кўнгилларга ўгит фойдасиз,*
*Тошга темир михни қоқиб бўлмайди.*

*Шод кунларинг ғамгинларнинг*
*кўнглин топ,*
*Дил оғритган балоларга қолади,*
*Бўла туриб тиланчига бермасанг,*
*Бирор золим сендан юлқиб олади.*

## ОФТОБ

Бир соҳибдилга дедилар:

– Офтоб ғоятда гўзал бўлганига қарамай, ҳеч кимса уни севгани ва

ошиқи шайдоси бўлганини эшитмадик.

Соҳибдил жавоб берди:

– Бунинг сабаби шуки, у ҳар куни кўринади, лекин қишда кўздан пинҳон бўлгани учун ҳамма уни яхши кўради.

## ФАСОҲАТ

Саҳбони Воилни фасоҳатда тенги йўқ деб ҳисоблар эдилар, чунки у бир мажлисда бир йил давомида сўзласа ҳам, бир ишлатган сўзини такрорламасди. Бир фикрни иккинчи марта айтишга мажбур бўлган тақдирда ҳам, бошқа иборалар билан ифода этарди.

## НОДОНЛИК НАМОЙИШИ

Донишмандлардан бири дер экан:

– Биров гапини тугатмасидан бурун гапга аралашадиган кишидан кўра ортиқроқ ўз нодонлигини ошкор қиладиган одам бўлмайди.

## САБАБ

Бир қари кишидан:

– Нега уйланмайсан? – деб сўрадилар.

– Кампирлар суҳбатидан ҳузур қила олмайман, – деб жавоб берди чол. Унга дедилар:

– Давлатинг бор, ёш хотинга уйлан!

Чол жавоб берди:

– Мен чол бўла туриб кампирни ёқтирмаганимдан кейин, ёш хотин мен кексани қандай яхши кўрсин?

## НАСИҲАТ

Бир донишманд фарзандларига шундай панду насиҳат қиларди:

– Азиз ўғлонларим, ҳунар ўрганинглар, зероки, молу дунёга эътимод йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлидир. Қароқчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлайди. Аммо ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам эса, ҳами-

ша машаққат чекади, тиланчилик қилади.

## НАФС

Мен бир донишманддан:

– “Энг ашаддий душманинг – икки кифтинг орасида жой олган нафсингдир” деган ҳадиснинг маъниси нима? – деб сўрадим. Донишманд шундай жавоб берди:

– Маъноси шуки, ҳар бир душманга эҳсон қилсанг, у сенга дўст бўлади, илло нафс деган нарсага қанча илтифот қилсанг, адоватини шунча ошираверади.

## АМАЛГА НОЛОЙИҚ КИШИ

Умар ибн Абдулазиз бир қозини вазифасидан бўшатди. Қози Умардан:

– Нега бўшатдингиз? – деб сўради. Умар:

– Вазифангдан сўзинг баландроқ экан, – деди.

## ИСКАНДАРНИНГ ТАЛАБЛАРИ

Искандар ўзининг қозисига: “Мен сени бу вазифага тайин қилиш билан ўз жонимни, ўз номусимни, ўз жасоратимни ҳам топширдим, бу вазифани сен ўз жонинг ва ақлинг билан сақла”, деган. У ўзининг ошпазига: “Менинг гавдам сенинг қўлингга топширилган. Унинг устига ўз жонинг баравар ғамхўрлик қил”, – деган. Мирзасига эса: “Сен менинг ақлим устидан иш кўрасан. Ёзаётган нарсаларингда мени сақла”, – деган.

## УЧ НАРСА

Луқмони ҳаким ўғлига уч нарса уч ердагина билинади, деган. Чидам – бошга кулфат тушганда, ботирлик – курашда, дўстлик – унга ҳожат тушганда.

## ТИТРОҚ САБАБИ

Алҳусайн ўғли Али Зайнулободдин намоз чоғида титраб турди. Ундан бунинг сабабини сўрадилар.

– Ахир, сизлар биласизми, мен ким олдида турибман, кимга мурожаат қилаётирман? – деди у савол берганларида.

## ДУНЁ ВА ОХИРАТ НЕЪМАТИ

Иброҳим бундай деган: “Бир кун мен Бишрини кўрдим, унинг бир чақаси йўқолди. Мен унга бир дирҳам бердим. “Буни олмайман”, – деди у. “Бу холис, ҳалол”, – дедим мен. “Мен дунё неъматини охират неъматига алмаштирувчи эмасман”, – деди у, қатъий.

## ЭНГ ҲАҚ ГАП

Шайх Саъдий айтади:

– Улуғ шайхларнинг бирига: “Фалон одам менинг ҳақимда кўп нолойиқ сўзлар тарқатиб юради”, деб у одамдан шикоят қилдим.

Шайх:

– Гўзал хулқ-атворинг, одобинг билан уни уялтир, – деб жавоб берди.

## СУКУТНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Луқмони ҳаким ўғлига насиҳат қилиб айтади:

– Эй ўғил, одамлар сўзга устомонликлари билан мақтансалар, сен сукутинг билан мақтан. Ҳар нарсанинг далили бор. Ақлнинг далили – фикр, фикрнинг далили сукутдир.

## УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРИ

Қадимги фозиллардан Асмаий айтади:

– Бир юз йигирма ёшга кирган бир кишини кўриб, ундан сўрадим:

“Узоқ умр кўришингизга сабаб нима?”

У киши:

– Ҳасад, кинчиликдан парҳез қилдим. Мана шу хислатим узоқ умр кўришимга сабабчи бўлди, деб жавоб берди.

Байт:

*Гар десанг умримда*
*ғамгин бўлмайин,*
*Қилма ҳеч кимга ҳасад*
*ҳам тутма кин.*

## ЭНГ МУНОСИБ ОДАМ

Бир донишманднинг шогирди устодидан:

– Одамлар орасида эзгулик қилишга энг сазовор бўлган одам ким? – деб сўради.

– Онанг, – деб жавоб берди устоди.

Шогирди яна сўради:

– Ундан кейин ким?

– Онанг, – деб айтди устод.

Шогирди яна сўради:

– Ундан кейин ким?

– Онанг, – деди донишманд устод.

Шогирди яна тўртинчи марта "Ундан кейин ким?" деб сўрагач, устоди:

– Отанг ва бошқа қавму қариндошларинг, – деб жавоб берди.

## ИСКАНДАР ВА АРАСТУ

Искандар Румий бир кун устоди Арастудан:

– Эй устод, мен буюк ишларга қадам қўйдим. Бу ишларим натижа-

сида дўстларни ҳам, душманларни ҳам топаман. Улар билан қандай муомала қилишим керак? – деб сўради.

Арасту шундай деб эди:

– Иложи борича ўзингга душман орттирма, бирор киши сенга душманлик кўрсата бошласа, сен унга марҳамат назари билан қара, дилнавоз бўл, шу билан у киши дўстларинг қаторидан жой олади. Дўстларингни шафқат ва марҳаматинг билан сарафроз[1] қил, улар сендан ажралмай, самимий дўстларинг бўлиб қоладилар.

Ёлғончи кишидан вафо кутма. Тўғри сўз кўнгилга аччиқ ва каттиқ

---

[1] *Сарафроз* – юксак, баланд; хурсанд, мағрур; мумтоз.

тегади. Одам яхшилик қилганга яхшилик қилади, бир яхшиликка ўн ҳисса яхшилик қайтаради. Кимнинг асли пок – соф бўлса, у одам элга манфаат етказади.

Эй мард одам! Одамийлик қил, олий ҳимматли, тавозели, очиқ юзли, ширин сўзли бўл.

## ЭНГ ЁМОН ОДАМЛАР

Бир донишманд ўз шогирдларига:

– Сизларга энг ёмон одамлар кимлар эканидан хабар берайми? – деган эди, шогирдлари устоддан буни ўтиндилар:

– Чақимчилик қилиб одамларни бир-бирларига душман этган одамлар энг ярамас, энг ёмон кишилардир.

Донишманд яна шогирдларига чақимчиликнинг дилга етказадиган озори ҳақида фикр билдириб:

– Бирингиз иккинчингизнинг сўзингизни менга етказманг, мен саломат ва роҳатда бўлган қалб билан сизларга йўлиқишни истайман, – деди.

## ЯХШИ ВА САХИЙ КИШИ

Қадимги Эрон донишманди Бузургмеҳр ўз устозидан сўради:

– Дунёда энг яхши ким?

Устози жавоб берди:

– Одамларга фойда етказган киши.

Яна сўради:

– Қандай кишини сахий деб айтиш керак?

– Сахий одам эҳсон қилганида шодланади, пушаймон бўлмайди, – деб жавоб берди устози.

## СУКУТ – ДОНОЛИК АЛОМАТИ

Айтишларича, Луқмони ҳаким бир кун ҳазрати Довуднинг ҳузурига келди. Довуд совут, зирҳли кийим тайёрлаш билан машғул эди. Луқмони ҳаким шу вақтгача бундай бир кийимни кўрмаганди, шунинг учун бунинг қандай кийим эканини сўрамоқчи бўлса ҳам сабр этиб, сўрамасдан, кийимнинг тайёр бўлишини кутиб турди. Довуд кийимни тайёрлаб кийиб олди, шодланиб Луқмони ҳакимга:

– Луқмон, кўрдингизми, қандай гўзал жанг кийими тайёрладим, – деб мақтанди.

Бундан Луқмони ҳаким Довуд тайёрлаган кийимнинг нимага ярашини билиб, ўз-ўзига: “Сукут қандай буюк оқилликдир”, – деди.

## НАСИҲАТ – ЁШЛАРГА ЯРАШАДИ

Луқмони ҳакимдан:

– Насиҳатларингизнинг кўпи ёшларга оид бўлади, аммо ёши катталарга камроқ бўлади, бунинг сабаби нима? – деб сўрадилар.

Луқмони ҳаким шундай жавоб берди:

– Боғбон ерни юмшатиб, бир дарахт кўчатини ўтқазиб, унинг атрофини хас-хашакдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаб, керак бўлган вақтда сув бериб турса, умуман, яхши диққат қилиб тарбияласа, тез

вақтда дарахт вояга етади, унумли, серҳосил бўлади.

Болани ҳам ёшлигидан бошлаб яхшилаб тарбия қилинса, гўзал ахлоқли, одобли этиб ўстирилса, у бола ўзига, ота-онасига бахт-саодат келтиради, жамиятнинг энг фойдали аъзоси бўлиб етишади. Шунинг учун мен ёшлар тарбиясига кўпроқ аҳамият бераман, ваъз-насиҳатларимнинг кўп қисми ёшларга оид бўлади.

Байт:

*Ҳар ўғил-қизга керакдир*
*руҳафзо[1] тарбият,*
*Айлагай орзу-умидларни*
*муҳайё тарбият.*

---

[1] *Руҳафзо* – руҳлантирувчи, жонлантирувчи, тирилтирувчи.

## НАСИҲАТ КОР ҚИЛМАЙДИГАН ОДАМ

Луқмони ҳакимдан:

– Ҳикматли сўзларингиз, одоб-ахлоққа доир ваъз-насиҳатларингиз билан кўпларни яхши йўлга солдингиз, насиҳатларингиз кор қилмай, ўзининг ёмон феъл-атворини ташлай олмаган кишилар ҳам борми? – деб сўрадилар.

Луқмони ҳаким:

– Бор, у – жоҳил, бадфеъл одам. Уни шу ярамас хулқдан қайтаришга ҳар қанча уринсам ҳам фойдасиз бўлиб чиқди, тузатишдан ожиз бўлдим, – деди.

## ДЎСТ БИЛАН ДУШМАННИНГ ФАРҚИ

Араб фозилларидан Асмаий айтади:

– Мен бир кун дўстимни кўргани бордим. Дўстим бир киши сиғарлик палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосда ўтиришга таклиф қилди. Мен:

– Палос ўзингга торлик қилиб турибди, яна мени палосда ўтиришга таклиф қиласан? – деган эдим, у айтди:

– Икки душман бутун ер юзига сиғмайди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сиға олади.

## ПАҲЛАВОННИ НИМА ЧАРЧАТАДИ?

Машҳур бир паҳлавондан:

– Сен жуда кучли, паҳлавон одамсан, чарчашнинг нима эканини билмайсан, лекин чармаган вақтинг ҳам бўладими? – деб сўрадилар. Паҳлавон шундай жавоб берди:

– Нодон ва эзма киши билан суҳбатдош бўлган вақтимда жуда ҳам чарчаб, ҳолсизланиб қоламан.

## АДЛ БИНОСИ

Букрот ҳакимдан[1]:

– Ҳамма нарсадан кўра юқори ҳисобланган нарса нима? Қайси

[1] *Букрот* – қадимги юнон ҳакими, илмий тиббиёт асосчиларидан бири Гиппократ (милоддан аввалги 460–377).

нарса ҳеч вақт вайрон бўлмайди? – деб сўрадилар. Буқрот ҳаким айтди:

– Ҳиммат ҳамма нарсадан юқори туради. Адл биноси ҳеч вақт вайрон бўлмайди.

Байт:

*Ҳимматингни тут баланд*
*эл олдида,*
*Ҳимматинг-ла мартабанг*
*бўлгай баланд.*

## ҲАР КИМНИНГ ЁШИГА ЯРАША

Бир донишманддан:

– Йигитлар учун нима нарса яхшироқ? – деб сўрадилар. Донишманд айтди:

– Шарм-ҳаё ва баҳодирлик.

Яна ундан:

– Қариларга-чи? – деб сўрадилар.

Донишманд:

– Сабр ва маърифат, – деб жавоб берди.

## ОРИЯТЛИ ДАРВЕШ

Бир дарвеш йўқчилик ўтида ёнар эди, либосининг ямоғи устига ямоқ соларди. Бир киши унга:

– Нега шу ҳолда ўтирасан? Бу шаҳарда жуда ҳам саховатли бир киши фақир, бечораларнинг хизматига бел боғлаган. Агар сенинг бу паришон ҳолингни англаса, дарҳол ёрдам қўлини узатади, – деди ва ўша сахий одамнинг ёнига бориб ёрдам сўрашни тавсия қилди.

Дарвеш у кишига айтди:

– Сукут қил, чунки ҳар кишининг ёнига бориб тиланишдан, эҳтиёжни арз этишдан кўра йўқчиликдан ўлган яхшироқдир.

## УСТОЗ ВА ШОГИРД

Олим, фозил одамлардан бири ўз шогирдига бир нарсани туҳфа қилган эди, шогирд қабул этмади. Устози ҳайрон бўлиб бунинг сабабини сўраган эди, шогирди шундай жавоб берди:

– Ўзингиз менга: “Бировдан ҳеч бир нарса олма”, деган эдингиз, шунинг учун берган нарсангизни олмадим.

Фозил устози кулиб:

– Ўғлим, сўзимга яхши тушунмагансан, бировнинг нарсасини эга-

сидан рухсатсиз олма, агар олсанг, ўғирлик қилган бўласан. Эгаси рухсат берса ёки унинг ўзи сенга бирор нарса бағишласа, албатта ол, бу ўғирлик эмасдир, дегандим. Ўз розилигим билан сенга шу нарсани ҳадя қиламан, ол, агар олмасанг мени ҳурмат қилмаган бўласан, – деди.

Шу билан шогирдига эгасидан рухсат олмай бировнинг нарсасига қўл узатишнинг гуноҳ эканини англатди.

## БИР ҲОВУЗ ВА БЕШ АРИҚ

Донишманд кишининг ёнига бир йигит келиб:

– Шу кунгача бузуқ ишлар кетидан елиб-югурдим. Энди шу ярамас

ишларимдан тавба қилмоқчи бўлиб сизнинг ҳузурингизга келдим. Мени шогирдликка қабул қилинг, тарбиянгиз соясида яхшилар сафида бўламан, – деди.

Донишманд айтди:

– Сенинг кўнглинг бир ҳовузга ўхшайди. Бешта ариқдан ифлосланган лойқа сувлар оқиб келиб, кўнглинг ҳовузини булғатиб турадилар. Агар бу ариқларнинг йўлларини тозалаб, ифлосланган сувларни киргизмасанг, у вақтдагина сени шогирдликка қабул қилиб, тарбиялайман. Ариқлар тозаланмаса, минг марта тавба қилсанг ҳам фойда бермайди.

Йигит: "У ариқлар қайси?" деб сўради.

Донишманд айтди:

– Бир ариқ – кўзинг йўли. Аёлларга фаҳш, хиёнат назари билан боқма. Бир ариқ – оғзинг йўли. Оғзингдан адаб, тарбияга зид бўлган сўзларни чиқарма, ҳаром ва шубҳали нарсаларни ема, ичкилик ичма. Бир ариқ – қўллар йўли. Кишиларнинг молу мулк, жиҳозларини ўғирлаб олма, бировни уриб, жабру жафо етказишдан сақлан. Бир ариқ – оёқларинг йўли. Ўғриликка юрма. Яна бир ариқ – қулоқларинг йўли. Ғийбат, иғво, фасодга оид бўлган сўзларга қулоқ солма, адаб-тарбияга зид бўлган сўзларни эшитишдан қоч.

Йигит бешта ариқ йўлларини тозалаб, кўнгил ҳовузини пок, мусаффо сувлар билан тўлдиришга ваъда берди. Шундан кейин донишманд йигитни шогирдликка қабул қилди.

## ҒАЗЗОЛИЙ ВА ҚАРОҚЧИЛАР

Ислом дунёсининг машҳур олими Имом Ғаззолий[1] Эроннинг Тус шаҳридан эди. Мамлакатнинг турли бурчакларидан илм толиблари Нишопурга келиб таҳсил олишарди. Ғаззолий ҳам Нишопур ва Гургон шаҳарларига келиб, бир неча йил таҳсил олди. Олган билимлари унут бўлиб кетмаслиги учун ўрганганларининг барчасини қоғозга ёзиб борар ва у қоғозларни букламалар шаклига киргизиб, авайлаб олиб қўярди.

---

[1] *Имом Ғаззолий* – машҳур илоҳиёт олими, тасаввуф назариётчиси, файласуф ва фақиҳ Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий Тусий (1058–1111).

Орадан анча йиллар ўтгандан сўнг ўз туғилган шаҳрига қараб йўлга тушди. Олган билимларини ёзган қоғоз букламаларини тахлаб хуржунига жойлаштирди ва бир карвон билан она шаҳрига равона бўлди.

Иттифоқо, йўлда бир гуруҳ қароқчилар карвонга ҳужум қилишди, карвондагиларнинг бор мол-мулкини битта-битта йиғиб ола бошлашди.

Навбат Ғаззолий ва унинг нарсаларига етди. Қароқчиларнинг қўли хуржунга етганида Ғаззолий ялиниб-ёлвора бошлади:

– Бундан бошқа нимаики бўлса ҳаммасини олинг, аммо бу хуржундаги нарсаларни ўзимга қолдиринг.

Қароқчилар бу хуржун ичида қимматлироқ нарса бўлса керак,

деб ўйлашди ва шоша-пиша хуржунни бўшатишди. Аммо унинг ичидан шиқирлаган қоғоз букламларидан бошқа ҳеч нарса чиқмади.

– Булар нима? Бу қоғозлар сенга нимага керак? – деб сўрашди ҳайрон бўлиб қароқчилар.

– Булар сизга керак бўлмайди, булар менга керак, – деди Ғаззолий.

– Қанақасига?

– Булар менинг бир неча йиллик таҳсилим самарасидир. Агар буларни мендан олиб қўйсангиз, олган билимларим қўлдан кетади ва бир неча йиллик меҳнатим ҳавога учади.

Қароқчилардан бири Ғаззолийнинг шу гапига диққатини қаратди ва ундан сўради:

– Сенинг олган билиминг мана шу бир уюм қоғозми?

– Ҳа.

– Хуржунга жой бўладиган ва ўғирлаш мумкин бўлган нарса илм бўлолмайди. Сен ўзинг тўғрингда бир ўйлаб кўришинг лозим экан.

Ушбу ўта оддий ва авомча гап Ғаззолийнинг истеъдодли ва ҳушёр руҳиясида ғалаён ясади. Шу кунгача ўз устозидан эшитганларини тўтига ўхшаб такрорлаб, дафтарига ёзиб юрган Ғаззолий энди ўз мияси ва зеҳнини тафаккур билан парваришлашга, кўпроқ фикрлаб, тадқиқотлар қилишга ва ўрганган фойдали билимларини хотира дафтарига ёзиб қўйишга қарор қилди.

Имом Ғаззолийнинг ўзи кейинчалик бу тўғрида шундай деганди:

– Менинг тафаккурим ривожида йўл кўрсатувчи бўлган энг

яхши панд-насиҳатни бир қароқчи оғзидан эшитганман.

## ТИЛ ҚИЛИЧИ

Аббосийлар халифалиги даврининг машҳур ҳажвий ва мадҳияхон шоири Ибн ар-Румий тахаллуси билан танилган Али ибн Аббос аббосийлар халифалиги ҳукуматининг вазири бўлган Қосим бин Абдуллоҳнинг йиғинида ўтирар ва ниҳоятда мамнун эди. У ҳамиша ўзидаги мантиқ ва баённинг кучи ва тил қиличи билан ғурурланарди.

Қосим бин Абдуллоҳ Ибн ар-Румий тилининг қиличидан жудаям ташвишланар, аммо ўзининг ғазабини юзага чиқармас ва унинг гапларини индамасдан тинглар эди.

Бир куни Қосим Ибн ар-Румийнинг овқатига заҳар солишларини буюрди. Ибн ар-Румий овқатдан бир луқма еган заҳотиёқ унинг заҳарланганлигини сезди.

Кетиш учун тезда ўрнидан турди.

Қосим ундан сўради:

– Қаёққа кетяпсан?

– Сен жўнатган томонга.

– Унда менинг саломимни ота-онамга етказ.

– Мен жаҳаннам йўлидан бормайман.

Ибн ар-Румий уйига бориб даволанишга киришди. Аммо фойдаси бўлмади. У шундай қилиб, ўз тилининг шамшири билан ўз оёғини чопди.

## ЭЪТИҚОД

Қадим замонларда бир юртга босқинчилар бостириб келибди. Қирғин-барот урушлардан сўнг юрт забт этилибди. Лекин халқнинг эрксевар фарзандлари келгиндиларга қарши курашни асло тўхтатмабдилар. Шунда эл сотқинлари босқинчилар подшоҳига шундай дейишибди:

– Пойтахтимизда улуғ олим бор. Уни бутун мамлакат аҳли ҳурмат қилади, фикрлари қанчадан-қанча одамлар учун қоидадай гап. Агар у қўлга олинса, мақсадга тез эришилади.

Олим зудлик билан топтирилибди... Подшоҳ уни осмонларга кўтариб мақтабди. Кўп ваъдалар

берибди. Ва унга асосий ниятини билдирибди...

– Йўқ, – дебди олим, – мен ватаним, халқим эркига хиёнат қилолмайман...

Уни ҳибсга олибдилар, анча қийноқлардан кейин яна шоҳ ҳузурига келтирибдилар. Таклифларга барибир у кўнмабди. Охири кўпчилик иштирокида олимни ўтга ёқишга ҳукм бўлибди. Аммо золим ҳукмдор аввал унинг уйига ўт қўйдиртирибди. Кейин кўз ўнгида хотини ва болаларини шу алангада куйдиртирибди. Навбат олимга келганда унга дебди:

– Ҳозир ўзинг ҳам кулга айланасан. Хўш, нима нг қолди бу дунёда?

– Сен жоҳил ва кучсизсан, – дебди олов сари одимлай бошлаган

олим. – Мени ҳеч нарсадан маҳрум эта олганинг йўқ. Ҳаммаси ўзим билан бирга!

## ИЛМ ВА БОЙЛИК

Замонасининг улкан олими Фахриддин Розий[1] узоқ йўл босиб, Хоразмга келади. Бу хабарни эшитган Муҳаммад Хоразмшоҳ Розийни на саройга таклиф қилади, на бориб уни кўради. Кунлар ўтиб шоҳ ва олим, кутилмаганда, ҳаммомда учрашиб қоладилар. Шунда Хоразмшоҳ қиёмат ишлари тўғрисида Розийга саволлар беради.

– Эй қиёмат кунини билишни орзу қилган одам, – дейди алло-

[1] *Фахриддин Розий* – машҳур олим, файласуф, адиб (1149–1209).

ма, – сенинг саволларингга жавоб берадиган муносиб жой бу ҳаммомдир. Қиёматда ҳам шоҳу гадо барчаси бир ҳил аҳволда – яланғоч бўлишади. На шоҳ, на амалдор – ҳеч ким ҳеч нарсасини олиб боролмайди. Сен ҳаммомга нимангни олиб кира олдинг? Ҳеч нимани. Тожу тахт, хазина – барчаси ташқарида қолди. Илм-ҳунар эгалари-чи? Уларнинг бойликлари меникига ўхшаб, ҳаммаси ўзлари билан бирга.

## ПОКЛАНИШ ЙЎЛИ

Қадим замонларда юнон ўлкаларидан бирида хулқий ёмонликларга қарши ёппасига кураш бошланибди. Бунда мағлуб ҳам, ғолиб ҳам

одамнинг ўзи деб белгилашибди. “Ахлоқий покланишнинг яхши воситаларидан бири – саёҳат”, деган ақида ўша даврларда кенг тарқалган экан. Бир бадфеъл кимса саёҳат орқали тозаланиш мақсади билан узоқ сафарга жўнабди. Суқротга саёҳатдан сўнг ҳам унинг тузалмаганлигини айтганларида:

– Бунга тўла инонаман. Чунки у ўзи билан ўзини кўтариб юраверган, – деган экан.

## ТАМА ВА ҚАНОАТ

Форс ўлкасидан икки киши Чин мамлакати томон сафарга чиқади. Уларнинг табиати ва нуқтаи назарлари бир-бирига зид. Бири – борига шукр қилиб яшовчи киши,

яъни қаноатли. Иккинчиси – очкўз, дунёпараст кимса. Бу икки одам узоқ йўл юради. Иттифоқо, йўл ёқасида ярми тупроққа кўмилган бир тош учраб қолади. Унинг юзасида ёзув. Улар хатни ўқишади: “Кимки машаққатларга бардош бериб, тошнинг тескари томонини ағдарса, унда бир афсона битилган. Унга кўра, шу атрофда бир вайрона бор. Вайрононинг тагида эса хазина. Қийинчиликка чидаган шу хазинага эга бўлади...” Тамагир буни ўқигач, оромини йўқотади, тош тубини қазимоққа тушади. Қаноатли киши унга парво этмасдан, йўлда давом этади. Чунки унга “ганжи қаноат” ҳамроҳ эди. “У: “Ким сориким, Тангрининг эҳсони бор, Тош ёрилиб чиқмоғи имкони бор”,

деган ишонч билан кун кечирарди. Хуллас, у тонг отгунча йўл босади. Субҳидамда бир шаҳарга дуч келади. Шаҳар ичига элтадиган йўллар кўп экан. Лекин у энг яқинига дуч келганидан биринчи бўлиб кириб боради. Дарвозага яқинлашган заҳоти уни халойиқ қуршаб олади. Бу эл расмига биноан, подшоҳ ўлгандан сўнг унинг вафоти сир тутилар, саҳар вақтида ким шаҳарга қадам босса, уни тахтга ўтқазиб, бошига тож кийдириб, қўлига узук тақишар эди. Уни шу омад кутиб турган экан. Шундай қилиб, у мамлакатга подшоҳ қилиб кўтарилади.

Тамагирнинг қисмати нима кечди дерсиз? У ўзини роса қийнаб, юз машаққат билан тошни бошқа то-

монга ағдаради. Қараса, яна ёзув, у “Хомтама даҳрда ранжур эрур” – хомтама дунёда доим ранж тортади, деган фикрни ўқийди.

## ФАРҚ

Аристотелдан:

– Фикрли билан фикрсиз одам қандай фарқланади? – деб сўраганларида:

– Ўлик билан тирик қандай фарқланса, худди ўшандай, дея жавоб қайтарган экан.

## РИВОЯТЛАР ОЛИНГАН АДАБИЁТЛАР

*Абдураҳмон Жомий*. Баҳористон (Шоислом Шомуҳамедов таржимаси).– Тошкент, 1997.

*Абу Наср Форобий*. Фозил одамлар шаҳри (Абдусодиқ Ирисов таржимаси). – Тошкент, 1993.

Аждодлар ўгити (Тўпловчи ва таржимон Бўривой Аҳмедов). – Тошкент, 1991.

*Асқад Мухтор.* Чинор. – Тошкент, 1983.

*Зайниддин Восифий.* Бадоеъ улвақоеъ (Наим Норқулов таржимаси). – Тошкент, 1979.

*Иброҳим Ҳаққул.* Занжирбанд шер қошида. – Тошкент, 1989.

*Иброҳим Ҳаққул.* Камол эт хасб-ким. – Тошкент, 1991.

Машриқзамин – ҳикмат бўстони. (Тўпловчи ва таржимонлар Ҳамид-жон Ҳомидий ва Маҳмуд Ҳасаний). – Тошкент, 1997.

*Низомий Арузий Самарқандий.* Нодир ҳикоятлар (Маҳмуд Ҳасаний таржимаси). – Тошкент, 1985

*Носир Хисрав.* Сайёҳатнома (Ғулом Каримий таржимаси). – Тош-кент, 2003.

*Саъдий Шерозий.* Гулистон (Ога-ҳий таржимаси). – Тошкент, 1993.

Тиббиёт хазинасидан (Тўпловчилар З. Эгамбердиев, З. Эгамбердиева). – Тошкент, 1990.

*Тўлепберген Қаипбергенов.* Қорақалпоқнома. – Тошкент, 1993.

*Убайд Зоконий, Муҳаммад Авфий, Фахриддин Али Сафий, Абул Фарож*. Ҳикоят ва ривоятлар (Тўпловчи ва таржимон Кибриё Қаҳҳорова). Иккинчи нашри. – Тошкент, 1987.

*Фахриддин али Сафий.* Латофатнома (Ҳожи Сотимхон Хожа Инъом Мунаввар таржимаси) – Тошкент, 1996.

*Чингиз Айтматов, Мухтор Шохонов*. Чўққида қолган овчининг оҳизори (Набижон Боқий ва Ёқубжон Хўжамберди таржимаси). – Тошкент, 1998.

Sharq rivoyatlari (To'plovchi E. Ochilov). Toshkent, 2010.

*Шоислом Шомуҳамедов*. Гулбоғ насими. – Тошкент, 1992.

*Шукрулло*. Жавоҳирот сандиғи (Тўлдирилган қайта нашри). – Тошкент, 1983.

Ҳикматли латифалар ва нишонга урилган сўзлар (Тўпловчи ва таржимон Муҳаммад Собир). – Тошкент, 1996.

*Адабий-бадиий нашр*

Ҳикоят ва ривоятлар олами

# ДОНОЛАР СУҲБАТИ

Иккинчи нашри

Муҳаррир *А. Файзуллаев*
Бадиий муҳаррир *Ҳ. Қутлуков*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Кичик муҳаррир *Г. Ералиева*
Мусаҳҳиҳ *С. Салоҳиддинова*
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова,*
*Г. Қулназарова*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.09.
Босишга 2018 йил 30 ноябрьда рухсат этилди.
Офсет қоғози. Бичими 60x84 1/64. «Peterburg»
гарнитурасида офсет усулда босилди.
Шартли босма табоғи 4,07.
Нашр табоғи 4,61. Адади 10000 нусха.
Буюртма № 18-314.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
"O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

**Донолар суҳбати** / Э. Очи-
Ф-79 лов. —Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 280 б. – (Ҳикоят ва ривоятлар олами).

ISBN 978-9943-01-900-3

Донишманд зотларнинг ҳар иши – ибрат, ҳар сўзи – ҳикмат. Шунинг учун уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ривоят ва ҳикоятлар, бу теран тафаккур соҳибларининг кенг қомусий билим ва катта ҳаётий тажриба билан тўйинган пурмаъно фикрлари асрлар давомида тилдан-тилга, китобдан-китобга ўтиб келган.

Ушбу тўплам ана шундай ибратли ривоятлар ва ҳикматли сўзлардан тузилган.

**УЎК 821.512.133-3**
**КБК 84(5Ў)**